

СОИИБЖОН ТИЛЛАБОЕВ

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНING МАЪМУРИЙ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА МАҲАЛЛИЙ  
АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ



Faint, illegible text at the top of the page, possibly a header or title.

Second line of faint, illegible text.

Third line of faint, illegible text.

Fourth line of faint, illegible text.

Fifth line of faint, illegible text.

Sixth line of faint, illegible text.

Seventh line of faint, illegible text.

Eighth line of faint, illegible text.

Ninth line of faint, illegible text at the bottom of the page.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ОЛИМЛАР МИЛЛИЙ ЖАМИАТИ

**СОЙИБЖОН БОҶИЖОНОВИЧ ТИЛЛАБОВ**

**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ  
ТИЗИМИДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ**

**(Фарғона вилояти мисолида)**

Тошкент

“ФАН” нашриёти

Китобда XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинishi ва мустамлакачиликка асосланган маъмурий – ҳудудий бошқарув тизими Фарғона вилояти мисолида қўлаб архив ҳужжатлари ва ёзма манбалар асосида ёритиб берилган.

Тиллабоев С.Б.

Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида). / С.Б.Тиллабоев;

Маъсул муҳаррир: Д.А.Алимова; ЎзР ФА Тарих институти. – Т.: Фан, 2008.

104 бет.

**Маъсул муҳаррир:** тарих фанлари доктори,  
профессор Д.А. Алимова

**Такризчилар:** т.ф.д., проф. Н.А. Абдурахимова,  
т.ф.д. Қ.К. Ражабов,  
т.ф.н. И.Н.Жамолхожи



ISBN 978-9943-09-510-6

© Тиллабоев С.Б.

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти.

## СЎЗ БОШИ

Истиклол туфайли халқимиз узоқ ўтмиши, маданияти, миллий қадриятларини ўрганишга ва кенг халқ оммасига етказиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу имкониятлар натижасида собиқ иттифоқ давридаги ҳукмрон мафкурадан воз кечилиб, янги замонавий методологик ёндашувлар асосида ҳаққоний тарзда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ёритилмоқда. Бу борада бугунги кунгача ўрганилмаган ва ноҳолис талқин қилинган тарих саҳифалари илмий асосда кенг жамоатчиликка етказилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида кўплаб илмий нашрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди.

Бу борада ЎзР ФА Тарих институти томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тарихдан маълумки тарих фани халқнинг ўзлигини англашда, хотирани мустахкамлаш билан бирга давлатнинг мафкуравий пойдеворини мустахкашлашга хизмат қилиб келган. Бугунги кунда Ўзбекистонда тарих фанининг вазифалари энг аввало Ўзбекистон мустақилигини мустахкамловчи асосий омиллардан бири ҳисобланган ёшларни миллий истиклол гояси асосида ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга ҳурмат, ёшларни тарихий таффақурини шакллантириш, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқларнинг диний ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишга ўргатишдан иборатдир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб Тарих институти ва Ёш олимлар миллий жамияти томонидан нашрга тайёрланиб, унда Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярмида - XX асрнинг бошларида чор ҳукуматининг амалга оширган сиёсати ва унинг салбий оқибатлари катта ҳажмдаги архив ва манбалардаги маълумотлар асосида тайёрланган. Мустамлака даврида чор ҳукуматининг Урта Осиё халқларининг сиёсий, иқтисодий ҳаётидан ташқари маданий соҳаларда ҳам олиб борган "чора тадбирлари" маънавий жиҳатдан катта зарар етказгани илмий асосда кўрсатиб берилган. Жумладан, мустамлака даврида Урта Осиёдаги анъанавий таълим муассасалари ўрнига рус-тузем мактаблари ташкил қилингани, бу орқали халқни айниқса ёшларни руслаштириш сиёсати амалга оширилган. Бу даврда халқимиз маънавий ҳаётига ёт бўлган иллатлар ичкиликбозлик, қашандачилик, фоҳишабозликни кенгайтишига олиб келган ароқ ва шио заводлари, тамака олиб келувчи, сотувчи ва тайёрловчилар, фоҳишахоналар кўпайган. Мустамлакачилик сиёсати натижасида улқамизда миллий давлатчилигимиз ўрнига империя манфаатларини ҳимоя қилувчи харбий-миршаблик бошқарув тартиблари жорий қилинган.

Юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган мазкур китоб Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи қўмитанинг №4-010 лойиҳаси бўйича нашр этилди.

*Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти  
раиси т.ф.д. Э.Э.Каримов*



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек халқининг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналари, диний эътиқоди, маънавий қадриятларини тиклаш имкониятлари пайдо бўлди. Ўзбек халқининг узоқ ўтмишга эга давлатчилик тарихини билиш ва тадқиқ этишга эҳтиёж кучайди. Мустамлака ва мустабид совет даврларида сохталаштирилган тарих саҳифаларини ҳолисона ва ҳаққоний равишда ўрганишга замин яратилди.

Тарихий меросни ўрганиш ва унинг аҳамияти, жамиятда тутган ўрни тўғрисида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов қуйидагича баён қилади: «Аввало ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, негаки ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга, беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, қимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди»<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фани бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ривожланишида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 1998 йил 26 июнда республиканинг бир гуруҳ тарихчи олимлари ва зиёлилари билан учрашувидаги нутқида ҳамда 1998 йил 27 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори<sup>2</sup> муҳим ўрин тутди. Ушбу Қарор тарихий тадқиқотларда туб бурилиш ясади.

Маълумки, давлатчилик тарихи ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча муҳим тармоқларини, шу жумладан, маъмурий-бошқарув тизими тарихини ҳам қамраб олади. Ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи ўзига хос хусусиятлари ва бой анъаналарига эга. Бу ўзига хос хусусият ва анъаналар давлатчилик тарихининг барча даврларида, ҳаттоки Ўзбекистон ҳудуди мустамаккачилар зулми остида бўлган пайтларида, чунончи подшо Россияси ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолди. Маҳаллий аҳоли вакиллари мустамакка шароитида маъмурий-худудий бошқарув тизимининг қуйи бўғинида иштирок этиб, тарихан шаклланиб тараққий этиб келган анъаналарни сақлаб қолди. Шу ўринда Ислом Каримовнинг «Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагуниimizга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимизнинг бошига не-не кулфатлар, балою офатлар ёғилмади ... мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз. унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон хотираси – муқаддас. инсон қадри улуг. // Халқ сўзи. 2006. 10 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Халқ сўзи. 1998. 28 июл.

турмуш тарзи. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда бари бир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар»<sup>3</sup> деб муҳим вазифани тарихчи олимлар олдига қўйганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шунинг учун Россия империясининг мустамлака давридаги миллий давлатчилик, бошқарувнинг миллий анъанавий тартибларининг сақлаиб қолганлиги, туб жой аҳоли вакилларининг бошқарувнинг қуйи бўғинидаги фаолияти, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилинишида тутган ўрни, миллий анъаналарни жамиятда қандай мавқеига эга бўлганлиги каби масалаларни ўрганиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда олиб борган сиёсати, унинг моҳияти ҳамда оқибатлари каби масалалар қаторида маъмурий-худудий бошқарув соҳаси ҳам совет даврида эълон қилинган тарихий адабиёт ва тадқиқотларда ўзининг тўлиқ ифодаси ҳамда холис баҳосини топмади. Подшо Россияси мустамлакачилиги давридаги маъмурий-худудий бошқарувда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки, уларнинг амалий фаолияти бугунги кунгача тайёрланган тадқиқотларда етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, мазкур мавзунини тадқиқ қилиш бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларда миллий ғурур, тарихий таффақурни шакллантириш ва ривожлантиришда, республикада маъмурий-худудий бошқарув тизимини такомиллаштиришда, унинг чуқур тарихий илдизлари, анъаналарини теран идрок этишда муҳим ҳисобланади.

Фарғона водийсининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган тарихи маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда Туркистоннинг истило қилиниши, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт, бошқарув тизими, суд тизими, кўчириб келтириш сиёсати ва ўлкани ҳар томонлама мустамлакага айлантириш жараёнлари каби масалалар ёритилган<sup>4</sup>. Хусусан, В.И. Масальскийнинг 1908 йилгача Туркистон ўлкасида олиб борган

<sup>3</sup> Бартолом П.А. Тарихий хотирамиз келажак йўқ. Т. Ўзбекистон. 1998. 18-19-бетлар.

<sup>4</sup> Савицкий А.Ф. Средняя Азия и подворение в ней русской гражданственности. СПб., 1871; Мидлендорф А.Ф. Очерк Ферганской долины. СПб., 1882; Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. СПб., 1890; Абдулгаффиоров С. Краткий очерк Кокандского ханства // Туркестанские ведомости. 1892. № 26. 29-36; Колларингов Ю.В. Русские владения в Средней Азии. СПб., 1898; Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1898; Брянов А. На память о Фергане 1871 - 1901 гг. Москва-Мариуполь, 1901; Аблиз К.К. Живописание Туркестана. Рассказы из военной истории, очерки природы, быта и нравов в общедоступном изложении. СПб., 1902; Кауфман А.А. К вопросу русской колонизации Туркестанского края. СПб., 1903; Он же. Переселение и колонизация. СПб., 1905; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. Т. I-III; Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. Т., 1908; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. Т., 1910; Добромислов А.И. Судовые и процессуальные действия. Т., 1912; Кривошеин А.В. Записки главного управляющего земледелием и животноводством в Туркестане. СПб., 1912; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Т., 1913; Савицкий В.И. Фергана нового Туркестана. Свет и тени колонизации. СПб., 1914 ва бошқалар.

изланишлари натижасида тайёрланган «Туркистон ўлкаси» асаридан Россия империясининг ўлкада амалга оширган ишлари натижасида рўй берган ўзгаришлар кўрсатиб берилган. Бу борада муаллиф «Россия империясининг Туркистондаги ярим асрлик ҳукмронлиги натижасини ўрганиб чиқиб, келгусидаги дастур режаси қандай бўлиш керак?» деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилган<sup>5</sup>.

«Осиё Россияси»<sup>6</sup> номли 1914 йил Санкт-Петербургда нашр қилинган уч жилдлик китобда Урта Осиёнинг босиб олинishi, кўчириб келтириш сиёсати ва бу даврдаги Туркистон ўлкасидаги бошқарув тизими ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасига ва хусусан, Фарғона водийсига келган сайёҳлар, элчилар, савдогарлар, миссионерлар томонидан эълон қилинган эъдалик ва ҳисоботларда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид катта ҳажмдаги фактик материаллар мавжуд.

Совет даврида яратилган тадқиқотларда бу давр тарихи асосан ҳукмрон мафкура таъсири остида бир томонлама ёритилиб, бунда кўпроқ Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий жиҳатларига урғу берилди. Лекин XX асрнинг 20-йилларида эълон қилинган адабиётларнинг кўпчилиги ўша даврда рўй берган воқеа-ҳодисаларни гувоҳи бўлган муаллифлар томонидан ёзилганлиги ва уларга ҳукмрон коммунистик мафкура ҳали тўлиқ таъсир қилмаганлиги билан кейинги давр адабиётларидан фарқ қилади.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб яратилган тадқиқотларда Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати, ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, воқеа-ҳодисалар баён қилинган. Лекин уларнинг аксариятида ҳукмрон мафкура таъсирининг кучайиб бориши ҳақидаги воқеийликларнинг баён этилиши ва уларнинг моҳиятини ёритиш масалалари кўзга яққол ташланади<sup>8</sup>.

XX асрнинг ўрталарига келиб тарих фанининг ҳукмрон мафкурага тўлиқ бўйсундирилиши ва сиёсийлаштирилиши яққол намойиш бўлган. Бунда айниқса Тошкентда 1954 йилда ўтказилган конференция<sup>9</sup> Ўзбекистон тарихини сиёсийлаштиришга олиб келди.

<sup>5</sup> Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Т. XIX. Полное географическое описание нашего отечества. СПб., 1913. - С. 558.

<sup>6</sup> Азиатская Россия. В трех томах. СПб.: Изд. Переселенческого управления Главного управления земледелия и земледелия, 1914.

<sup>7</sup> Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). М. Госиздат, 1921. Покровский М.И. Дипломатия и войны царской России в XIX столетии. М., 1923; Брусина О.И. Бюджеты 45 хозяйств Ферганской области по обследованию 1915 года, с приложением очерка «Хозяйства сартов Туркестанского уезда Сырдарьинской области». М., 1924; Галузо П. Г. Вооружение русских переселенцев, в Средней Азии Т.: Госиздат, 1926; Демидов А.И. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане М. Госиздат, 1926; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927; Галузо П.Г. Туркестан - колония (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). М.: КУТВ, 1929 ва бошқалар.

<sup>8</sup> Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. Буржуазная колонизация Средней Азии. Л.: Коммунистическая Академия, 1930; Кастельская З.Д. Восстание 1916 г. в Узбекистане (К 20-летию восстания) Т., 1937; Житов К.Е., Непомнин В.Я. От колониального рабства к социализму. Т., 1939 ва бошқалар.

<sup>9</sup> Материалы объединенной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период М., 1955.



Ўрта Осиёнинг чор Россиясига «қўшиб олиними» масаласини ҳал қилишга қаратилди ва бунинг натижасида мустамлака даври тарихини фақат ижобий баҳолашга, чор Россияси ҳукмронлигини маҳаллий аҳоли ҳаётидаги «прогрессив аҳамиятини» кўрсатишга эътибор берилишига сабаб бўлди. Натижада бу давр тарихини синфийлик нуқтаи назаридан ўрганиш кучайиб, қўлаб тадқиқотлар эълон қилинди<sup>10</sup>. Конференцияда маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган бойлар, юқори табақа вакилларига салбий муносабатда бўлиш, улар иштирок этган қўзғолонларни эса реакцион ҳаракатлар деб баҳолаш алоҳида кўрсатилди. Бунинг оқибатида Ўзбекистон тарихида миллий мустақиллик, миллий давлатчилик тартиблари тарафдорлари бўлган ҳаракатлар, илғор фикрли, халқнинг йўлбошчилари ҳамда зиёлиларига турли хил сохта айблар қўйилди. Қизил империя таркибига кирган бошқа халқлар қатори Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳам «собик шўролар даврида Россиянинг тарихда «цивилизаторлик» роли мутлақо ассосиз кўкларга қўтарилган...»<sup>11</sup>.

Совет даврининг кейинги йилларида эълон қилинган тадқиқотларда бу давр тарихи коммунистик мафкура таъсирида ёритилган бўлиб, уларда маҳаллий бошқарув вакилларининг фаолияти тўлиқ ўрганилмаган ва уларга етарли даражада ҳолис баҳо берилмаган. Ҳукмрон коммунистик мафкуранинг бош мақсади - ўша даврдаги маҳаллий бошқарув вакилларининг барчасини «халқ эксплуататорлари», «халққа жабр-зулм кўрсатувчи ҳукмрон синф», «мехнаткашларни эзувчи табақа вакиллари» сифатида фақат қора бўёқларда кўрсатиш, кадрлардан ҳисобланган маҳаллий бошқарувдаги миллий ва анъанавий тартибларга нисбатан кишиларнинг ишончини йўқотиш, айниқса ёш авлод тафақурига ўтмишни «қолоқлик даври» сифатида сингдириш ва «октябр воқеалари»дан сўнггина Туркистон халқларининг рўшноликка чиққанлигини намоён этиш бўлган.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейин тарихчи олимлар, адиблар мустамлака даврини ўрганишга бағишланган тадқиқотларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти илк маротаба очиб ташланди ҳамда бу давр тарихига ҳолис ва ҳаққоний тарзда баҳо берилди бошланди. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босқинчилик йўли билан босиб олин-

<sup>10</sup> Савицкий А. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. Т.: Изд. АН УзССР, 1956; Бекмаханов Е.Б. Присоединение Казахстана к России. М., 1957; Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии. Т., 1959; Джамгерчинов Б.Д. Присоединение Киргизии к России. М., 1959; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. М.: Академия пед. наук РСФСР, 1960; Аздаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. Т., 1965; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Т., 1969; Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - нач. XX вв.). Т., 1987 ва бошқалар.

<sup>11</sup> Ахмаджонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиёда. Т.: «УАЖБНТ» Маркази, 2003. - Б. 27.

ганлиги масалалари ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Бу жараён албатта Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ҳукмрон коммунистик мафқуранинг барҳам топиши туфайли эришилди.

Хусусан, мустақиллик даврида яратилган асарлар орасида Н.Абдураҳимованинг Туркистондаги мустамлака бошқарув тизимини ўрганишга бағишланган тадқиқотларини<sup>12</sup> аҳамияти каттадир. Мазкур ва бошқа тадқиқотларда Россия империясининг Туркистонда олиб борган сиёсий, маъмурий-худудий бошқарув соҳасидаги сиёсати, мустамлакачиликка асосланган бошқарув тартибларининг ўрнатилиши, ўлкада генерал-губернаторлик марказий бошқаруви фаолияти, уларнинг мустамлакачилик моҳияти, бошқарув тизимининг ҳарбийлашган тартиблари кўрсатиб берилган<sup>13</sup>.

Д.А.Алимова, Ҳ.З.Зиёев, Ғ.А.Аҳмаджонов, Н.Мусаев, Ф.Исҳоқов ва бошқаларнинг Мустақиллик йилларида эълон қилган тадқиқотларида Туркистон ўлкасининг мустамлакачилик давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихи муаммолари, империя ҳукуматининг кўчирувчилик сиёсати, миллий-озодлик ҳаракатлари, интилаб чиқариш, кишлок ҳўжалиги, маориф, жадидчилик ҳаракати, вақф иши, банklar ва фирмалар фаолияти ҳамда бошқа масалалар ўрганилган<sup>14</sup>.

<sup>12</sup> Абдураҳимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX в.). Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 1994; Абдураҳимова Н., Рустамова Ғ. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX в. Т., 1999.

<sup>13</sup> Абдураҳимова Н., Дроздина Ф. Туркестанча қор мустамлака тизими. Т.: Академия, 2002; Содиқов Х.Д. Колониальная политика царства в Туркестане и борьба за независимость в начале XX в. Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 1994.

<sup>14</sup> Хайити М. Туркистон бошқати. Т.: Нур, 1992; Аҳмеджонов Ғ.А. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царства в Туркестане). Т.: Фан, 1995; Мусаев Н. Туркестанчи колониалетик интилаб чиқариш муносабатларини пайдо бўлиши (XIX асринг охири - XX аср боши). Т., 1995; Битшева С.Д. Вкладное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в. Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Т., 1995; Воҳидов Ш. Қўқон холиғи ва Бухоро амирлиғидаги унвои ва интиқиллар. Т., 1996; Исҳоқов Ф. Национальная политика царства в Туркестане (1867 - 1917). Т.: Фан, 1997; Аветисов Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в. Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Т., 1997; Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлиғига қарши кураш. Т.: Шарқ, 1998; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 1998; Зияева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в XX века (проблемы изучения истории востания 1916 года и движения «истиклалчилик» 1918-1924 гг.). Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 1999; Рустамова Ғ.К. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867 - 1924 гг.). Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Т., 1999; Алимова Д.А. Дьявидитм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Т.: Ўзбекистон, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон қор Россиячи мустақиллақчилиғи даврида. Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000. Тарих шохидлиғи ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустақиллақчилиғи даврида Ўзбекистон миллий бойиқларининг ўзлаштирилиши. Т.: Шарқ, 2001; Аҳмаджонов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. Т.: Ў.А.Ж.Б.Н.Т. Маркази, 2003; Исмоилова Ж.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века (на примере востания 1916 года в Ферганской долине). Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 2002; Гоффаров Ш.С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX в.). Автореф. дис. ... докт. истор. наук. Т., 2003; Жамолқожи И.И. История формирования и развития нефтяной промышленности в Ферганской долине (1860-1917 гг.). Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Т., 2004; Ураков Д.Ж. Официальные отчеты российской администрации в Туркестане как исторический источник (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Т., 2005; Абдуллаев У.С. Фарғона вождисиди этнослараро жарасенлар (XIX – XX аср бошлари). Т., 2005; Қўлдошев М.М. Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг манбалари (1864 - 1917). Юридик фанлари номзоди. ... дис. автореф. Т., 2005; Агзамқоджаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). Т., 2006.

Хорижлик тадқиқотчиларнинг асарларида<sup>15</sup> ҳам Туркистон тарихи ва ундаги бошқарув тартиблари фаолиятига оид баъзи маълумотлар учрайди. Уларнинг асарларида кўпроқ Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари, Ўрта Осиё масаласи бўйича халқаро муносабатлар, Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мақсадлари, олиб борган сиёсатининг босқинчилик ва мустамлакачилик хусусиятлари каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

Эътиборингизга хавола этилаётган ушбу китобда архив ҳужжатлари ва манбалар асосида Фарғона водийсининг XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлик таркибидаги вилоят сифатида киритилиши, вилоятнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, унинг бошқаруви, ушбу ҳудудда мустамлака даврида асрлар давомида шаклланиб келган миллий давлатчилик ва анъанавий бошқарув тартибларининг қай тарзда сақланиб қолганлиги, уларнинг ерлик аҳоли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Китобда Туркистонда мустамлакачиликка асосланган маъмурий-бошқарув тизими ўрнатилган бўлишига қарамай, ўлкада, шу жумладан Фарғона вилоятида ҳам бошқарувнинг куйи бўғинида асрлар давомида шаклланиб келган миллий давлатчилик ва анъанавий бошқарув тартибларининг сақланиб қолганлиги ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ масалаларни ҳал қилинишидаги ўрни, туб аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишда ерлик аҳоли вакилларининг муҳим аҳамият касб этганлигини асосланиши билан характерланади.

Китобда архив ҳужжатларидаги мавзуга оид жуда кўп фактик маълумотлардан, ўша даврда эълон қилинган турли ҳужжатлар (Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги «Низом» лойиҳалар, турли ҳисоботлар ва маърузалар, ҳужжатлар тўпламлари ва статистик маълумотлар, «Туркистон тўплами», Туркистон ўлкасида ўтказилган тафтиш ҳисоботлари, Туркистон ўлка бошқаруви бўйича «Низом» лойиҳаларини тайёрлаш учун ташкил қилинган комиссия ҳужжатлари ва бошқалар)дан, Туркистон ўлкасига турли мақсадлар билан келган саёҳатчилар, шарқшунослар, ҳарбийлар, географ ва бошқа соҳа вакилларининг хотиралари, қуидаликлари ва ҳисоботларидан, ўша вақтда чоп қилинган матбуот

<sup>15</sup> Stephenson G. Russia from 1812 to 1845. A History. New York. 1970. Walsh W.B. Russia and Soviet Union. A modern history. The University of Michigan press. 1958; Bacon E. Central Asians under Russian rule. A study in culture change. New York. 1966. Pierce R.A. Russian Central Asia 1867 - 1917. Berkeley, 1960; Mackenzie D. Kaufman of Turkestan: An Assessment of His Administration. 1867-1881 // Slavic Review. 1967; Hayit B. Turkistan Rusya ile Cin arasinda. Istanbul, 1975; Cagatay T. Kizil Emperyalizmi. Istanbul, 1987. T. I; Allworth E. Turkistan. Köln, 1987; Sartori P. Altro che seta. Corapo e progresso in Turkistan (1865 - 1917). Praga. 2003 va бошқалар

материалларидан ва ўша даврда яшаб ижод килган маҳаллий муаллифларнинг, ҳамда жадидчилик ҳаракатининг намोёндалари, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан<sup>16</sup> кенг фойдаланилди.

<sup>16</sup> Временное положение об управлении Туркестанской области / Полное собрание законов Российской империи. Т. XL. 1865. л. 41647 – 42509. СПб., 1867; Проект положения об управлении в Семиреченской и Сир-Дарьинской областях. СПб., 1867; Проект временного положения об управлении Туркестанским краем. СПб., 1874. Положение об управлении Туркестанского края (12 июля 1886 г.). СПб., 1888; Положение об управлении Туркестанского края с указаниями, решениями Сената, инструкциями. Т., 1903; Положение об управлении Туркестанского края с разъяснениями Правительствующего Сената. Т., 1916; Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в области Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 гг. (Составлен титулярным советником П. Хомутовым). СПб., 1885. Всеподданнейший отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству 1889 - 1895 гг. СПб., 1895. Всеподданнейший доклад Туркестанского Генерал-губернатора генерала от инфантерии Дюжовского. Ислам в Туркестане. Т., 1899; Переселенческое дело в Туркестанском крае (области Сир-Дарьинской, Самаркандской и Ферганской). Отчет о служебной поездке в Туркестанском крае в 1910 г. исполнителя особых поручений при переселенческом управлении Н. Гаврилова. СПб., 1911. Сборник законов и распоряжений по переселенческому делу и землеустройству в губерниях и областях Российской России. СПб., 1909. Тарантова М.А. Статистические очерки Среднеазиатской России // Записки Русского географического общества. Отдел статистики. СПб., 1874. Т. IV; Статистической обзор Ферганской области за 1914 г. Словянов, 1915; Мажов В.И. Туркестанский сборник сочинений и статей, относящихся до Средней Азии вообще и Туркестанского края в особенности, составляемый по поручению В.И. Барфалова. Москва. СПб., 1878 - 1880. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный генералом от инфантерии Гиршем, назначенным для ревизии края по высочайшему повелению. В двух частях. СПб., 1883. Отчет по ревизии Туркестанского края, приведенный по высочайшему повелению Генерал-губернатора Губертусом Грофом. К.К. Паленом. (книжка: Отчет. К.К. Палена). Народные суды Туркестанского края. СПб., 1909. Краевое управление. СПб., 1910. Уездное управление. СПб., 1910. Сельское управление Русское и туземное. СПб., 1910. Государственное имущество. СПб., 1910; Правовой быт туземного населения. СПб., 1910. Полиция безопасности. СПб., 1910. Областное управление. СПб., 1910. Горное управление. СПб., 1910. Переселенческое дело в Туркестане. СПб., 1910. Налоги и повинности. Ургенч филиалского управления. СПб., 1910; Орошение в Туркестане. СПб., 1910. Горное дело. СПб., 1910. Памбери А. Путешествие по Средней Азии. М., 1874; Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания. СПб., 1883; Константин Петрович фон Кауфман – строитель Туркестанского края. Личные воспоминания И. Остроумова. Т., 1899; Мухаммад Алихан Гофур. Хоразм сафари кундалиги (Эрон элчисинин хотирлари. XIX аср) / Форсчадан Исмомил Бекжон таржимаси. Т.: Фан, 2005. Фозилбек Отабек ўғли. Дукан Эшон воксеси. Фарғонада истибодот жаллодлари / Нашрга тайёрловчилар. С. Ахмад. У. Донилов. Ш. Ризев. Т. Чулпон. 1992; Исхокхон Жунайдуллоҳхожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. "Мерос" туркумидан. - Т.: Камалак. 1991. - Б. 266-327; Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азияги / Нашрга тайёрловчилар. Ш. Воҳидов, Д. Саиғирова. Т.: Маънавият. 1999; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ас-саютин ва таворих ул-хавокки (Кўкон хонлиги тарихи) / Нашрга тайёрловчилар: А. Матғозиев, М. Усмонова. Т.: Гофур Фулом нашриети. 1995. Валидий А.З. Тугол. Бўлиганин бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустиқлик учун кураш тарихидан хотиралар. Т.: Адолат, 1997; Завкий Ажаб замона. Т. Шарк, 2003; Муқимий / Таланган асарлар. Т. 1958 ва бошқалар. Даврий нашрлар: «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Садон Туркистон», «Садон Фарғона», «Ойна», «Эл байроғи», «Турон», «Нажот», «Улуг Туркистон», «Кенгаш», «Хуррият», "Туркестанские ведомости", "Туркестанский курьер", "Русский Туркестан", "Окраина", "Туркестанское сельское хозяйство", "Туркестанский голос", "Туркистон вилояти газети" ва бошқалар.

## ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЎРНАТИЛИШИ ВА ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРЛИГИ ТАРКИБИДА ФАРҶОНА ВИЛОЯТИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

### *Туркистонда мустамлака маъмурий-сиёсий бошқарув тизимининг жорий қилиниши ва унинг мустамлакачилик хусусиятлари*

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан босиб олинган Ўрта Осие ҳудудларида яшовчи халқларнинг сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берди. Бу даврда подшо Россиясининг импералистик сиёсати ўлка ҳудудини босиб олиш, уни ўз мустамлакасига айлантириш билан бирга маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавиятига ҳам катта зарар етказди.

Бу ўзгаришлар ўзбек давлатчилигининг маъмурий-ҳудудий бошқарув соҳасини ҳам ўз ичига камраб олди. Чунки, «Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган барча мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўрта Осиедаги ҳарбий-стратегик режасига бўйсунган эди»<sup>17</sup>.

Россия империясининг Ўрта Осиеда олиб борган босқинчилик сиёсати давом эттирилиши натижасида мустамлакага айлантирилган ҳудудлар кенгайиб борган. Босиб олинган ҳудудларда империя ҳукмронлигини ўрнатиш, бошқариш, уларни қўлдан чиқармаслик учун энг аввало мустамлакачиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий қилиш зарур бўлган. Бошқарув тизими подшо ҳукумати учун жуда муҳим ва мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган. Шунинг учун ушбу ҳудудларда бошқариш тартибларининг қандай бўлиши масаласи жуда кўп ҳамда узоқ вақт империя ҳукмрон доираларида турли соҳа вакиллари иштирокида муҳокама қилинган. Ушбу масалани ҳал қилишда эҳтиёткорлик билан узоқни ўйлаб иш қўриш, ҳеч нимада таваккал қилмаслик тамойилига таянган ҳолда иш олиб борилган.

Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовской таъкидлаганидек, «Туркистон ўлкаси бошқа ўлкаларга нисбатан тарихий ўтмиши, этнографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида эътибор берилишини талаб қилади»<sup>18</sup>. Чунки, «...Рус истилочилари ёввойи ўлкани эмас, балки кўҳна ва бой тарихга эга дунёга ажобий маърифатпарвар, файласуф олимларни, шоиру адибларни берган табиий жўгрофик жиҳатдан ҳам Оллоҳнинг марҳамати ёғилиб турадиган мамлакатни босиб олган эдилар»<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX вв. (Социально-экономический аспект). Т.: Фан, 1983. - С. 34.

<sup>18</sup> Духовской С.М. Всеподданнейший доклад... С. 3.

<sup>19</sup> Аҳмадҷонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиеда... 11-бет.

Россия империяси томонидан 1865 йилда Тошкент шахри босиб олингандан кейин, Оренбург генерал-губернаторлиги таркибда ҳарбийлаштирилган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган Туркистон вилояти ташкил қилинади. 1865 йил 2 мартда Россия Сенати қарори билан Туркистон вилоятига ҳарбий қўшин қўмондони, генерал-майор М.Г. Черняев (1828 - 1898) губернатор қилиб тайинланади<sup>20</sup>.

1865 йил 6 августда қабул қилинган «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Муваққат Низом»га мувофиқ ҳарбий ва фуқародик ҳокимияти ҳарбий губернатор қўлида мужассамлаштирилади<sup>21</sup>. Мазкур «Муваққат Низом» асосида Туркистон вилоятида «ҳарбий-халқ» номида бошқарув тартиблари ўрнатилади. Вилоят бўлимларга бўлиниб, уларни бўлим бошлиқлари бошқаради. Бўлим бошлиғи бир вақтнинг ўзида бўлим ҳарбий коменданти ҳам ҳисобланган. Бўлим бошлиқларига ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи рус амалдорларидан тайинланадиган бошқарувчилар бўйсунган. Мустамлака даврининг дастлабки даврида «ўлкада энг кичик аҳамиятга эга бўлган бошқарув ҳам ҳарбий бошлиқлар қўлида бўлган»<sup>22</sup>. Туркистон вилоятида вақтинча жорий қилинган бошқарув тартиблари Россия империясининг Урта Осиёдаги наъбатдаги ҳарбий истилочилик режаларини амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда ишдаб чиқилган бўлиб, «У тўлиқ «ҳарбий-халқ» бошқаруви бўлган»<sup>23</sup>.

1865 йилги «Муваққат Низом»га мувофиқ Туркистон вилояти губернатори «бий, маноп, оксокол, раис ва кози лавозимидаги туб жой аҳолиси вакилларини эгаллаб турган лавозимига тасдиқлаш, бўшатил, альяштириш ваколатига эга бўлган»<sup>24</sup>.

«Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги «Муваққат Низом»да ўтроқ аҳоли учун қозиллик судлари, кўчманчи аҳоли учун эл бийлик судлари сақлаб қоллинган. Қозикалон лавозими тугатилиб, қозиларнинг ваколатлари кесқартирилади. Уларнинг асосий ваколатлари мустамлакачи суд идораси ҳисобланган рус судларига олиб берилган. Бу ҳол ерлик аҳолининг анъанавий шаклланган ҳаёт тарзи билан мустамлака маъмурияти томонидан жорий этилган бошқарув тизими ўртасидаги кескин зиддиятларни келтириб чиқарган.

1865 йилги «Муваққат Низом»да ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи бошқарувчининг вазифаси жойларда тинчликни сақлаш, қарвонларни хавфсизлигини таъминлаш, ўрмон, сув иншоотларини қўриқлаш, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги жанжалларни ҳал қилиш, аҳолини солиқ тўлаш ва мажбуриятларни белгиланиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ва натижаларни бўлим бошлиғига етказиш. Ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи

<sup>20</sup> Глушенко Е. Герои империи. Портреты российских колониальных деятелей. С. 409-410

<sup>21</sup> УЎР МДА. И-1-фонд. 25-руйхат. 26-иш. 2-варақ.

<sup>22</sup> Олчег. Гирса. С. 2.

<sup>23</sup> УЎР МДА. И-1-фонд. 25-руйхат. 26-иш. 2-варақ.

<sup>24</sup> Польное собрание законов Российской империи. 1865. СПб. 1867. С. 880.

бошлиқлар съезд ишлари, суд қарорлари бўйича аҳоли шикоятлари қабул қилиш, халқ судлари фаолиятини назорат қилган.

Содир этилган жиноий ишларда рус аҳолиси вакиллари иштирок этган бўлса, бундай ишлар махсус ҳарбий-суд комиссиялари томонидан кўриб чиқилган<sup>25</sup>.

Туб жойли аҳолининг ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи қисмида суд ишлари бўйича қози чиқарган ҳукмлар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланиши керак бўлиб, қозиларнинг чиқарган ҳукмларини ҳарбий губернатор ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган<sup>26</sup>. Кучманчи аҳолининг бий судлари ерлик аҳоли бошқарувчилари рухсати билан ўтказилган. Бий судларида ишлар одат қоидалари асосида кўрилган.

Россия империяси Ўрта Осиёдаги мустамлакага айлантирилган ҳудудларда бошқарув тизимини ҳар томонлама империя манфаатларига хизмат қилдиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун 1865 йилда Россия императори Александр II (1818 - 1881) фармони билан Оренбург, Ғарбий Сибир генерал-губернаторликлари ва Туркистон вилояти аҳолисининг турмуш тарзи, маҳаллий шарт-шароитларни ўрганиб чиқиш учун «Дашт комиссияси» тузилиб, Ўрта Осиёга юборилади. «Дашт комиссияси»нинг зиммасига «Туркистонда бошқарув тизимини қайта ташкил қилиш масаласига оид маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилади». Комиссия фаолиятининг асосий вазифаси ўлка бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди.

1866 йилда М.Г. Черняев Туркистондан Петербургга чакириб олиниб, 1866 йил 25 мартдан 1866 йил декабрғача Туркистонни Д.И. Романовский бошқаради<sup>27</sup>.

Туркистон вилоятининг Оренбург генерал-губернаторлик таркибида бўлиши вақт ўтиши билан турли муаммоларни келтириб чиқарди. Унинг узоқда жойлашганлиги, вилоят маъмурияти вакиллари сонининг камлиги генерал-губернаторлик билан боғланишга, унинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажаришига салбий таъсир кўрсатаётганлиги учун империя ҳукмрон доиралари ўртасида Туркистон вилоятини Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида ажратиш масаласини ҳал қилиш кун тартибидаги асосий масалага айланади.

Ўрта Осиё ҳудудларидаги ҳарбий истилочилик режаларини амалга ошириш билан биргаликда доимий бошқарув тизими тартиблари ишлаб чиқилиб, улар амалга жорий қилиб борилган. Ўлка бошқаруви соҳасида олиб борилган сиёсатнинг моҳиятини Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовской «Бир оз вақт ўтганидан сўнг маҳаллий бошқарувга фақат рус тилини биладиган

<sup>25</sup> Полное собрание законов Российской империи. 1865 СПб. 1867. С. 881

<sup>26</sup> Уша жойда.

<sup>27</sup> УзР МДА. И-1-фонд. 25-руйҳат, 26-иш, 8-варак

<sup>28</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. в 9 томах. М.: Наука. 1963. Т. II. Ч. 1. С. 353.

шахслар қўйилиши, таржимонлар эса имкони борича фақат рус миллатига мансуб кишилар бўлиши керак»<sup>29</sup> деб ифодаланган.

1867 йил Петербургда Туркистон бошқаруви бўйича тайёрланган «Низом» лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокама қилиниб, унда В. Романовский, Н.А. Крижановский, М.Г. Черняевлар ҳам иштирок этади. Ушбу муҳокамада Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу қарорга фақат Оренбург генерал-губернатори

Н.А. Крижановский (1818 - 1888) қарши чиқади<sup>30</sup>. 1867 йил 11 апрелда Александр II томонидан комиссия таклифи маъқулланади. 1867 йил 11 июлда Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида фармон эълон қилинади. Биринчи Туркистон генерал-губернатори қилиб К.П. Кауфман (1818 - 1882) тайинланади<sup>31</sup>.

К.П. Кауфман 13 йил Кавказдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, маъмурий бошқарув соҳасида фақат 1865 - 1866 йилларда Шимоли-ғарбий ўлкани бошқарган, холос. 1867 йил 7 ноябрда К.П. Кауфман Тошқентга Оренбург, Еттисув орқали тағнанали равишда кириб келади<sup>32</sup>.

Туркистонда 1867 йилдан 1917 йилгача 15 та генерал-губернатор ҳукмронлик қилган: К.П.Кауфман (1867-1882), М.Г.Черняев (1882-1884), Н.О.Розенбах (1884-1888), А.Б.Вревский (1889-1898), С.М.Духовский (1898-1901), Н.А.Иванов (1901-1904), П.Н.Тенишев (1904-1905), Д.И.Суботич (1906), Н.И.Гродеков (1907-1908), П.И.Мищенко (1909), А.Б.Самсонов (1909-1913), Флуг, Мартен ва Ерофеевлар (1913-1916), А.Н.Куропаткин (1916-1917 й. 31 март).

Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон вилояти ва Семипалатник вилоятининг жанубий қисмини ўз ичига олган. Бунда Россия империясининг бошқа губерния бошлиқларидан фарқли равишда Туркистон генерал-губернаторига жуда катта ҳуқуқлар берилади. Туркистон генерал-губернатори «Низом» лойиҳасида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари «ўлкани бошқариш учун керакли ва зарур деб ҳисоблаган барча тадбирларни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқи»га эга бўлган.

1867 йилги «Низом» лойиҳаси Министрлар Кенгаши томонидан 3 йил муддатга синов тариқасида вақтинча жорий қилиш кўрсатилади<sup>33</sup>. Ушбу «Низом» лойиҳасида Туркистон ўлкасининг Россия Ҳарбий вазирлиги таркибида бўлиши, ўлка ҳарбий ҳокимият орқали бошқарилиши, генерал-губернатор ўлкада жойлашган қўшинга қўмондонлик қилиши, бошқарувнинг қуйи

<sup>29</sup> Духовской С.М. Всеподданнейшей доклад ... С. 16.

<sup>30</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана ... С. 357.

<sup>31</sup> УЎР МДА. II-1-фонд. 7-руйхат. 16-иш. 34-варақ

<sup>32</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана ... С. 357.

<sup>33</sup> УЎР МДА. II-1-фонд. 7-руйхат. 16-иш. 23-варақ



бўғинига ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши, ўлка бошқарувини Россия империясидаги мавжуд бошқарув тизимига яқинлаштириб, кейинчалик ўлкани империянинг ажралмас бир қисмига айлантириш, ўлканинг маъмурий-худудий бўлинишида эса империянинг сиёсий, иқтисодий ва стратегик мақсадларидан келиб чиқилиши кўрсатиб ўтилган.

Дастлаб Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий жиҳатдан иккита вилоят: Сирдарё (маркази - Тошкент<sup>34</sup>) ва Еттисув (маркази - Верний)<sup>34</sup> вилоятларига бўлинган<sup>35</sup>. Сирдарё вилоятининг худудига асосан Туркистон вилоятига тегишли худуд ва Қўқон хонлигининг босиб олинган шимолий худудлари кирган. Еттисув вилояти эса Семипалатинск вилоятининг Сергиополь, Копаль ва Олатавск округи ерлари ва собиқ Туркистон вилоятининг бир қисмидан иборат холда ташкил қилинади.

Вилоят маъмурий жиҳатдан Казалинск, Перовск, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Тошкент, Хўжанд, Жиззах уездларига бўлинган. Еттисув вилояти эса Сергиополь, Копаль, Верний, Иссиқкўл, Тўқмоқ уездларига бўлинган<sup>36</sup>.

Кейинчалик босиб олинган худудлар ҳисобига қўшимча тарзда қуйидаги маъмурий-худудий бирликлар вужудга келган. 1868 йилда Бухоро амирлигига қарашли босиб олинган ерларда Зарафшон округи (маркази - Самарқанд), 1874 йилда Амударё бўлими (маркази - Петро-Александровск; ҳозирги Тўрткўл); 1876 йилда Фарғона вилояти (маркази - Янги Марғилон, кейинчалик Скобелев; ҳозирги Фарғона шаҳри) ташкил қилинган.

Россия империясининг Урта Осиёдаги олиб борган ҳарбий ҳаракатлари натижасида мустамлакага айлантирилган худуд кенгайиб борган. Жумладан, 1867 йилда, Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман даврида унинг худуди 15,270 кв. мил<sup>37</sup> бўлган бўлса, 1868 йилда 200 кв. мил майдонга эга Зарафшон округи ерлари, 1870 йилда 266 кв. мил майдонга эга Зарафшон дарёсининг юқори қирғоғидаги бекликлар худуди, 1871 йилда 1,224 кв. мил майдонга эга Гулча (Фулжа), 1873 йил 1,920 кв. мил майдонга эга Хива хонлигига қарашли бўлган ерлар, 1875 - 1876 йилларда Қўқон хонлигининг 1770 кв. мил ерларидан иборат жами 5,380 кв. мил бўлган худуд босқинчилик йўли билан қўшиб олинган. Кейинчалик босиб олинган ерлар билан Туркистон генерал-губернаторлиги худуди 20,650 кв. мил.ни ташкил этди. Аҳолиси эса фон Кауфман ҳукмронлигининг бошида 1 060 000 киши бўлган бўлса, унинг ҳукмронлиги охирида 3 млн кишига етган (Гулча аҳолисидан ташқари). Туркистондаги рус

<sup>34</sup> 1882 йилда Еттисув вилояти янги ташкил қилинган Дашт генерал-губернаторлигига ўтказилди. 1899 йилда Туркистон генерал-губернаторлигига қайта қўшилди.

<sup>35</sup> Положение об управлении Семиреченской и Сыр-дарьинской области. 11 июль 1867 СПб, 1867. С. 1.

<sup>36</sup> Положение об управлении Семиреченской и Сыр-дарьинской области. 11 июль 1867 СПб, 1867. С. 2.

<sup>37</sup> Мил - мила (лотинча *milia passum* - мингта кўш қадам). Эски рус узунлик ўлчов бирлиги. 1 мила - 7,467 км (7467,6 м.). Халқаро бирликлар тизими СИга кирмаган узунлик ўлчов бирлиги. 1 эски рус милласи = 4,038 лентиз милласи = 4,669 куруклик милласи / УЎМЭ. 5-жилд. Т.: 2003. 668-669-бетлар.

аҳоли эса 24 минг кишидан 65 минг кишига етган (ҳарбий кўшиндан ташқари)<sup>38</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган вилоятларни ҳарбий губернаторлар бошқарган. Кавказорти вилоятини вилоят бошлиғи (начальник), Амударё бўлимини бўлим бошлиғи бошқариб, у орқали Россиянинг Хива хонлиги билан муносабатлари олиб борилган. Шунинг учун Амударё бўлими бошлиғига уезд бошлиқларига қараганда катта ҳуқуқлар берилади. Фарғона вилояти таркибига киритилган Помирни вилоят ҳарбий губернаторига тўғридан-тўғри бўйсунувчи Помир отряди бошлиғи бошқарган. Вилоят уездларини рус ҳарбий офицерлари бошқарган. Уездлар волостлар, оксоқолликлар ва овулларга бўлинган<sup>39</sup>.

Ҳар бир босиб олинган ерларда империянинг маъмурий ҳудудий бирлашмалари, ҳарбий, маъмурий бошқарув институтлари ташкил қилиниб борилган. 1867 йил 4 декабрда Сирдарё вилояти, 1868 йил 19 февралда Еттисув вилоят бошқармалари ташкил қилинади.

Туркистон генерал-губернаторлиги XIX аср охирида маъмурий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Закаспий, Фарғона вилоятлари ва Амударё бўлимларидан иборат бўлган. Вилоятлар уездларга, Зарафшон округи бўлимларга, Амударё бўлими эса участкаларга бўлинган.

Сирдарё вилояти 6 уездга ва Амударё бўлимига бўлинган. Авлиёота уезди - майдони 67800 кв. верст<sup>40</sup>, Казалинск (Қазоли) уезди - 59500 кв. верст, Кураминск (Курама) уезди - 32100 верст, Перовск уезди - 65950 кв. верст, Туркистон уезди - 79550 кв. верст, Чимкент уезди - 51250 кв. верст, жами 356 150 кв. верст бўлган<sup>41</sup>.

Сирдарё вилоятининг аҳолиси 1084985 кишидан иборат бўлиб, унда руслар 15000 кишини, ўтрок аҳоли 426600 кишини, кўчманчи аҳоли 658385 кишини ташкил қилган<sup>42</sup>. Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлиги маркази сифатида алоҳида маъмурий бирикка ажратилган.

Фарғона вилоятининг майдони 125470 кв. верст, аҳолиси 1.572.214 киши бўлган. Фарғона вилояти Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездларига бўлинган. Фарғона вилояти таркибидаги Қўқон уездининг майдони 12894 кв. верст, аҳолиси 360.267 киши, Марғилон уездининг майдони 5089 кв. верст, аҳолиси 321.860 киши, Андижон уезди 21648 кв. верст, аҳолиси 739.514 киши, Наманган уездининг майдони 26978 кв. верст, аҳолиси 763.789 киши, Ўш уездининг майдони 95237 кв. верст, аҳолиси 161.640 киши бўлган<sup>43</sup>.

<sup>38</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. С. 266.

<sup>39</sup> Отчёт... Гирса С. 8.

<sup>40</sup> Верст - верста қадимги рус узулиги улнов бирлиги. 1 верст = 500 сажен, яъни 1,066 км.га тенг / ЎзМЭ 2-жилд. Т. 2001. 435-бет.

<sup>41</sup> Отчёт Гирса... С. 22.

<sup>42</sup> УзР МДА, И-1-фонд. 7-руйхат. 16-иш. 15-варақ.

<sup>43</sup> УзР МДА, И-276-фонд, 4-руйхат. 18-иш. 2-варақ.

Зарафшон округи дастлаб Самарқанд ва Каттакўрғон бўлимларига бўлинган. 1871 йилда уларга янги маъмурий-худудий бирлик, тоғли туманлар (Бухоро амирлигининг Матчо беклиги) қўшилган.

Закаспий вилояти Манғишлоқ, Красноводск, Ашхобод, Тажан ва Марв уездларига бўлинган<sup>44</sup>.

Самарқанд вилояти 1887 йилда Зарафшон округи ўрнида ташкил қилинади. Вилоят Самарқанд, Каттакўрғон, Хужанд ва Жиззах уездларига бўлинган<sup>45</sup>.

Хива хонлигидан ажратиб олинган худудда ташкил қилинган Амударё бўлими Чимбой ва Шўраҳон участкаларига бўлинган.

Туркистон ўлкасидаги вилоятларнинг худудлари жуда катта бўлиб, уларнинг майдони Россиянинг Европа қисмидаги губернияларнинг худудидан катта бўлган. Ўлкадаги вилоятларнинг энг кичкинаси бўлган Самарқанд вилоятининг майдони 2000 кв. верст бўлиб, у Саратов губернияси худудидан катта ҳисобланган. Сирдарё вилоятининг худуди Москва губернияси худудидан 14 марта, Етгисув вилояти худуди Прислик губернияси худудидан 2 марта, Каспийorti вилояти худуди Россиянинг Европа қисмидан 1/8 марта катта, Австрия-Венгрия худуди билан қарийб тенг бўлган<sup>46</sup>.

Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган худудларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифа ҳисоблангани учун дастлаб бошқарув соҳасида катта ўзгаришларни амалга оширмайди. Юқори органлар назоратида бўлган қуйи бошқарув органлари, солиқ тизими сақлаб қолинган<sup>47</sup>. Қуйи бошқарувнинг сақлаб қолинишига асосий сабаб ерлик аҳолининг ички ҳаётига дастлабки даврда кескин аралashiш ва аҳолининг анъанавий турмуш тарзига катта ўзгартиришлар киритиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши, янги босиб олинган ерларда ҳали қаршилик ва норозилик ҳаракатлари давом этаётганлиги, бошқарув тизимида фаолият олиб боровчи одамлари бўлмагани, маҳаллий шароитни тўлиқ билмаслик анъанавий бошқарув тизимини маълум муддат сақлаб қолишга мажбур қилган. Қуйи бошқарув тизимини сақлаб қолиниши ўлка маъмуриятига империя манфаатлари учун хизмат қиладиган, маҳаллий шароитларни яхши биладиган ерлик аҳоли вакилларидан ўзларига ишончли кишиларни топиш муаммосини ҳал қилиш каби вазифалар турар эди. Шунинг учун бу муаммони ҳал қилишда империя ҳукумати томонидан Туркистондаги ҳукмронликнинг дастлабки вақтидаёқ ишлаб чиқилган сайлов тизими жорий қилинади. Қуйи бошқарувдаги ерлик аҳоли вакилларининг фаолиятлари, жорий қилинган тартиб-қоидаларнинг амалий натижалари доимий равишда кузатилиб, таҳлил қилиб борилган. Ушбу масала бўйича Туркистонда фаолият олиб бораётган ўлка

<sup>44</sup> Люди и порядки за Уралом // Азиатская Россия ... С. 59.

<sup>45</sup> УзР МДА, И-1-фонд, 7-руйхат, 16-иш, 6-варак.

<sup>46</sup> Масальский В.И. Туркестанский край ... С. 344.

<sup>47</sup> Отчет К.К. Палена ... Сельское управление. Русское и туземное. СПб., 1910. С. 8.

маъмурияти вакилларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўрганиб борилган.

Туркистонда маъмурий бошқарув бўйича турли тартиб-қоидалар жорий қилиб борилиб, уларнинг кўпчилиги синов-тажриба кўринишида вақтинча татбиқ қилинган. Кўплаб тартиблар ўзини оқламагани учун қисқа вақт амал қилгач, бекор қилиб борилган. Туркистон ўлкасида жорий қилинган бундай синов-тажриба кўринишидаги тартибларининг аксариятини муаллифи Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори фон Кауфман бўлган. Фон Кауфман Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг бир вақтнинг ўзида ҳам назарий асосчиси, ҳам амалий ижрочиси ҳисобланган. Чунки, унга ўлкада олиб борадига фаолияти бўйича катта ҳуқуқлар берилган эди. Фон Кауфман бу ҳуқуқидан ўз ҳукмронлиги даврида жуда ҳам «унумли» ва керагидан ҳам ортиқ даражада фойдаланган. Бундан ташқари, фон Кауфман ўлкада «Низом» лойиҳаларида умуман кўрсатилмаган тартибларни ҳам жорий қилган. Жумладан, Қурама ва Хўжанд уездларида «Низом»да кўрсатилмаган хўжалик бошқармаларини ташкил қилади<sup>48</sup>. Ушбу хўжалик бошқармалари ўзида бир неча волостларни бирлаштирган. Лекин, ташкил қилинган бундай хўжалик бошқармалар бир оз вақт ўтгач суиистеъмолчиликлар кўпайиб кетгани учун деб, аниқроғи синовдан ўтмаганлиги сабабли 1877 йилда тугатилиб, унинг фаолияти уезд ва волост бошқарувига қўшиб юборилади.

К.П. фон Кауфман томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги узоқ йиллар давомида 1867 йилги қонун кўринишига эга бўлмаган «Низом» лойиҳаси тартиблари асосида бошқарилган. Бунга асосий сабаб ушбу тартиблар Туркистонда К.П. фон Кауфман учун ўлкада тўлиқ ҳукмронлик қилишига, империя манфатларини ҳимоя қилишига тўла жавоб берганлигидир. Шунинг учун ҳам «ярим подшо» номини олган фон Кауфман «Низом» лойиҳасида белгиланган ҳуқуқларининг чекланишини, ўзгаришини, доимий қонун кўринишидаги «Низом» тайёрлаб тасдиқланишига шошилмаган, аниқроғи ҳоҳламаган.

1868 йилда Министрлар Кенгаши томонидан Туркистон генерал-губернаторига 2 йил ичида янги «Низом» лойиҳасини тайёрлаб тақдим қилиниши тўғрисида кўрсатма берилади<sup>49</sup>. Ниҳоят, 1871 йилда К.П. фон Кауфман раҳбарлигида Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги «Низом» лойиҳаси тайёрланади. Бирок, Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган муҳокамада генерал-губернаторга катта ҳуқуқлар бериб юборилган деб ушбу лойиҳа тасдиқланмайди. 1873 йилда «Низом» лойиҳаси қайта ишлаб чиқилиб, вазирлар муҳокамасига тақдим этилади. Лойиҳа Россия Ички ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган комиссия томонидан кўриб чиқилиб, унда камчиликлар мавжудлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, «Молия вазирлиги, Ташки ишлар

<sup>48</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. С. 266

<sup>49</sup> Отчет Гирса... С. 4.

вазирлиги ва Давлат назорати томонидан ушбу «Низом» лойиҳаси қониқарсиз, ер масаласи тартиблари эса сиёсий жиҳатдан хавфли»<sup>50</sup> деб кўрсатилади. Бу лойиҳа ҳам 1874 йилда тасдиқланмасдан қайтариб юборилади. Лекин, шунга қарамасдан, Министрлар Кенгаши томонидан камчиликлар мавжудлиги сабабли тасдиқланмасдан қайтарилган ушбу «Низом» лойиҳасидаги тартиблар 1876 йилда ташкил қилинган Фарғона вилоятида жорий қилинади.

Туркистон ўлкасида тафтиш олиб борган Ф.К. Гирс «1873 йилги «Низом» лойиҳаси бўйича солиқ тартиблари марказий муассасалар томонидан маъқулланмаган ва ҳукумат томонидан тасдиқланмаган ҳолда жорий қилинган»<sup>51</sup>, дейди.

1881 йилда Ҳарбий вазирлик томонидан Туркистон ўлка бошқаруви бўйича янги «Низом» лойиҳасини тақдим этиш талаб қилинади<sup>52</sup>. Бироқ янги «Низом» лойиҳасини тайёрлаш К.П. Кауфманнинг вафот этганлиги учун унинг ўрнига генерал-губернатор (1881 - 1882) қилиб тайинланган Т.А. Кольчаковский зиммасига тушади.

Т.А. Кольчаковский генерал-губернатор қилиб тайинланган йилнинг ўзида ҳисоб бўйича учинчи «Низом» лойиҳасини тайёрлайди. Ушбу «Низом» лойиҳаси асосан К.П. Кауфман раҳбарлигида тайёрланган 1873 йилдаги «Низом» лойиҳаси қондалари асосида ишлаб чиқилади. Подшо ҳукумати томонидан мазкур «Низом» лойиҳаси генерал-адъютант М.В. Скобелев бошчилигида ташкил қилинган комиссияга кўриб чиқиш учун топширилади. Бироқ 1882 йилда М.В. Скобелевнинг тўсатдан сирли равишда вафот этиши оқибатида «Низом» лойиҳасини кўриб чиқиш ишлари охирига етмай қолади<sup>53</sup>. 1882 йил 6 июлда Т.А. Кольчаковский Дашт генерал-губернаторлигига генерал-губернатор қилиб тайинланади. Туркистон генерал-губернатори лавозимини эса М.Г. Черняев<sup>54</sup> эгаллайди.

«Туркестанский курьер» газетасида эълон қилинган «Туркистонни забт этган М.Г. Черняев кизи билан суҳбат» номли мақолада «Император Александр III тахтга ўтиргандан кейин шахсан ўзи Черняевни Туркистон генерал-губернатори қилиб тайинлаган»<sup>55</sup> деб кўрсатилади.

Туркистон ўлкасига тайинланган янги генерал-губернатор генерал-лейтенант М.Г. Черняев 1882 йилда Туркистон ўлкасида тафтиш ўтказилишини сўрайди ва бу илтимос ҳукумат томонидан қондирилиб, ўлкага «Дашт комиссияси»нинг собиқ раиси, махфий маслаҳатчи Ф.К. Гирс бошчилигидаги тафтиш гуруҳи юборилади<sup>56</sup>.

<sup>50</sup> Отчет Гирса... С. 4.

<sup>51</sup> УЎР МДА, И-1-фонд, 25-руйхат, 31-инг, 3-варақ орқаси.

<sup>52</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1913. С. 315

<sup>53</sup> Ушга жойда.

<sup>54</sup> М.Г. Черняевнинг Тошкентга етиб келгунича Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинча Абрамовга топширилади.

<sup>55</sup> Туркестанский курьер, 1915, 24 июль.

<sup>56</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. 182-183-бетлар.

Бу гуруҳ зиммасига ҳукуматга Туркистон ўлкасидаги маъмурий бошқарув, суд, молиявий аҳвол, ўлкада белгиланган қонунларнинг ижро этилиши, уларга амал қилиниши (асосан 1867 йилдаги 11 июл «Низом» лойиҳаси ижроси), Туркистон генерал-губернаторлигининг ўлкадаги фаолиятини ўрганиб чиқиш ҳамда Туркистон генерал-губернатори бошчилигида ўлка бошқаруви тўғрисидаги якуний «Низом» лойиҳасини тайёрлаш учун керакли маълумотларни тўплаш каби вазифалар юклатилади.

Туркистон ўлкасига генерал губернатор қилиб тайинланганда фон Кауфман зиммасига «Ўлкада бошқарув тартибларини ўрнатиш, солиқларни жорий қилиш, алоқа тармоқларини қуриш, маҳаллий бошқарув тизимини ташкил қилишдан иборат ташкилий вазифа; ўлкада «Низом» лойиҳаси бўйича маъмурий, суд-молия, тартибларини ўрнатиб, ташкилот ва мансабдор шахсларнинг олиб борадиган фаолиятларни аниқ белгилашдан иборат ижроия вазифалар юкланган эди. Фон Кауфман ўз ҳукмронлиги даврида ўзига берилган ўлкада керак ва зарур деб ҳисоблаган ишларни бажариш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ташкилий вазифасини амалга оширишда белгиланган ишларни олиб борган ва бунда жуда кўплаб хато-камчиликларга йўл қўйган. Лекин «Кауфманнинг иккинчи босқичдаги ижро этиш вазифасини бажаришдаги йўл қўйган камчилик ва хатолари тафтиш комиссияси томонидан тўлиқ текширилиши лозимлиги»<sup>37</sup> Ф.К. Гирс томонидан кўрсатилади.

Ф.К. Гирс бошчилигидаги тафтиш комиссияси Туркистон ўлкасининг кўплаб уездларида бўлиб, жойлардаги аҳвол билан шаҳсан ўзи ёки тафтиш гуруҳи аъзолари танишиб чиққан. Аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг шикоят ва таклифлари ўрганилган. Комиссия таркибида Ички ишлар вазирлигидан Галдинский, Россия императорининг Қашғардаги консули Петровский, Божхона департаменти вакили Езучевский, Новгород суди прокурори Дитлов каби турли соҳа вакиллари бўлган<sup>38</sup>. Ф.К. Гирс комиссияси тафтиш ишлари якунида маъмурий бошқарув, суд ва молия каби уч қисмдан иборат ҳисобот тайёрлаган.

Комиссия томонидан ўтказилган тафтиш ҳисоботида «ўлкада қонун кўринишда бўлмаган 4 та «Низом» лойиҳаларига тегишли тартиб-қоидаларга амал қилинган»<sup>39</sup> лиги кўрсатилади. Жумладан, Сирдарё вилоятида 1867 йил 11 июлдаги «Дашт комиссияси» тайёрлаган «Низом» бўйича иш олиб борилган. Зарафшон округида эса фон Кауфман томонидан 1868 йилда тайёрланган ва кейин бир неча маротаба ўзгартиришлар киритилган вақтинчалик қоидалар асосида, Амударё бўлимида 1874 йил 21 майда Туркистон генерал-губернатори томонидан тайёрланган вақтинчалик «Низом» лойиҳаси асосида иш олиб борилган, ер ишлари эса 1873 йилги «Низом» лойиҳаси бўйича ҳал этилган. Фарғона вилоятида маъмурий бошқарув, ер ва солиқ ишлари 1873 йилги «Низом»

<sup>37</sup> Отчет — Гирса С. 8

<sup>38</sup> Отчет — Гирса С. 1.

<sup>39</sup> Отчет — Гирса С. 4.

лойихаси бўйича, суд ишлари эса 1867 йилги «Низом» лойихаси асосида олиб борилган.

Ф.К. Гире ўзининг олиб борган тафтиш ишлари натижасида тақлиф қилган тавсияларида Туркистонда «Уезд бошлиқларини фақат ҳарбийлардан эмас, балки фуқаролардан ҳам сайлаш мумкин» дейди. Унинг таъкидлашича, «уезд бошлиқларининг кўпчилиги иш юритишда фақат ҳарбий соҳани билганлари учун, уларни маъмурий ва сиёсий фаолият юритишга қобилиятлари етмаган».

Туркистон ўлкаси бошқаруви бўйича навбатдаги «Низом» лойихаси 1886 йил 12 июнда қабул қилинади<sup>60</sup>. 1886 йилги «Низом» бўйича Туркистон ўлкаси учта, Қазалинск, Перовск, Чимкент, Авлиота, Тошкент уездлари ва Амударё бўлимларидан иборат Сирдарё вилояти, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган ва Уш уездларидан иборат Фарғона вилояти, Самарқанд, Каттакўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларидан иборат Самарқанд вилоятлари бўлган. Ушбу «Низом»нинг ўз олдига қўйган асосий вазифалардан бири бу ўлкада ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ишларини империя манфаатларига бўйсундириш бўлган. Хусусан, ўтроқ аҳолига ерлар муддатсиз равишда ижарага берилган. Ҳар бир деҳқонга муस्ताмакчи ҳукумат томонидан ҳужжат берилган. Бу ҳужжатда ҳар бир деҳқон ердан фойдаланганлиги учун давлатга қанча солиқ (рента) тўлаши ҳам кўрсатилган. 1886 йилги «Низом» лойихаси бўйича уездлар участкаларга бўлиниб, уларни участка приставлари бошқарган.

Туркистон ўлка бошқаруви бўйича 1886 йилги «Низом» лойихаси жорий қилингандан кейинги йилларда лойихага қўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Туркистон ўлкасида ташкил қилинган ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликларда ўзига хос равишда бошқарув тартиблари жорий қилиб борилган. Бунда уларнинг ўзига хос ҳудудий жойлашуви, иқтисодий, ҳарбий-стратегик мақсадлар, миллий ва этник таркиби ҳисобга олинади. Шу билан бирга «уларни бошқаришда давлат томонидан сарфланадиган маблағларни минимум даражага етказиш инobatга олинган»<sup>61</sup>.

Туркистон ўлкасида маъмурий-бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида Урта Осиёда кўп асрлар давомида шаклланиб келган, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг диний ва маҳаллий хусусиятларини ўзида намоён қилган бошқарув тизими ўрнига империя манфаатларидан келиб чиққан бошқарув тартиблари ўрнатилади. Жорий қилинган янги бошқарув тартиблари маҳаллий анъаналарга мос келмаган. Маъмурий-ҳудудий бўлиниш соҳасидаги тартиблар кўчманчи аҳолининг уруғчилик муносабатларини бузиб юборган. Уруғлар маъмурий бирлашмаларга, яъни овул, волостларга бирлаштирилган.

<sup>60</sup> Положение об управлении Туркестанского края. СПб. 1886. С. 1.

<sup>61</sup> Князькина Н.С., Блиев М.М., Дегоев В.В. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России (Во второй половине XVIII - 80-годы XIX в.). М.: Наука, 1984. С. 289.

Қуйи бошқарув тизимларига, қозилик суди, солиқ тизимларида жиддий ўзгартиришлар киритилмаган. Бунга сабаб мазкур соҳалардаги кескин ўзгаришлар ерлик аҳолининг норозиликларини келтириб чиқариши ва ўлкада империя ҳукуматининг ҳукмронлигига зиён етказишдан хавфсираш бўлган. Шунинг учун ҳам ўлкага юборилган кўплаб турли соҳа вакиллари, ўлкада иш олиб бораётган мустамлакачи ҳукумат аъзолари, ўлка маъмуриятининг расмий хисоботлари, ўтказилган тафтишлар, ўлкага турли мақсадларда келган кишилар томонидан бошқарув соҳасига оид таклифлари, фикр-мулоҳазалари инобатга олинган. Жумладан, бу борада Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Д.М. Скобелевнинг бошқарув соҳаси бўйича «ҳеч нимани таваккал қилмасдан, мақсад сари режа асосида тартибли бориш керак»<sup>62</sup>, деган фикрини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Мустамлакачи ҳукумат ерлик аҳоли вакиллари иштирок этадиган бошқарув тизими қуйи бўғинини жорий қилишда жуда эҳтиёткорлик ва айёрлик билан иш олиб борган. Жорий қилинган маҳаллий бошқарув тизимида ерлик аҳолига бир қанча ён беришлар эвазига ўлкани назорат қилиш ва бошқарилишини тўлиқ ўз қўлига олишга ҳаракат қилинган. Туркистонда империянинг марказий районларидаги мавжуд қишлоқ жамоалари сингари фойдаланмоқчи бўлди, яъни уларни хўжалик жамоа бошқаруви типига айлантиришга ҳаракат қилди.

Россия империяси ўлкани қуч билан босиб олгандан сўнг, бу ҳудудларда юритган сиёсати бўйича В.В. Бартольд (1868 - 1930) «Рус ҳукумати Туркистонда ўз сиёсатини зудлик билан ўтказиш имкониятига эга бўлса-да, бироқ юқори маданиятга эришган, аҳолиси зич бўлган Туркистонни Сибир ўлкаси каби, шунчаки босиб олиши мумкин эмас эди»<sup>63</sup>, деб эътироф қилади.

Маҳаллий бошқарув лавозимларига сайлов тартиблари жорий қилиниб, сайланган шахс жамоани бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, мустамлакачи ҳукуматнинг бундай тартибдаги бошқарув тизимини жорий қилишдан асосий мақсади ўлка бошқарувини марказий губерниялар бошқарув тартибларига яқинлаштириш бўлган. Туркистон ўлкасининг маъмурий бўлиниши ва уни бошқариш бўйича олиб борилган сиёсат натижасида кўплаб салбий ҳолатлар вужудга келди.

Шундай қилиб, Россия империясининг «Буюк Пётр даврида асос солинган катта истилочилик режалари»га кўра Ўрта Осиёнинг катта қисми Россия империясининг мустамлакасига айлантирилди<sup>64</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкаси подшо Россияси томонидан босиб олинганча ўлкада мустамлакачиликка асосланган бошқарув тизими ўрнатилди. Россия империяси маъмурий-сиёсий тизимининг Туркистон ўлкаси ҳудудида жорий қилиниши мураккаб ва зиддиятли равишда кечди. Туркистон ўлкаси генерал-

<sup>62</sup> Терещёв М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. С. 42.

<sup>63</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. С. 263.

<sup>64</sup> Бартольд В.В. Кавказ, Туркистан, Волга. Тифлис, 1926. С. 8.



губернаторлиги ва Санкт-Петербургнинг олий сиёсий доиралари томонидан ишлаб чиқилган турли қонун кўринишига эга бўлмаган «Низом» лойиҳаларида, ниҳоят, 1886 йил қонун кўринишидаги «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом» лойиҳасида ўлкани бошқариш тартиблари кўрсатилган. «Низом» лойиҳасига кўра, ўлка ҳокимияти «ҳарбий-халқ бошқаруви» деб номланди. Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлар (областлар), уездлар, бўлимлар (участкалар), волостлар, оксоколликлар ва овулларга бўлинди.

Урта Осиё хонликлари билан чегарадош жойларда уездлар ўрнига уларга мос равишда ҳарбий-худудий бирликлар - округ, бўлим ва районлар ташкил қилинган.

Юқорида баён қилинганларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўлкани бошқариш соҳасида амалга оширилган ишлардан асосий мақсад ўлкада империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, бошқарув тизимини империянинг марказий губерниялари бошқарувиغا яқинлаштириш, унга кам маблағ сарфлаб, кўпроқ фойда олиш, ўлкада мустамлакачилар манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш, бу ҳудуддан келгусида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш бўлди.

Умуман олганда, подшо Россияси томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган маъмурий-худудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий, иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинмади. У ҳақли равишда ҳарбий-бюрократик хусусиятга эга бўлиб, Россия империяси манфаатларига хизмат қилган ва умумимперия тадбирининг бир қисми ҳисобланган.

### ***Фарғона вилоятининг ташкил топishi ва унинг маъмурий-худудий бошқарувидаги ўзгаришлар***

Фарғона водийсидаги энг қадимги давлатлар ҳақида Хитой сайёҳларининг эсдаликларида, йилномаларда ҳамда археолог олимлар олиб борган тадқиқотларда кўплаб маълумотлар мавжуд. Уларда Фарғона водийси қадимдан иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этганлиги кўрсатиб ўтилган. Хитой манбаларида миллоддан аввалги II асрда Фарғона, Дайюан (Даван) деб номланиб, Даюан, яъни Фарғона давлати деб тилга олинади<sup>65</sup>.

Фарғона водийсида тахминан миллоддан аввалги 2 минг йилликлардаёқ деҳқончилик маданияти тараққий эта бошлаган. Деҳқончилик билан ёнма-ён чорвачилик, балиқчилик, хунармандчилик (металлни қайта ишлаш, кулолчилик, тўқимачилик) соҳалари юксалиб боргани археолог олимлар томонидан тасдиқланган.

«XVIII аср ўрталарида Фарғонада Андижон, Наманган, Марғилон ва Қўқон бекликлари бўлган»<sup>66</sup>. XIX асрда Фарғона водийсига келган сайёҳлар бу ерда аҳолиси кўп кишлоқлар борлигини, иқоли асосан пахтачилик, ипакчилик, хунармандчилик, савдо-сотик

<sup>65</sup> Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. Т.: Фан, 2002. 4-7-бетлар.

<sup>66</sup> Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI - середина XIX в.) М., 1958. - С. 108.

билан шугулланганлигини таъкидлайдилар. «Фарғона шаҳарлари юқори даражада тараққий қилган бўлиб, Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон йирик шаҳарлар ҳисобланган».

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги Ўрта Осиёда худуди жиҳатдан катта давлат ҳисобланган. Хонлик шаркида Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош бўлган. Хонликнинг жанубий чегаралари Қоратегин, Қўлоб, Дарвоз, Шугнон каби тоғли ўлкаларни ўз ичига олган. Хонлик таркибида Қўқон, Марғилон, Ўзган, Уш, Андижон, Наманган, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Пишпак, Сузоқ, Окмачит каби шаҳарлар бўлган.

Фарғона водийсига, жумладан Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарларига келган Россия элчиси Филипп Назаров водий аҳолисининг кўплиги, пахтачилик ва ипакчилик ривожланганлигини таъкидлайди. Жумладан, у «Қўқон ва бутун Қўқон хонлиги пахта ҳамда ипак (*тут* – *С.Т.*) дарахти билан тўла. Ҳамма жойда пахта экилган майдонлар бор. Пахтадан қўқонликлар мато тайёрлаб Бухоро ва Россия маҳсулотларига алмаштирадилар», дейди.

Вамбери бир қанча муаллифларнинг маълумотларига таянган ҳолда Ўрта Осиёдаги шаҳарларнинг катта-кичиклигини таққослаб, Қўқон хонлигининг маъмурий маркази бўлган Қўқон шаҳрини Хивадан 6 марта, Бухородан 2 марта, Тохрондан 4 марта катта эканлигини таъкидлаган.

XIX аср ўрталарида Қўқон шаҳрининг узунлиги 16 верст, эни 5 верст қалинликдаги девор билан ўралган. Шаҳар 12 маъмурий қисмга бўлиниб бошқарилган. Улар Хўжанд, Ғозиёғлик, Қудуғлик, Саримозор, Наманган, Чимён, Сўх, Марғилон, Риштон, Мўйи муборақ, Қатагон ва Исфара деб аталган.<sup>67</sup> 1830 йилда Қўқонга келган А. Потанин Қўқон шаҳрида олтита бозор бўлгани ва қарийб уч минг хонадон бўлганлигини таъкидлайди.<sup>68</sup> Шаҳарда Россия империяси томонидан босиб олинган вақтда А. Куннинг берган маълумотига қўра 10 000 хонадон, 300 та масжид, 40 та мадраса, 2000 та савдо растаси бўлган.<sup>69</sup>

Фарғона водийси ва унинг шаҳарлари тўғрисидаги юқорида кўрсатилган муаллифларнинг берган маълумотларида хилма-хил, бир-бирига қарама-қарши фикрлар, бир-бирига мос келмайдиган рақамлар учрайди. Лекин ушбу манбалардаги маълумотларни қиёсий-танқидий таҳлил қилиб ўрганиш орқали бу давр тўғрисида илмий хулосалар чиқариш мумкин. Яъни Ўрта Осиёдаги энг қадимги ўтrock маданият ўчоқларидан бири Фарғона водийси

<sup>67</sup> Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI - середина XIX в.). М., 1958. - С. 183

<sup>68</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М.: Наука, 1968 - С. 48-49

<sup>69</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... С. 189.

<sup>70</sup> Энгельгардт Н. Очерки Коканда. Сборник сведений о Средней Азии и русском Туркестане. Т., 1889. С. 21-23.

<sup>71</sup> Потанин А. Записки о Кокандском ханстве 1830. СПб., 1855. С. 27

<sup>72</sup> Кун А. Л. Очерк Кокандского ханства // Известия Русского Географического общества. Т. 12, отд. 2. 1876. С. 62.

ҳисобланади<sup>73</sup>. Шу билан бирга унинг иқлим шароити, географик жойлашуви, табиий бойликларининг хилма-хиллиги каби ўзига хос томонлари қадимдан бошқалар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Шу жумладан, Россия империясини ҳам,

Тарихчи М.Н. Покровский Россиянинг Урта Осиёга бўлган муносабатини «Руслар ҳаракати қадимий маданият ўчоғи томон қартилган, рус тадқиқотчиларининг расмий маълумотларига қараганда у ерларда катта ҳосил олинадиган дехкончилик яхши ривожланган»<sup>74</sup>, деб изоҳлайди.

XIX асрнинг биринчи ярмидаги узоқ вақт давомида доимий давом этган ўзаро урушлар натижасида Урта Осиё хонликларини иқтисодий жиҳатдан заифлаштириб юборади. Жумладан, Қўқон хонлиги 40-йилларнинг бошларида оғир аҳволга тушиб қолади. Бухоро амирлиги билан тўхтовсиз давом этган урушлар, ўн йиллар рўй берган қипчоқлар воқеалари хонлик тарихидаги фожеага, иқтисодий аҳволини таназзулига олиб келди<sup>75</sup>.

1873 - 1876 йиллардаги Қўқон хонлигига ички зиддият ва қўзғолонларни бостириш баҳонасида Россия ҳарбий қўшинлари киритилади. «Қўқон ички сиёсий адоватлар, халқ исёнлари ва қўзғолонлари билан ларзага келган бўлиб, чор қўшинларининг босиб олиши натижасида ўз сиёсий мақомидан маҳрум этилди»<sup>76</sup>.

Империя амалдорлари Қўқон хонлигидаги бундай ҳаракатлар хонликка қўшни бўлган мустахлакага айлантирилган ҳудудларга ўтиб кетиши ва у ердаги аҳолининг қўзғолончиларга қўшилиб кетишидан жуда хавфсираганлар. «Туркистон ўлкаси ҳукуматини ўзига қўшни бўлган давлатдаги (Қўқон хонлиги – С.Т.) нотинчликларга бефарқ қараб тураолмаган, чунки бундай вазиятда бўйсундирилган Сирдарё вилоятининг чегара районларидаги ўтрок ва кўчманчи аҳоли Қўқон хонлиги билан бевосита алоқада бўлганликлари учун уларга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин эди»<sup>77</sup>.

Россия империяси томонидан Қўқон хонлигини босиб олишда бевосита чоралар кўрилган. Қаршилик кўрсатилган кишлоқлар ёндирилган. Истилочиларга қарши қуролли кураш олиб бориётганларга қўшиб қўлаб тинч аҳоли ҳам бир бошдан қўшилган. Босиб олиш вақтида қаршилик кўрсатаётган кишиларга ёрдам берган, уларни уйига киритганлар ҳам жазодан четда қолмаган. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўз уйини ташлаб бошқа жойларга кетиб қолганлар белгиланган муддатда қайтиб келмаса, уларнинг мол-мулкни мусодара қилиниши эълон қилинади<sup>78</sup>.

<sup>73</sup> Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века ремесло, торговля и повинности. Т.: Фан., 1991. С. 106.

<sup>74</sup> Покровский М.Н. Русская история с древнейших времен / Избранные произведения. Кн. 2. (Т. III-IV). М.: Мысль, 1965. С. 503.

<sup>75</sup> Гуллоева Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Т.: Фан, 2005. С. 294.

<sup>76</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари (Чориз ва совет мустахлакачилиги даврида Ўзбекистон мийлий бойликларининг ўзлантирилиши). Т.: Шарқ, 2001.

<sup>77</sup> Военные действия против кокандцев в 1875 - 1876 гг. СПб., 1876. С. 4.

<sup>78</sup> Сербренников А. К истории Кокандского похода // Военный сборник. 1901. С. 37.

Баъзи бир тадқиқотларда кўрсатилаганидек, Қўқон хонлигида чор ҳукумати қўшинлари хон ҳукумати ёки тахт талашиб урушаётган кишилар билан эмас, балки «Қўқон хонлигида уруш хон ҳукумати билан эмас, аксинча халқ билан олиб борилган»<sup>79</sup> М.Н. Покровскийнинг таъкидлашича «Расмий маълумотларда Урта Осиёда русларни кучоқ очиб қутиб олмоқда деб кўрсатилади. Лекин аслида Туркистонни босиб олиш бошқа жойларни босиб олишдан фарқ қилмаган. Бўйсундирганларни бўйсунганлар ёмон кўрган ва бирорта бўйсундирилмаган жой қолса, уша ер рус ҳукуматига қарши ҳаракат марказига айланган»<sup>80</sup>.

Қўқон хонлигида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар давомида хонликнинг шайхулисломи ва қозикалони М.В. Скобелев томонидан асир олинади. Фон Кауфман Т.А. Колпаковскийга юборган телеграммасида «уларни ҳеч қандай лавозимга қўймасдан йўқ қилиб юборилса, яхши бўлади»<sup>81</sup>, дейди. Бу таклиф инobatга олиниб, уларнинг иккаласи ҳам Вологодский губерниясига сургун қилинади.

Россия империясининг ҳарбий истилочилик ҳаракатлари натижасида «Русия Қўқон хонлигини тугатгандан сўнг (1876 йил 19 феврал) унинг ҳудудида Фарғона вилояти тузилиб, у бир неча уездларга, уездлар волостларга бўлиниб идора қилинади»<sup>82</sup>. Фарғона вилояти таркибига Қўқон хонлигига қарашли ерлар киритилиб, фақат унинг бир қисми Хўжанд уезди бўлиб Самарқанд вилоятига ўтказилади<sup>83</sup>.

Подшо Россиясининг Туркистон ўлкасида жорий қилинган маъмурий бошқарув тартиблари босиб олинган ҳудудларни Россия империясига аста-секинлик билан яқинлаштириш ва унга таъсирини кучайтиришни назарда тутган эди. Қўқон хонлигининг босиб олиниши ва унинг ҳудудида Фарғона вилоятининг ташкил қилиниши ҳам империянинг узокни кўзлаб режалаштирилган тадбирларидан бири бўлди. Ушбу тадбирлар уша давр матбуотида қуйидагича ифодаланади: «Ўлкада мустамлакачилик тартибларини жорий қилиш бошланганига анча бўлди. Биз ҳозирда Иртишдан Верний, Авлиёта, Тошкент орқали Сирдарёгача узлуксиз кўринишдаги рус посёлкаларига эга бўлдик. Лекин бу охири дегани эмас, келгусида бу ҳаракатнинг бир томони Самарқандгача, иккинчи томони Фарғонагача давом эттирилиши керак. Бунда фақат бизга суғориладиган ерлар камлиги тўсқинлик қилиши мумкин»<sup>84</sup>. Кўриниб турганидек, муаллиф ушбу мақоласида мустамлакачи ҳукуматнинг истилочилик режаси ва ўлкада қандай қилиб ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб борганлигини аниқ баён қилиб берган.

<sup>79</sup> Покровский М.Н. Русская история с древнейших времен ... С. 511.

<sup>80</sup> Уша жойла.

<sup>81</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана ... С. 360

<sup>82</sup> Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийи... 5-бет.

<sup>83</sup> Губаева С.С. Население Ферганской долины. Т., 1991. С. 9.

<sup>84</sup> Русский Туркестан. № 7., 1898 г. 9 октябрь.

Фаргона водийси «... ўрис ҳукумати томонидан босиб олинди. Искобилиф (Скобелев)ни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман - ярим подшо Фаргона музофотига военной губернаторлик мансабига тайинлаб, уездлар устидан назоратни кучайтирди»<sup>85</sup>.

Фаргона вилоятидаги ҳокимият тузилмаси «Осие Россияси» китобида куйидагича кўрсатилади: «Вилоят тепасида ҳарбий губернатор турган. Вилоят уездларга бўлиниб, уездларни уезд бошлиқлари бошқарган. Уезд бошлиқлари кулида маъмурий, сивсий ҳокимият бўлиб, у уездни бошқариш, солиқ ва тўловларни ўз вақтида йиғилишини назорат қилган»<sup>86</sup>.

Фаргона вилояти шимолдан Сирдарё ва Еттисув вилоятлари билан, ғарб ва жануби-ғарбдан Самарқанд вилояти, Шарқдан Хитой ва жанубдан Қоратегин, Дарвоз ва Вахон билан чегарадош бўлган. Вилоятнинг ғарбий қисмидан ташқари барча томони тоғ тизмалари билан ўралган.

Вилоят майдони 1883 йилда 83 664 кв. верст бўлган<sup>87</sup>. Вилоят ҳудуди 1905 йилда 121141 кв. верст (Помир билан бирга, Помир ҳудуди 40000 кв. верст бўлган)<sup>88</sup>.

1883 йилда Сирдарё вилоятдан 2 та волост Фаргона вилоятига ўтказилади. 1884 йилда Дашт генерал-губернаторлиги қилиниши билан Еттисув вилоятининг Тўқмоқ<sup>89</sup> уездининг Қетмонтепа волости Наманган уездига қўшилади. Бундай қилинишига сабаб қилиб бу волост билан уезд бошқармаси фойдаланган Пишпек (ҳоз. Бишкек) шаҳри ўртасидаги масофа жуда узоқ бўлгани, уезд маъмурияти билан волост ўртасида алоқа жуда қийин кечаётганлиги деб кўрсатилади. Бундан ташқари бу волост Пишпек шаҳрига қараганда Наманганга яқин ва йўли қулай<sup>90</sup> бўлган.

Фаргона вилояти таркибида 1904 йил маълумотида кўра 5 та уезд (Марғилон, Андижон, Наманган, Қўқон ва Ўш) бўлиб, уларда 100 та волост (80 та ўтрок, 12 та кўчманчи ва 8 аралаш аҳоли волостлари), 629 та қишлоқ жамоалари (549 та ўтрок, 80 та кўчманчи аҳоли жамоалари) бўлган<sup>91</sup>.

Маълумки, Помир – тоғли Бадахшон ўлкалари Қўқон хонлиги таркибида бўлган. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона вилояти ташкил қилингандан кейин бу ҳудудлар ҳам империя таркибига киритилади. Лекин бу ҳудуд узоқда қолгани учун генерал-губернаторликнинг эътиборидан четда қолади. Бу вазиятдан фойдаланган афгонлар Помирнинг ғарбий қисмини, хитойликлар шарқий қисмини эгаллаб оладилар. 1891 йилда рус қўшинлари Помирга бориб, афгон ва хитойликларни бу

<sup>85</sup> Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий ... 8-бет.

<sup>86</sup> Люди и порядки за Ураломъ // Азиатская Россия ... С. 57.

<sup>87</sup> Приложение к всеподданнейшему отчету Обзор Ферганской области. 1882 - 1883 г. С. 7.

<sup>88</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1905 г. Скобелев. 1908. С. 1.

<sup>89</sup> Приложение к всеподданнейшему отчету. Обзор Ферганской области за 1884. С. 3.

<sup>90</sup> Вилоят таркибига Помир тоғли ҳудуди ҳам киритилган бўлиб, уни вилоят ҳарбий губернаторига таъинлан-тўғри буйсунувчи Помир отряди бошлиғи бошқарган. XX аср бошларида Помир ҳудуди 34 000 кв. верст. Аҳолиси 2438 киши бўлган.

<sup>91</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргилан. 1905. С. 7.

худудлардан хайдаб чиқаради. 1895 йилда Россия ва Буюк Британия ўртасида Помир масаласи кўриб чиқилиб, унга мувофиқ Шугнон ва Рушон худудлари Бухоро амирлигига берилган. Бунинг эъзига Бухоро амирлиги ўзига тегишли Панж (Давроза) дарёсига туташ худудларини Афғонистонга беради. Пнаж (Воҳон) дарёсининг юкори қисмидаги ерларида Россия ва Буюк Британия (Хиндистон) худудлари орасида “буфер зона” – Ваҳон хонлиги ташкил топди. Фарғона вилояти таркибидаги Помир тоғли худудни “Помир ҳарбий отряди” бошлиғи бошқарган. XX асрнинг бошларида бу худуд 34 минг кв. верстни, аҳолиси 2438 нафар кишини ташкил қилган. 1905 йилдан Панж дарёсининг ўнг қирғоқ худудлари амалда Россия тасарруфига ўтган. 1920 йилдан Шарқий ва Ғарбий Помир худудлари Туркистон Республикаси, Фарғона вилоятининг Помир райони сифатида расмийлаштирилган.<sup>95</sup>

Вилоятнинг кўчманчи аҳоли яшайдиган волостлари: Андижон уездида - Майлисой, Кенгкўл-Қорағар, Наманган уездида – Чотқол, Қирқгул, Саруй, Сусамбир, Уш уездида - Қапчиғай, Олай, Гулча, Қўқон уездида - Найгут-Қипчоқ, Лайлак. Аралаш волостлар: Марғилон уездида - Найман, Яккабўстон, Андижон уездида - Ясси, Кугарт, Бозорқўрғон, Новқат ва Ўзган, Уш уездида - Куршоб. Рус қишлоқ жамоалари Марғилон уездида Покровский, Наманган уездида Успенское, Андижон уездида Николаевский волостларида бўлган.

Вилоят ташкил қилингандан кейин дастлабки йиллар мобайнида аҳоли сонини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Шунинг учун вилоят аҳолисини ҳар бир хонадон ва ўтовга ўртача 5 кишидан ҳисоблаб кўрсатилади. Бунга сабаб ўша даврда Фарғона вилоятида аҳолини рўйхатга олиш хизматчилари бўлмаган. Бундан ташқари вилоят худудида яшайдиган кўчманчи аҳолининг сонини аниқлаш учун ҳеч қандай имконият йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу даврда аҳоли сони тахминан 655002 киши деб кўрсатилади.<sup>94</sup>

1882 йилда вилоят аҳолиси 657 390 киши бўлиб, ундан ҳарбий қўшиндан ташқари 2388 киши рус миллатига мансуб бўлган. Вилоятдаги 150938 киши шаҳарларда, 506452 киши қишлоқларда яшаган.<sup>95</sup> Вилоят аҳолиси 1883 йилда 659636 киши бўлган.<sup>96</sup> 1884 йилда 716124 киши, ундан 585849 киши ўтрок аҳоли, 127419 киши кўчманчи аҳоли ҳисобланган.<sup>97</sup>

Фарғона вилоятининг майдони 1900 йилда 86130 кв. верст. Аҳолиси 1620000 киши бўлиб, вилоят худуди Туркистон ўлкасининг 1/7 қисмини ташкил қилган. 1904 йилда вилоят аҳолиси 1837418 кишини ташкил қилган. Ундан 994940 таси эркак, 842478

<sup>92</sup> Павлов Н. История Туркестана. –Т.: Тип. при Канцелярии Туркестанского Генерал-Губернатора. 1910. – С. 227-228.

<sup>93</sup> Мухиддинов Н. Особенности традиционного земледельческого хозяйства припамирских народностей в XIX – начале XX века –Душанбе: дониш. 1984 – С. 19

<sup>94</sup> Приложение к всеподданнейшему отчету Обзор Ферганской области. 1882 - 1883 г. С. 16

<sup>95</sup> Уша жойда

<sup>96</sup> Приложение к всеподданнейшему отчету Обзор Ферганской области за 1883 г. С. 13

<sup>97</sup> Приложение к всеподданнейшему отчету Обзор Ферганской области за 1884 г. С. 12

таси аёллар бўлган. Аҳолининг 19 % шаҳарларда яшаган. Шаҳар аҳолиси 1897 йилга нисбатан 1904 йилда 1 % га кўпайган. 1897 йилда 1 кв. верстга 24 киши тўғри келган (Памир билан бирга ҳисобланганда)<sup>98</sup>.

1906 йилда вилоят аҳолисининг 360950 кишиси шаҳарларда, 1533228 киши эса қишлоқларда яшаган<sup>99</sup>. 1908 йил 1 январга келиб вилоят аҳолиси 2 млн.га етади. Аҳолининг 1.054383 таси эркак (54 %), 89595 таси аёл (46 %) бўлган. 1897 йилда эркаклар 54,2 % ни, аёллар 45,8 % ни ташкил қилган. Шаҳар аҳолиси 1897 йилда 18,1 %, 1907 йилга келиб 19,8 % ни ташкил қилган. Фарғона вилоят аҳолиси 674485 киши (руслар, ҳарбий кўшин хизматчиларидан ташқари, улар 3025 киши) бўлган. Аҳоли ҳар бир уй ва ўтов (юрт)га ўртача 5 кишидан тўғри келган. Ўтроқ аҳоли 122805 кишини ташкил қилган<sup>100</sup>.

Тадқиқотчи В.В. Заорская ва К.А. Александерлар Фарғона вилояти аҳолисининг сони 1914 йил 1 январга келиб 2182 374 кишини, жумладан, шаҳар аҳолисининг сони 420182 кишини ёки вилоят бўйича жами аҳоли сонига нисбатан 19,3 % ни ташкил этганини кўрсатганлар. Вилоятнинг Марғилон уездида шаҳар аҳолисининг салмоғи энг оз бўлган. Уезддаги икки шаҳар (Марғилон ва Скобелев)да жами уезд аҳолисининг фақат 12,4 % ишганини тўғрисидаги маълумотлар баён қилинади<sup>101</sup>.

Фарғона вилоятидаги Қўқон, Андижон, Уш, Эски Марғилон, Янги Марғилон (Скобелев), Чуст каби шаҳарлар маъмурий, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданий марказлар сифатида муҳим ўрнига эга бўлган. «Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларига нисбатан Фарғона вилояти шаҳарлари аҳолисининг кўплиги билан фарқ қилган. Фарғонада қишлоқ аҳолиси 81,9 % ни, Еттисув вилоятида 93,6% ни, Туркистон ўлкасида ўртача 86,2% ни ташкил қилган»<sup>102</sup>.

Туркистонга Америка элчиси бўлиб келган Юджин Скайлер Тошкент, Қўқон, Уш, Андижон, Учқўрғон шаҳарларида бўлган. Ю. Скайлер Қўқон шаҳрини тўртбурчак шаклда, кенг кўчалари борлигини таъкидлайди. У Қўқон шаҳри марказида бозор, Мусулмонкул ва Султонмуродбек қурдирган мадрасалар мавжудлигини ва шаҳар аҳолиси 70000 кишидан иборат эканлигини, шаҳарда 500 дан ортиқ масжид борлигини кўрсатган. Андижон шаҳрида эса 20000 аҳоли бўлганлигини қайд этади. Элчи Фарғона водийсида қадимдан шаҳарлар ўзига хос равишда тараққий қилганлигини, уларда урф-одат ва қоидалар асосида шаклланган ижтимоий ҳаёт ривожланганлигини таъкидлайди<sup>103</sup>.

<sup>98</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. Новый Маргилан, 1905. С. 8.

<sup>99</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1906 г. Скобелев, 1908. С. 8.

<sup>100</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1907 г. Скобелев, 1909. С. 13.

<sup>101</sup> Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Петроград, 1915. С. 76.

<sup>102</sup> Мисальский В.И. Туркестанский край... С. 350.

<sup>103</sup> Филипович М.И. Ферганские города в записках американского дипломата (1873 год) // Буюк Ипак йули ва Фарғона водийси. Т. 2004. С. 118.

Фарғона вилоятини ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси бошқарган. Вилоят ҳарбий губернатори бир вақтда вилоятда жойлашган ҳарбий қўшинга ҳам қўмондонлик қилган<sup>104</sup>. Вилоятнинг биринчи ҳарбий губернатори қилиб Қўқон хонлигини босиб олишда «катта қаҳрамонлик кўрсатган» М.Д. Скобелев тайинланади. Вилоят ҳарбий губернатори Ҳарбий, Ички ишлар вазирликлари ва Туркистон генерал-губернатори тавсияси билан император томонидан тайинланган<sup>105</sup>. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман топшириғи билан 1876 йил 18 мартда вилоят бошқармаси тузилган. Вилоят бошқармаси бошқарув, хўжалик, суд, қурилиш, ўрмон бўлимларидан иборат бўлган.

Вилоят бошқармасига 1867 йилги «Низом» лойиҳаси тартиблари бўйича вилоятдаги фуқаролик ишлари билан шуғуланиш топширилади. 1876 йил 14 ноябрда эса фон Кауфман кўрсатмаси билан вилоят бошқармаси 1873 йилги «Низом» лойиҳаси тартиблари асосида иш юритган. 1873 йилги «Низом» лойиҳаси 1867 йилги «Низом» лойиҳасига нисбатан бошқарув маъмуриятига вилоятда империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва ерлик аҳоли устидан назорат қилишни кучайтирган<sup>106</sup>.

Фон Кауфман томонидан тайёрланган 1873 йилги «Низом» лойиҳаси вазирликлар томонидан бошқарув учун умуман қониқарсиз деб топилган бўлишига «... қарамасдан Фарғона вилояти вазирликлар томонидан тасдиқланмаган 1873 йилдаги «Низом» лойиҳаси бошқарувда эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан иш олиб бориш талаб этиладиган жойда жорий қилинади»<sup>107</sup>. Фарғона водийсида Россия империясининг ҳар томонлама, ҳар бир соҳага алоҳида эътибор бериб сиёсат олиб боришига сабаб, биринчидан, аҳолисининг кўпчилиги, катта ҳажмдаги ишчи кучининг мавжудлиги, табиий шароитнинг қулайлиги, империя саноати учун энг зарур бўлган пахта, ипак ва бошқа хом ашёларнинг борлиги, ҳудуднинг ер усти ва ер ости табиий бойликларга бойлиги ва катта захирага эгаллиги, империя корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар учун кўп сонли истеъмолчиларга эга бозор сифатида. Иккинчидан, сиёсий жиҳат, яъни унинг алоҳида давлат - Қўқон хонлигининг асосий ҳудуди ўрнида жойлашганлиги бўлиб, бунда хонлик тугатилгандан кейин хонликдаги барча амалдорлар, ҳарбийлар сиёсий, моддий ва маънавий жиҳатдан юқори мавқеини йўқотиб, империя ҳукмронлигидан норози бўлган кўп сонли омманинг мавжудлигидир. Учинчидан, яъни геополитик нуқтаи назардан, Фарғона вилояти империя жанубидаги чекка ҳудудда жойлашганлиги бўлиб, ушбу ҳудуд халқаро манфаатлар тўқнашган ҳудуд, айниқса Россия-Хитой муносабатлари марказида турганлиги сабаб бўлган.

<sup>104</sup> Отчет ... Гирса. С. 57.

<sup>105</sup> Положение об управлении Туркестанского края (12 июля 1886 г.). СПб., 1888. С. 7.

<sup>106</sup> Отчет Гирса ... С. 58.

<sup>107</sup> Ушш жойда. С. 5.



Россия империясининг Фарғона водийсида ўз ҳукмронлигига алоҳида аҳамият берганлигига яна «дунгонлар кўзғолони, Гулча маъсаяси, Россия-Англия рақобати ҳам сабаб бўлган»<sup>108</sup>.

Туркистон генерал-губернатори барон Вревский ўзининг 1889 - 1895 йиллар мобайнида ўлкадаги фаолияти бўйича ёзган хисоботида «Фарғона вилоятида жамоат тинчлиги доимий ҳавф остида туради. Бу ерда кўплаб собиқ хон амалдорлари ва ҳарбийлар ишайди. Улар рус тартибларини қабул қилишни ҳохламайдилар. Бундай шахслар турли хил йўллар билан халқнинг кўзғолон кўтаришига ҳаракат қиладилар»<sup>109</sup>, дейди.

Вилоятнинг маъмурий маркази дастлаб Қўқон шаҳри бўлган. 1877 йил 27 апрелда вилоят маркази Марғилон шаҳридан 12 верст жануб томонда жойлашган Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрини кўчирилади. 1877 йил 1 июнда Қўқонда алоҳида шаҳар бошқаруви тартиби тугатилиб, шаҳар бошқаруви 1917 йилгача уезд бошлиги иктиёрига ўтказилган<sup>110</sup>.

Вилоятда Қўқон (майдони – 13 208 кв. верст), Марғилон (майдони – 14 040 кв. верст), Андижон (майдони – 13 314 кв. верст), Наманган (майдони – 5 652 кв. верст), Чуст (майдони – 9 590 кв. верст) ва Уш (майдони – 25 228 кв. верст) уездлари бўлган<sup>111</sup>.

Вилоятнинг уезд бошқармалари Қўқон, Андижон, Уш, Наманган, Чуст шаҳарларида жойлашган. (Иловадаги 1-жадвалга қаранг).

1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги буйруғи билан Қўқон уезди ташкил қилинади. Вилоятнинг шимоли-ғарбида жойлашган Қўқон уездининг майдони 13 213 кв. верст бўлиб, унинг аҳолиси 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра 36 4658 кишини ташкил қилган. Деҳқончилик учун яроқли бўлган ер майдони 280188 верст<sup>2</sup> бўлиб, унинг 58,3 % суғориладиган ер хисобланган.

Қўқон уезди учта участкага бўлинган. Уездда 23 волост, 57440 хонадон бўлиб, улардан 793 хонадон ерсиз бўлган<sup>112</sup>. Аҳолининг ерсиз қисми бадавлат кишиларга мардикор сифатида ёлланиб ёки шаҳарга бориб ишлаган.

Уезд маркази бўлган Қўқон шаҳри азалдан Фарғона водийсида иктимоний-иктисодий ва маъмурий марказ сифатида катта мавқега эга бўлган. 1876 йилда Қўқонда 360 та масжид, 144 та мактаб ва мадрасалар бўлган. 1885 - 1887 йилларда Қўқон шаҳри ва Қўқон уезди ҳудудида 50 та мадраса (406 та талаба) ва 232 та мактаб (6589 та ўқувчи) бўлган<sup>113</sup>.

Қўқон шаҳри аҳолисининг миллий таркиби кўп миллатли бўлиб, 1904 йил маълумотига кўра 94 % ўзбек, 3,5 % рус, 0,5 %

<sup>108</sup> Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX - начале XX в. (Социально-экономический аспект). Т., 1983. С. 41.

<sup>109</sup> У.Р.МДА, И-1-фонд, 20-рўйхат, 10663-иш, 8-варақ

<sup>110</sup> У.Р.МДА, И-1-фонд, 16-рўйхат, 1889-иш, 36-варақ

<sup>111</sup> Отчет... Гирса. С. 7.

<sup>112</sup> Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Вып. IV. Кокандский уезд. Скобелев. 1912. С. 1.

<sup>113</sup> У.Р.МДА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 44-варақ

яхудий ва 2 % бошқа миллат вакиллари яшаган. Қўқон аҳолисининг ижтимоий таркибини кўрадиган бўлсак, 1887 йилда шаҳардаги 150 минг аҳолидан 3069 нафари саноатчи ва хунарманд, 2169 нафари савдогар, қолганлари эса деҳқонлар, ишчилар, мардикорлар ва бошқалар бўлган. Шаҳар аҳолиси ҳарбийларнинг жойлаштирилиши, Россиядан кўчиб келтирилган ва қишлоқлардан иш излаб келувчилар ҳисобига кўпайиб борган. «Қўқон шаҳрида 100 000 сажен<sup>114</sup> ер кўчиб келтирилганлар учун туб жой аҳолисидан тортиб олинади»<sup>115</sup>.

1899 йил Қўқонга темир йўлнинг етиб келиши шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатиб, уни ўзгартириб юборган. 1876 йил шаҳарда 6 814 та уй бўлган бўлса, 1907 йил уларнинг сони 15 793 тага, 1916 йилда эса 18 400 тага етган<sup>116</sup>.

Қўқон полицмейстери шаҳар бошлиғи (градоначальник) ҳисобланган. Унинг вазифалари шаҳар полиция бошқарувига берилади. Унинг ёрдамчиси вилоят ҳарбий губернатори томонидан тайинланадиган кўрбоши<sup>117</sup> бўлган. Булар асосан эски шаҳар бўйича полиция назорати билан шуғулланганлар. Полиция таъминотини таъминлаб туриш аҳоли зиммасига тушган.

Марғилон уездида 1877 йилда 15 та волост, 119 та оқсоқоллик, 21 та қози бўлган Марғилон шаҳрида 4 та оқсоқоллик бўлган.

1886 йилда тайёрланган Марғилон уезди бошлиғи маълумотида уезддаги волостлар, хонадонлар ва оқсоқоллар сони кўрсатилган. (Иловадаги 2-жадвалга қаранг).

Уезд маркази ҳисобланган Марғилон шаҳри муҳим савдосотиқ марказларидан бири бўлиб, унда ипакчилик ва хунармандчилик ривожланган. XX аср бошларида унинг аҳолиси 46 780 кишини ташкил қилган. 137 та мактаб, 254 та масжид, 14 та завод бўлган<sup>118</sup>.

Андижон уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги буйруғига асосан ташкил қилинади. Уезд маркази бўлган Андижон шаҳрида XX аср бошида иккита меҳмонхона, черков, почта станцияси, касалхона бўлиб, аҳолиси 76 367 (2840 рус) киши, 7795 та хонадон (150 таси рус oilалари), 236 та масжид, 1909 йилда 36 та пахта тозалаш, 2 та ёғ-мой заводлари бўлган<sup>119</sup>.

Наманган уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги буйруғи билан ташкил қилинади. Наманган уездининг маркази Наманган шаҳри бўлиб, шаҳарнинг ерлик аҳоли яшайдиган қисмида 12100 хонадон, 331 та масжид, 11 мазор, 100 дан ортиқ бошланғич мактаб, 20 дан ортиқ ўрта мактаб бўлган. Шаҳар аҳолиси 73000 (900 та рус) кишидан иборат бўлган. Наманган шаҳрининг янги шаҳар қисмида XX асрнинг бошларида

<sup>114</sup> Сажен – ҳажм ўлчов бирлиги бўлиб, 1 м<sup>3</sup> тенг.

<sup>115</sup> Губасва С.С. Население Ферганской долины. Т., 1991. С. 103.

<sup>116</sup> Суздальцев А. Туркестан и сопредельные страны. Самара, 1919. С. 47.

<sup>117</sup> Кўрбоши - шаҳар мишраблари бошлиғи

<sup>118</sup> Масальский В.И. Туркестанский край. . . С. 705.

<sup>119</sup> Ушн жойда. С. 708.

60 та хонадон, уезд маъмурияти, ҳарбий қўшин казармаси, православ черкови, билим юрти, рус-тузем мактаби, почта-телеграф бошқармаси, касалхона, ҳарбийлар зали ва боғ жойлашган<sup>120</sup>.

Уш уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги буйруғи билан ташкил қилинади. Уезд маъмурий маркази ҳисобланган Уш шаҳрида XX аср бошида 6253 хонадон, черков, 100 дан ортиқ масжид, 56 та ўқув муассаси бўлиб, аҳолиси 44204 (915 та рус) кишини ташкил қилган<sup>121</sup>.

Чимён уезди Қўқон хонлигининг Чимён беклиги ва Сўх дарқорлиги ҳудудида 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлигининг буйруғи билан ташкил қилинади. Чимён уездининг маркази дастлаб Водил кишлоғи бўлган. 1879 йил 13 мартда уездга Исфара номи берилади. Уезд маркази Исфара шаҳрига кўчирилади. 1881 йилда уезд тугатилиб, унинг бир қисми Исфара райони сифатида Қўқон уездига қўшиб юборилади.

Вилоятдаги Исфара уезди бошлиғи ўзининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган хатида Исфара уезди марказини Риштондан Водил шаҳрига кўчиришни сўраб, Риштонда ичимлик сувини ёмонлиги, шарт-шароит ноқулай бўлганлиги учун марказни кўчириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. У Исфара шаҳри уезд маркази бўлиши мумкинлигини, бироқ Исфара шаҳри уездининг чеккасида жойлашганлигини кўрсатади<sup>122</sup>. 1881 йил 25 мартда Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан Исфара уезди тугатилиб, унинг таркибидаги Исфара, Риштон, Сўх, Найгут, Кипчюк, Лайлак, Қўқонча, Чимён, Олтиарик, Найман ва Яйпан волостлари Марғилон уездига қўшиб юборилади<sup>123</sup>.

Марғилон уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги буйруғи билан ташкил қилинади. Уезд маъмурий маркази Янги Марғилон шаҳри бўлиб, шаҳар янги вилоят маъмурий маркази сифатида қуриш учун 1877 йил 19 апрелда руҳлиқ берилади. Скобелев шаҳрига оид маълумотларга кўра, 1916 йил 13 декабрда шаҳар ҳудуди 850 десятина бўлган. Бундан 232 десятинасида хусусий уйлар, 185 десятинасида кўча ва майдонлар, 24 десятинасида давлат ва жамоат бинолари, 239 десятинасида ҳарбий қисмлар жойлашган. Фойдаланиш учун ажратилган ерлар 36 десятинани, чорва мўллари учун ажратилган ўтлоқлар 35 десятинани ташкил этган<sup>124</sup>.

1916 йил 1 январгача бўлган маълумотга кўра, шаҳарда 16023 нафар киши яшаган. Улардан 9500 киши руслар, 5850 киши ўбеклар ва 10 киши хинд, 110 киши яхудий, 538 киши эса қишлоқликлар бўлган<sup>125</sup>. Шаҳар асосан маъмурий марказ ва ҳарбий қўшин учун мўлжалланган. Ҳарбий қўшин учун иншоотлар

<sup>120</sup> Мавляевский В.И. Туркестанский край ... С. 703-704.

<sup>121</sup> Уш уезди С. 712.

<sup>122</sup> Уш МДА, И-19-фонд, 1-руйхат, 404-иш, 24-варақ.

<sup>123</sup> Уш МДА, И-19-фонд, 1-руйхат, 404-иш, 25-варақ.

<sup>124</sup> Уш МДА, И-19-фонд, 1-руйхат, 35173-иш, 17-варақ.

<sup>125</sup> Уш МДА, И-19-фонд, 1-руйхат, 35173-иш, 16-варақ.

қуришга 1877 - 1883 йилда 844736 рубль маблағ сарфланган. Маъмурий биноларга мазкур йиллар давомида 689.134 рубль шаҳар қурилишига 283.716 рубль, жами 1.817.586 рубль сарфланган. Шаҳарда 312 та бино, жумладан 77 уй, 205 та майда савдо расталари қурилган. Шаҳарда асосан рус ҳарбийлари ва амалдорлари жойлашгани учун унга 1876 йил 15 июлда ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилади. Унинг таркибига шаҳар бошлиғи, катта ва кичик ёрдамчилари, иш бошқарувчилари, таржимон ва котиб (мирза)лар кирган<sup>126</sup>. Скобелев номи 1907 йилда Янги Марғилон шаҳрига, 1910 йилда уездга берилади.

Вилоятдаги уезд бошлиқлари генерал губернатор томонидан ҳарбий губернатор тавсияси билан тайинланган. Уезд бошлиқларининг ёрдамчилари, участка ва полиция приставлари ҳарбий губернатор томонидан тайинланган ва бўшитилган. Уезд маъмурияти таркиби уезд бошлиғи, унинг ёрдамчиси, таржимон ҳамда маҳаллий аҳолидан бўлган миршабларга бошчилик қилувчи приставдан иборат бўлган. Уезд бошлиғи ерлик аҳоли вакиллари томонидан содир этилган ишлар бўйича 7 кунгача қамок, 15 рублгача жарима, участка приставлари 3 кунгача қамок, 5 рублгача жарима солиши мумкин бўлган<sup>127</sup>. Уезд маъмуриятларида ишловчиларнинг сони бир хил бўлмаган. Масалан, Ўш, Наманган ва Чуст уезд бошлиқларининг, катта ва кичик ёрдамчилари, иш юритувчилари, 2 тадан таржимонлари бўлган. Андижон, Марғилон уездларида эса қўшимча уезд бошлиғининг иккитадан катта ёрдамчилари бўлган.

Уезд бошқаруви мустамлакачи ҳукуматнинг жойларда амалга оширадиган сиёсатининг таянчи ҳисобланган. Шунинг учун унга катта аҳамият берилган. Қуйидаги фикрларда мустамлакачи ҳукуматнинг жойлардаги ўз вакиллари мавқеига қандай муносабатда бўлганлигини кўришимиз мумкин: «1886 йилги «Низом» лойиҳаси тартиблари уезд маъмурияти мавқеини тушириб, ёзув ишларини кўпайтирди. Уезд бошлиқларини бошқараётган ҳудудни тез-тез айланиб туришини чеклаб қўйди, суд тизимидаги ўзгаришлар халқ судьялари ҳуқуқларини кенгайтириб, уезд бошлиқлари ҳуқуқларини пасайтириб юборди. Ерлик аҳоли вакиллари кўз ўнгида рус ҳукуматининг таъсири тушиб кетганлиги кўриниб турибди»<sup>128</sup>. Туркистон генерал-губернатори барон Вревский эса «1886 йилги «Низом» лойиҳаси асосида ҳокимиятни бўлиб юборилиши ерлик аҳоли кўз ўнгида мустаҳкам кўринишдаги ҳокимиятни заифлаштириб қўйди»,<sup>129</sup> дейди.

<sup>126</sup> ЎзР МДА, И-1-фонд, 20-руйхат, 10663-иш, 1-варак.

<sup>127</sup> Положение об управлении Туркестанского края (12 июля 1886 г.). СПб. 1888. С. 9.

<sup>128</sup> Русский Туркестан. 1898, 30 октября, № 16.

<sup>129</sup> Всеюлданнейший отчет. . . 1889 - 1895. - С. 63.

Подшо ҳукумати томонидан босиб олинган ҳудудлардаги ўлка маъмурияти вакилларининг нафақат сиёсий, балки уларни иқтисодий жиҳатдан юқори мавқега эга бўлишларига ҳам катта аҳамият берилган. Шу билан бирга уларга катта миқдордаги маош, яъни шарт-шароит, имтиёзлар берилишига қарамасдан босиб олинган ҳудудларда маъмурият вакиллари ўзлари учун кўплаб бойлик, мол-мулк орттиришга ҳаракат қилиб, кўплаб қонунбузарликлар, ўз мансабининг суистеъмол қилганлар.

1883 йили Фарғона вилоятида мустамлака амалдорларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан 238 марта тергов олиб берилган, 106 ҳолат бўйича текшириш ўтказилган, лавозими бўйича 18 киши судга берилган, қолгани ҳарбий губернатор буйруғи билан тўхтатиб қўйилган<sup>130</sup>.

Вилоятда мустамлакачи ҳукумат вакилларининг ўббошимчалиги, ноқонуний ишлари бўйича жуда кўплаб шикоятлар тушган. 1916 йил 26 октябрда Туркистон генерал-губернаторлигига келган шикоят хатда Қўқон уезди бошлиғи Мединский ва унинг ёрдамчиси Китаев ва бир қанча амалдорларнинг аҳолига жабр-зулм ўтказиб, порахўрлик, соқилларини ошириб юборганлиги таъкидланади. Шикоят хатда Мединский 1 млн рубль миқдордаги маблағга эга эканлиги ва у унга 100 минг рубль маблағ сарфлаб уй қуриб олганлиги кўрсатилади<sup>131</sup>. Шу билан бирга Андижон уезди бошлиғининг кичик оқсоқолларини кўрkitиб пул олганлиги тўғрисидаги шикоятлар мавжуд. Бунга Андижон уезди Ўзган волостида яшовчи С. Ниёзқулов ёзган аризаси каби кўплаб шикоятлар<sup>132</sup>ни кўрсатиш мумкин. Лекин, ерлик аҳолининг бундай шикоятларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ўлка маъмурияти томонидан етарли даражада чора кўрилмайди.

Марғилон уезди бошлиғи капитан Бичурин ерлик аҳоли вакилларида 7613 рубль олиб ҳеч қандай қвитанция бермасдан ўзлаштириб олган. 1877 йил хирож солиғи йиғиб олингандан сўнг, аҳолидан яна 4 чакса<sup>133</sup> қўшимча маҳсулот йиғишга буйруқ берган. Бунинг учун уни вилоят бошқармаси айбдор деб топиб, мол-мулки мусодара қилиниши ва барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган ҳолда Сибирга сургун қилиниши кераклигини билдириб, суд қилишни сўрайди. Лекин, Туркистон ўлкаси генерал-губернатори фон Кауфман уни маъмурий жазолаш билан қифояланиб қўя қолади. У содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолат ўлкада фон Кауфманнинг шахсий кўрсатмаси қонундан ҳам устун туришини кўрсатади.

<sup>130</sup> Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масыул мухаррирлар Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. Т.: Шарк. 2001. 138-бет.

<sup>131</sup> Ф.И. МДА. И-1-фонд, 31-руйхат, 1162-нш, 11-варақ.

<sup>132</sup> Ф.И. МДА. И-276-фонд, 1-руйхат, 8-нш, 23-варақ.

<sup>133</sup> 1 чакса – 2,5 фунтга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

Шу ўринда куйидаги маълумотни ҳам келтириш ўринли деб ўйлаймиз: «Тарихи Азийий» муаллифи: «Мингтепа кишлоғидан Муҳаммад Али Халифа хуруж қилиб шундай шўришлар зухурга келган бўлса ҳам, обрўи шунчаки окподшо импротури аъзам хазратлари полковник зиммасига айб қўймайди, балки катта ўринга кўтарибди. Марғилон уездидан олинб Тошкентда жондорол (генерал)лик ўрнига бориб турурга ёрлик келди»<sup>134</sup>, деб чор ҳукуматининг ўлкадаги мавқеини кўрсатиб ўтади.

Босиб олинган ҳудудларда рус маъмурлари мавқеи юқори даражада бўлишига нафақат қонуний жиҳатдан, балки кундалик ҳаётда, уларнинг амалий фаолиятларида ҳам катта аҳамият берилган. Мисол учун Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский Фарғона вилоятига Андижон қўзғолонидан кейин келганида поезд йўли ёнида ерлик аҳолини таъзим қилиб туришга мажбур қилинган<sup>135</sup>.

Вилоятда маъмурият вакиллари мавжуд қонунлар доирасида иш олиб бормасдан, балки ўзлари хоҳлаганича иш юритганлар. Марғилон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи штабс-капитан Алексеев волост бошлиқларини ўзи тайинлаган. Унинг фикрича, солиқ йиғиш учун сайланганлардан кўра тайинланган кишилар маъкул бўлган<sup>136</sup>.

Вилоят, уезд маъмурияти вакиллари ўзларига кўплаб мол-мулк орттириш, эгаллаб турган лавозимлари ваколатларидан ташқари ишларни олиб бориш билан бирга ўз хоҳишлари бўйича бошқарувнинг қуйи бўғиндаги лавозимларга ерлик аҳоли вакилларини поралар эвазига қўйиш ёки ўзларига ёқмаганларни лавозимидан четлатиш каби ноқонуний ишларни ҳал қилганлар.

Вилоятдаги 98 та волостдан 45 тасининг бошлиқлари ҳукумат томонидан 3 йил ичида ўз лавозимларига нолойиқ деган айблар билан ишдан олинади. Бундан кўринадики, уезд бошлиқлари волост бошлиқларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқларидан унумли фойдаланганлар.

Россия империяси учун Фарғона вилояти нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланган. Айниқса, пахтачилик соҳасида вилоят империя учун керакли бўлган хом ашё - пахтани кўпроқ етиштиришга энг қулай ҳудуд ҳисобланган. 1879 йилда Кауфман томонидан келтирилган биринчи америка навли пахта Фарғона вилоятида экилади. 1888 йилда 34669 десятина<sup>137</sup> пахта экилган бўлса, 1901 йилга келиб 210279 десятина пахта экилган. Яъни 6 баравар ошган. Пахта майдонларининг кенгайиши Фарғона вилоятида суғориладиган бўш ерлар бўлмаганлиги учун

<sup>134</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий ... Б. 9.

<sup>135</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана ... С. 358.

<sup>136</sup> Отчет ... К.К. Палена. Сельское управление: Русское и туземное. С. 84.

<sup>137</sup> Десятина – Россияда қўлланилган юза ўлчов бирлиги. XIX асрда 1,45 га тенг бўлган.

бошқа экин майдонлари ҳисобига тўғри келган. Масалан, буғдой майдонлари 1907 - 1915 йилларда 603206 десятинадан 354326 десятинага қисқариб кетган. Вилоятнинг баъзи уездларидаги ерларга тўлиқ пахта экилган. Вилоятда пахта майдонларининг кенгайтирилиши натижасида бошқа экин майдонлари, яйловлар кескин равишда қисқариб кетган.

Бу даврда Фарғонада деҳқончилик хунармандчилик, чорвачилик, савдо-сотик ва бошқа соҳалар ривожланиб борган. Вилоятда етиштирилган маҳсулотлар нафақат водий аҳолиси эҳтиёжини қондирган, балки Россия ва бошқа қўшни ҳудудларга ҳам чиқарилган. 1907 йилги маълумотга кўра Фарғона вилояти аҳолисининг 74,28 % деҳқончилик, 4,77 % чорвачилик билан шуғулланган<sup>138</sup>.

Фарғона вилоятида иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг аниқлиги моддий асосини яққа хонадон хўжалиги ташкил қилган. Вилоят аҳолисининг иқтисодий машғулоти асосан миллий-этноик хусусиятдан келиб чиққан. Бунда ўтрок аҳоли деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, кўчманчи аҳоли эса чорвачилик ҳамда у билан боғлиқ соҳалар билан шуғулланган. Бундан ташқари, аҳолининг машғулотини ижтимоий мавқеи ҳам белгилаган. Жумладан, аҳолининг камбағал қатлами ўтин тўплаш, қора ошларда меҳнат қилганлар, мардикорчилик билан шуғулланганлар.

Аҳоли турли табақа вакилларининг ўзаро алоқалари миллий-этноик асосда тарзидан келиб чиққан. Жумладан, бу даврда аҳолининг иқтисодий ўзаро алоқалари ва этник муносабатлари марказида бозор турган. Бозорлар бундан ташқари аҳолининг иқтисодий таъминот манбаи бўлиб, бунда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотларини, жумладан, буғдой, чорва моллари, мева, сабзавот, галнама ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари билан олди-сотди қилган. Турли этник ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг табиий тарздаги доимий ўзаро алоқалари бозорларда бўлган. Бу бозорларни М.Ваҳобов «микроиқтисодий бирлик» деб атайди<sup>139</sup>.

Бу даврда вилоят маҳаллий хунармандчилиги ривожланиб борган, лекин, бу хунармандчиликнинг фақат айрим тармоқларига тегишлидир. Мустамака сиёсати натижасида рўй берган ўзгаришлар маҳаллий бозорларда саноат маҳсулотларининг маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари устидан ҳукмронлик қилишига олиб келди. Ўзаро рақобат натижасида баъзи бир маҳаллий хунармандчилик тармоқлари ўз ўрнини бозорда саклаб қолган. Мизкур ўзгаришлар туб жой аҳоли турли табақа вакилларининг ижтимоий мавқеини ҳам ўзгартириб юборди.

XIX аср охирига келиб, капитализмнинг ривожланиши натижасида Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб

<sup>138</sup> Губиева С.С. Население Ферганской долины ... С. 24.

<sup>139</sup> Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. Т.: Ўздавнашр, 1960. 125-бет.

сотиш билан шуғулланувчи кўп сонли турли фирмалар ўз фаолиятларини авж олдирган.

Саноатнинг мустамлакачилик хусусияти ва чет эл капиталининг кириб келиши вилоят аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Аҳолининг ижтимоий таркиби ўзгарган, янги машғулот турлари пайдо бўлган. Маҳаллий мулкдорлар табақасини асосан воситачилик, тадбиркорлик, савдогарлик фаолиятлари билан шуғулланувчилар ташкил қилган.

Бу даврда вилоятда йирик мулкдорлар табақаси шакллана борган. Масалан, Андижонлик тадбиркор Мирқомил Мирмуъинбоев 14 млн рубль сармояга, Олимжон ҳожи иккита пахта тозалаш заводига эга бўлганлар. Султон Муродбек, Дада ҳожи, Карим Охун, Отахон кабиларнинг биттадан қорхоналари бўлган<sup>140</sup>. Баъзи маҳаллий мулкдорларнинг фаолияти рус савдо капиталининг кириб келиши билан қўшилган ҳолда юз берди ва бу улар ўртасида зиддиятнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлди. Ушбу зиддият, энг аввало, маҳсулотларни сотиш бозорларида яққол кўринади. Вилоятда янги ижтимоий табақаларнинг ўсиб бориши, ижтимоий қатламлар ўртасидаги мулкий мутаносибликни ўзгартириб юборган.

Бироқ бу ўзгаришларга қарамасдан Фарғона водийси, умуман олганда майда дехқончилик устун бўлган аграр минтақа бўлиб қолган. Фарғона вилоятида 1904 йилги маълумот бўйича 839900 десятина суғориладиган ерлар бўлган<sup>141</sup>. Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг асосий қисми ўтрок аҳоли қўлида бўлган. «1904 йилда вилоятдаги суғориладиган ерларнинг 57784 десятинасида кўчманчи аҳоли дехқончилик қилган»<sup>142</sup>.

Фарғона вилоятида империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган тадбирлар қаторига марказий губерниялардан аҳолини кўчириб келтириш сиёсати алоҳида аҳамият берилган ҳолда амалга оширилганлиги яққол кўринади. Бунга водийнинг қулай географик ҳудудда жойлашганлиги, шароитининг қулайлиги билан бирга подшо ҳукуматининг Россиянинг стратегик ва геополитик мақсадлари мавжуд бўлганлиги асосий сабаб бўлган. Бундан ташқари Янги Марғилон шаҳрининг ташкил қилиниши ва унинг фақат кўчиб келувчиларга мўлжалланганлиги учун кўчиб келишни ҳохловчилар хаддан ташқари кўп бўлган.

Янги Марғилон шаҳри аҳолиси сони вилоятнинг бошқа шаҳарларига нисбатан тез кўпайган. Шаҳарда 1887 йилда 196 хонадон эгалари бўлган бўлса, 1913 йилда уларнинг сони 2005 тага етади. Аҳолининг умумий сони вилоят марказида 1888 йилда 3149 киши бўлган бўлса, 1900 йил улар 6518 киши, 1911 йилда 11000

<sup>140</sup> Масальский В.И. Туркестанский край. С. 32.

<sup>141</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. Новый Маргилан, 1905. С. 15.

<sup>142</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. Новый Маргилан, 1905. С. 17.



кўчи бўлиб, улардан 7000 минги рус бўлган<sup>143</sup>. Фарғона шаҳар аҳолисининг кўпайиши асосан империянинг марказий районларидан кўчириб келтирилганлар ва Биринчи жаҳон уруши йилларида кўчиб келганлар сонининг кўпайиши ҳисобига бўлган.

Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, 1891 йилдаги шаҳар полиция бошлигининг берган маълумотида Янги Марғилон шаҳрига кўчиб келувчиларнинг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш жараёнини жуда қийинлаштириб юборган. Кўчиб келувчилар сонининг ортиши билан шаҳарда ер-жой, озиқ-овқат нархлари ошиб кетган. Шаҳар маъмурияти шаҳарда ерсиз, уйсиз ва ишсизлар сони кўпайиб кетганлиги учун ҳарбий губернатордан кўчиб келаётганларнинг Фарғона вилоятига келишини тўхтатишни сўрайди<sup>144</sup>. Подшо ҳукуматининг аҳолини шаҳарларга кўчириб келтириб қойлаштириш сиёсатининг муҳим томони шунда бўлганки, «шаҳарлар аҳолининг ўзаро мулоқотда бўладиган энг асосий жой ҳисобланган. Шаҳарларда ишлаб чиқариш, савдо-сотик ишлари олиб борилган. Шунинг учун шаҳарларга кўпроқ рус аҳолисини қойлаштириб ерлик аҳолига кўпроқ таъсир кўрсатишга ҳаракат қилинган»<sup>145</sup>.

Кўчириб келтириш сиёсати тўғрисида Россия Давлат Думаси аъзоси Н. Трегубов «Менинг фикримча, кўчириш сиёсатида учта мақсад мавжуд. Биринчиси, Марказий Россияда экин майдонлари камлиги учун ерсиз деҳқонларни ҳосилдор ерлар билан таъминлаш бўлса, иккинчидан, ҳосилдор ерлардан фойдаланиш, учинчидан ва энг асосийси Россия ташқарисидаги ҳудудларни мустаҳкамлаш ҳисобланади»<sup>146</sup>, деб Россия империяси сиёсатининг асл моҳиятини билиб қилиб беради.

Бу даврда катта ер эгалари ва бошқа мулкдорларга қарашли ерларни тортиб олиниши, уларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши, кўчириб келтирилганларга берилиши натижасида, айниқса ер-сув масаласи хусусида туб аҳоли ва кўчириб келтирилган аҳоли ўртасида кўплаб тўқнашувлар келиб чиқади.

«Чор Русияси 1896 – 1906 йилларда мужикларнинг чет ўлкаларга кўчирилиши учун 2,5 – 3 миллион микдорда олтин сўм сарф қилган»<sup>147</sup>.

Фарғона вилоятида биринчи рус посёлкаси 1893 йилда Ўш уездида Покровский номи билан ташкил қилинади. Бу посёлкада 1895 йилда Россиянинг 21 губерниясидан кўчиб келганлар яшаган. «Покровский посёлкасидаги рус деҳқонларининг аҳволи яхши

<sup>143</sup> Биртольд В.В. История культурной жизни Туркестана... С. 336.

<sup>144</sup> У.И. МДА, И-19-фонд. 1-руйхат, 5964-иш, 1-ялрак.

<sup>145</sup> Русский Туркестан. 1898, 20 ноября, № 25.

<sup>146</sup> Рывжонов Т. ... / Собр. соч. в 3-томах. Алматы: Қазақстан, 1997. Т. 2. С. 127.

<sup>147</sup> Қоққор Тоҳир. Хур Туркистон учун. Т.: Чулпон. 98-бет.

бўлиб, уларнинг қўлида қирғиз мардикорлари ойига 8 рубль йилига эса 65 рубльдан ҳақ олиб ишлаганлар»<sup>148</sup>.

Фарғона вилоятида Дукчи Эшон кўзғолонидан кейин унинг иштирокчиларини жазолаш мақсадида 1898 йил Мингтепа, Қашғар ва Тожик қишлоқлари ўрнида рус посёлкаси ташкил қилинади «Подшонинг марҳамати билан янги қишлоқ бино бўлиб, номини Марҳамат волости деб номланди ва Урисия мужиклари кўчириб олиб келинган»<sup>149</sup>. Унга 200 рус оиласи жойлаштирилади.

1911 йилга келиб Фарғонада рус посёлкаларининг сони 23 тага етади. Булар Скобелев уездида 1 та, Ўш уездида 5 та, Наманган уездида 3 та, Андижон уездида 14 та бўлган. Уларнинг аҳолиси 20000 кишини ташкил қилган<sup>150</sup>.

«Маҳаллий аҳолини руслар билан мулоқоти жараёнида илғор маданият сингиши билан бир қаторда, ўртаасиёликларга хос бўлганмаган ичкиликбозлик каби шариатда қаътий ман қилинган турли иллатлар ҳам кенг ёйилиши рўй берди»<sup>151</sup>.

Фарғона вилоятига кўчириб келтирилган аҳоли ўзлари билан бирга қишлоқ хўжалиги, темирчилик ва бошқа соҳалардаги янги европача технологияларни олиб келиш билан бирга Ўз навбатида «кўчиб келган руслар ўзбек ва тожиклардан сўғорма деҳқончилик боғдорчилик, узумчилик соҳаларини ўрганганлар»<sup>152</sup>.

1915 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасига, жумладан Фарғона вилоятига уруш бўлаётган районлардан қочоқлар кўчиб кела бошлаган. Шу йилнинг 21 октябрга келиб бундай кишиларнинг сони Скобелев шаҳрида 8918 кишини ташкил этган. Шаҳарда қочоқлар иши билан шуғулланувчи махсус комитет тузилган. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий қазармаларга ва 68 та шахсий хўжаликларга қарашли уйларга жойлаштирилган. Қочоқларнинг кўплаб келиши шаҳарда катта қийинчиликларни вужудга келтирган. Уй-жой, иш билан таъминлаш қийин бўлган. Медицина хизмати яхши кўрсатилмаганлиги натижасида қочоқлар ўртасида тиф, безгак ва бошқа юқумли касалликлар кўп тарқалган<sup>153</sup>. Бундан ташқари, Скобелев шаҳрига 14 минг ҳарбий асир жойлаштирилган. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг берган маълумотига кўра, «шаҳар аҳолисидан 2,5 баробар кўп ҳарбий асирларнинг келиши шаҳарни жуда оғир аҳволга солиб қўйган»<sup>154</sup>.

Бу даврдаги иқтисодий қийинчиликлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, очарчиликлар каби ҳолатларни ўша даврда

<sup>148</sup> Масальский В.И. Туркестанский край ... С. 330.

<sup>149</sup> Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий ... 9-бет.

<sup>150</sup> Масальский В.И. Туркестанский край ... 330-бет.

<sup>151</sup> Ахмаджонов Ф. Россия империяси Марказий Осиёда ... 27-бет.

<sup>152</sup> Губаева С.С. Население Ферганской долины ... 106-бет.

<sup>153</sup> ЎзР МДА. И-349-фонд, 1-руйхат, 16-иш, 107-варак.

<sup>154</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. - Т., Фан, 1971. Т. II. 542-бет.

ишда ижод этган ўзбек шоири Завкий ўзининг «Қаҳатлик» номли шеърисида қуйидагича ифодалаб беради:

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,  
Топилмас парча нон вайронамизда,  
Паймбар бўлса нон. ош-авлиёдир,  
Яна очлик давосиз бир балодир.  
Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,  
Не қишлоқу жибол авлоқларни<sup>155</sup>.

Бу даврда ўлкага келган кўплаб экспедициялар, турли соҳа вакиллари, айниқса табиий бойликларни ўрганиш, топиш ва уларни ўзлаштиришда катта ишларни қилганлар. Лекин бу ишларнинг аксарият қисми ўлка ёки ерлик аҳоли манфаати учун эмас, балки биринчи навбатда империя манфаатлари учун амалга оширилади.

Вилоятда империя манфаатлари йўлида пахтачиликни ривожлантириш, кўпроқ хом ашёга эга бўлиш, моддий ва табиий бойликларни ташиб кетиш учун темир йўл қурилиши, жойлардаги воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиб туриш учун телеграф хизмати йўлга қўйиш ва бошқа шу каби ишлар амалга оширилган.

1895 йил 25 майда вилоят марказини темир йўл билан боғлаш мақсадида темир йўл магистралини Самарқанддан Қўқон ва Скобелев орқали Андижонга ўтказиш<sup>156</sup> ва бунга 21080607 рубл ажратилганлиги ҳақида ҳукумат фармони эълон қилинади. Лекин қурилиш жараёнида темир йўл бошқармаси томонидан магистрал бўлиб Скобелев шаҳридан 8 верст шимолдан ўтиши мақсадга мувофиқ эканлиги ва бу билан 315000 сўм маблағ тежаб қилиниши кўрсатилгандан кейин темир йўл қуриш лойиҳаси ўзгартирилади. Самарқанд - Андижон темир йўл магистрали Қўқон - Горчаково станцияси йўналиши бўйича 1899 йилда қуриб тугалланиб, 1 майдан ишга туширилган<sup>157</sup>. Хуллас, Скобелев (ҳозирги Фарғона шаҳри) темир йўлдан 8 верст узоқликда қолган.

Вилоят ҳарбий губернатори 1910 йилда подшо ҳукуматида билан ҳисоботида вилоят маркази асосий темир йўл магистралидан четда қолаётганлиги, бу эса унинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этаётганлигини кўрсатиб, Файзиобод разъезидан Скобелевгача бўлган 22 верст масофага рельс ётқизиш, шаҳарни асосий темир йўл магистралига қўшишни таклиф қилган<sup>158</sup>. Лекин, подшо ҳукумати бу таклифни рад этади. Унинг ўрнига вилоят марказини қайтадан йирик иқтисодий марказ ҳисобланган Қўқон шаҳрига кўчириш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилади. Вилоят ҳарбий губернатори эса ўз жавобида шаҳарни келажакда кенгайтириш учун Қўқон шаҳри ҳудуди торлик қилишини, вилоят

<sup>155</sup> Завкий. Ажаб замон. Т., 2003, 98-100-бетлар.

<sup>156</sup> ЎР МДА, И-19-фонд. 1-руйхат, 262-иш, 1-варак

<sup>157</sup> Алексеев. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. Т., 1912. С. 2.

<sup>158</sup> ЎР МДА, И-19-фонд. 1-руйхат, 193-иш, 6-варак

марказининг Скобелев шаҳрида бўлиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади<sup>159</sup>.

Вилоят аҳолисининг ҳаётидаги мустамлакачилик сиёсати оқибатида пайдо бўлган кўплаб салбий ўзгаришлар қаторида вилоят худудига темирйўл ўтказилишининг ҳам таъсири бўлган. «Аввал, яъни Андижонга темирйўл ўтказилишидан олдин ўғирлик қотиллик деярли бўлмаган. Темирйўл қурилгач шаҳарда турли хил кўринишдаги салбий воқеалар, тартибсизликлар ва бошқалар ходисалар кўпайган»<sup>160</sup>.

В.И. Масальский ўзининг 1913 йилда нашр қилинган «Туркис-тон ўлкаси» номли китобида Россия империясининг 50 йил ичида мустамлака ўлкада рўй берган ўзгаришлардан фахрланиб, кўчириб келтирилган аҳоли сонининг кўпайганлиги, улар ерлик аҳолига нисбатан яхши яшаётганлиги, темир йўл қурилиши ўлканинг империя манфаатларига хизмат қилаётганлигини кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга у, «Кўплаб туземлар (*ерлик аҳоли - С.Т.*) нафакат, фотография хизматларидан фойдаланмоқдалар, балки клубларда бўлиб, вино, шампан ичмоқдалар»<sup>161</sup>, деб ерлик аҳолига кўрсатилган таъсир натижаларини тасвирлаб берган.

«Туркестанский курьер» газетасида эълон қилинган «Кўқон ҳаёти» номли мақолада аҳоли ўртасида спиртли ичимликларни сотиш, ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш кенг тарқалаётгани тўғрисида маълумот берилиб, унда «ичкиликбозликка қарши маъмурият томонидан ҳеч қандай чора кўрилмаётганлиги»<sup>162</sup> таъкидланади.

Мустамлакага айлантирилгандан кейин Фарғона водийсига ароқ, сигарет маҳсулотлари кириб келиши билан бирга уларни шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Вилоят худудида пиво, ароқ заводлари қурилади. 1910 йилда вилоятда 649 десятина ерга тамаки ўсимлиги экилган. Етиштирилган тамаки ҳосилини барчаси маҳаллий эҳтиёж учун сарф бўлган. Ҳар бир пуд<sup>163</sup> тамакининг нархи 4-5 рубль бўлган. 1910 йилда вилоятда 38418 пуд тамаки етиштирилган<sup>164</sup>.

Фарғона вилоятида тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳволига бағишланган «Русский Туркестан» газетасида эълон қилинган мақолада ҳарбийлар учун тиббий муассасалар ва тиббий ходимлар етарли эканлиги, касалхона, тиббий қисм иш олиб бораётганлиги таъкидланади. Лекин ҳукумат томонидан ерлик аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи ёмонлиги, ерлик аҳолининг умуман бошқа

<sup>159</sup> ҲАР МДА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 9262-иш, 16-варак.

<sup>160</sup> Русский Туркестан 1899, 5 мая, № 49.

<sup>161</sup> Масальский В. И. Туркестанский край. . . С. 341.

<sup>162</sup> Туркестанский курьер. 1914, 23 мая, № 12.

<sup>163</sup> Пуд – калимги рус оғирлик ўлчов бирлиги. 1 пуд 16,3005 кг.

<sup>164</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. Скобелев, 1912 С. 22-23.

шароитда ҳаёт кечираётганлиги кўрсатилади<sup>165</sup>. «1867 йилги «Низом»да ерлик аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш уларни рус ҳукуматига янада яқинлаштиради деб ёзиб қўйилган»<sup>166</sup> бўлса ҳам бу соҳада етарли даражада ишлар амалга оширилмайди.

1914 йил июль ойида «Ферганское эхо» газетасида К. Липинский томонидан ишлаб чиқилган Скобелев ва Марғилон шаҳарлари ўртасида электр энергияси билан ҳаракат қилувчи трансмиссия линияси қуриш лойиҳаси бўйича мақола эълон қилинади. Бу лойиҳа маблағ ажратилмаганлиги сабабли ушбу лойиҳа амалга ошириб қолган<sup>167</sup>.

Юқорида кўрсатилган қурилиш, тиббиёт ва транспорт-алоқа объектларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган баъзи бир чора-тадбирларнинг барчаси чор маъмурлари, ҳарбий қўмондонларнинг манфаати учун қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган истилочилик ҳарбий юришлари натижасида катта ҳудуд ўз мустақиллигини йўқотиб мустамлакага айлантирилди. Ҳарбий йўл билан босиб олинган ҳудудда ташкил қилинган маъмурий-ҳудудий бирлик - Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг таркибида бўлган Фарғона вилояти тўлалигича метрополия манфаатларига бўйсундирилди.

Кўкон хонлиги тугатилгач, асосан унинг ҳудудида ташкил топган Фарғона вилоятида мустамлака подшо Россияси ҳукумати маъмурий-ҳудудий бошқарув соҳасида янгича ўзгаришлар киритган. Хонлик даврида мавжуд бўлган ва ўзбек халқининг асрлар давомида қарор топган анъанавий турмуш тарзига мос равишда шаклланган маъмурий бошқарув тизими ва ҳудудий бирлиги емирилган. Мустамлакачи тузум манфаатларига мос келидиган, ўлка маъмурияти учун айна пайтда ўтроқ ва чорвадор аҳолининг бошқариш учун қулай бўлган янги бошқарув тизими қарор топган ва мустаҳкамланиб борган.

Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида жорий қилинган мустамлакачиликка асосланган бошқарув тартиблари империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама хизмат қилдиришга йўналтирилди.

<sup>165</sup> Русский Туркестан. 1898. 5 октября. № 5.

<sup>166</sup> Русский Туркестан. 1898. 18 ноября. № 24.

<sup>167</sup> Ферганское эхо 1914. № 1.

## ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА САЙЛОВ ТАРТИБЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

### *Маҳаллий идоралар ва уларнинг асосий вазифалари*

Ўрта Осиёда Россия империясининг мустамлакачилик ҳукмронлиги ўрнатилишидан аввал, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий машғулотларига маъмурий-худудий бошқарув тартиблари мавжуд бўлган. Бунда ўтроқ аҳоли оқсоқолликларга, кўчманчи аҳоли эса уруғлари бўлинган. Ўтроқ аҳолининг оқсоқолликларга бирлашувига асосан уларнинг жўғрофий жойлашуви, яъни аҳолининг маълум бир қисми яшайдиган маскан - қишлоқлар асос қилиб олинган. Кўчманчилик эса қариндош-уруғчилик муносабатларидан келиб чиққан ҳолатда уруғларга бирлашганлар.

Ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқ ва даҳалар ёши катта, обрўли ва нуфузли кишилар томонидан кўпчилик овоз билан сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Сайланган оқсоқол бек томонидан тасдиқланган. Оқсоқоллар қўлида бошқарув ва миршаблик ишлари мужассам бўлиб, улар солиқ тўплаш ишларини ҳам бажарганлар. Оқсоқол миршаблик ва солиқ йиғиш ишларини бир қанча кишилар билан бирга олиб борган. Масалан, улар миршаблик ишларини бек томонидан тайинланадиган раислар, солиқ йиғиш ишларини саркорлар билан бирга олиб борган.

Раисларнинг фаолияти диний кўринишда бўлиб, улар аҳолини ҳаж сафарига юбориш, Қуръони карим ва шариат қоидаларига ама қилиниши, ҳамда бозордаги савдо-сотик ишлари, тош-тарози тўғрилигини назорат қилиш билан шуғулланганлар. Шунингдек раис юқорида кўрсатилган ишлар бўйича қоида бузувчиларни ўз жазолаши, оилавий можароларни ҳал қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Сув тақчиллиги минтақада доимий муаммо бўлганлиги сабабли, сувдан фойдаланишни тартибга солиб турувчи маъмурий худудий бошқарув тизими мавжуд бўлган. Минтақадаги қишлоқ хўжалигининг тузилмаси ва хусусияти кўп жиҳатдан сув тақчиллиги омили билан боғлиқ бўлган. Сув ва ер етишмаслиги улар тақсимоти устидан жамоат назоратининг зарурлигини таъкид қилган ва бу ижтимоий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатган. Бундай тузилмада сувнинг тақсимланишини кузатиб турувчи шахс алоҳида ва муҳим мавқени эгаллаган. Улар деҳқонлар меҳнатига ҳурмат билан қарашга ва сувнинг адолатли, тенг ҳуқуқли асосда тақсимланишни таъминлаш учун маънавий кадриятларни ўзларига сингдирган кишилар бўлган.

Кўчманчи аҳолининг маъмурий-худудий бошқарув тизими наслдан-наслга мерос бўлиб сақланиб қоладиган манаф, султон ва бий каби лавозимдаги кишилар томонидан бошқарилган. Уруғ бошлиқлари қўлида бошқарув, суд ва миршаблик фаолиятини олиб бориш ишлари ҳам мужассам бўлган. Манаф, султон ва бий

лавозимидаги киши вафот этса, унинг ўрнини ўгли ёки бирорта яқин қариндоши эгаллаган. Баъзи ҳолларда, яъни уни меросхўри бўлмаса ёки мазкур шахс бу лавозимга нолайиқ деб топилса, у ҳолда уруғнинг ёши катта ва обрўли кишилари йиғилиб янги уруғ бошлигини сайлаганлар. Янги сайланган уруғ бошлиғи бек томонидан тасдиқланган. Булардан ташқари тўғоч лавозими ҳам мавжуд бўлиб, у фақат миришаблик ишлари билан шуғулланувчи меросий бўлмаган лавозим ҳисобланган.

Бу хусусида В.И. Масальский ўз пайтида қуйидагича таъкидлаган эди: «Қирғизларнинг бутун ҳаёти урф-одат бўйича бошқарилади. Уруғ қирғизларнинг ижтимоий, хўжалик ва сиёсий ҳаётида муҳим роль эгаллаб, уруғ бошлиқлари ўз аъзоларини ҳимоя қилади, уларнинг қонунбузарлик ишлари учун жавоб беради, уруғ аъзолари учун қасос оладилар»<sup>168</sup>.

Кўчманчи аҳолининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ўзининг тарихий кўринишидаги бошқарув қоидалари, яъни одат<sup>169</sup> бўйича тартибга солиб турилган. Одат қонунлари бўйича одамлар ўртасидаги барча ўзаро муносабатлар, жумладан иқтисодий, ер ва сувдан фойдаланиш, маънавий ва ахлоқий ҳаётнинг барча томонлари, оилавий масалалар тартибга солиб турилган. Одат – миллий-анъанавий кадрият ҳисобланиб, отадан болага, аилоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган, ёд олинган қонун қоидалар мажмуасидир. Одат қонун-қоидалари ислом динигагина мавжуд бўлиб, у кейинги даврларда, асосан, ислом дини қоидалари тўлиқ етиб бормаган кўчманчи турмуш тарзида ҳаёт кечириладиган аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Одат қоидаларида энг биринчи ўринга жамоа манфаати ва кўпчилик тақдири қўйилади.

Подшо ҳукумати томонидан, асосан, Фарғона водийсини ўнда бирлаштирган Кўкон хонлиги тугатилгандан сўнг ушбу минтақада асрлар давомида шаклланиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалар билан чамбарчас боғланиб кетган маҳаллий бошқарув тизими режали равишда, империя манфаатларидан келиб чиқилган ҳолда ўзгартирилди.

Фарғона вилоятининг туб жой аҳолиси Россия империясининг мустамлакачиликка асосланган маъмурий-худудий бошқарув тизимига киритилади. Бунинг натижасида туб жой аҳолининг тарихий бошқарув қоидалари ўрнига империя ва унинг мустамлакаларига мос равишдаги тартиб-қоидалар жорий қилинади. Босиб олинган худудлар маъмурий-худудий жиҳатдан бўлинишида энг аввало осон ва қулай бошқариш, назорат қилиш, солиқ ва тўловлар тўлиқ йиғиб олиш, кўчманчи аҳолининг уруғчилик муносабатларини тугатиш, ўтроқ аҳолида катта мулкдор, ҳурмат ва обрўга эга кишилар, диний уламолар, уруғ бошлиқларини мавқеига зарба беринч назарда тутилган. Бундай йўл тутишга бир қанча сиёсий ва иқтисодий сабаблари бўлган. Биринчидан, кўчманчи аҳолининг маҳаллий-маҳаллий, уруғчилик асосидаги бирлашмалар, яъни

<sup>168</sup> Масальский В.И. Туркестанский край... С. 378.

<sup>169</sup> Одат – арабча «анъана» деган маънони билдиради.

уруғларнинг саклаб қолиниши ўлкадаги империя манфаатларига зид келар эди. Иккинчидан, кўчманчи аҳоли уруғлари жуда кўп миқдорда турли ва катта ҳудудларда жойлашганлиги учун уларнинг бошқариш катта иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар туғдиради эди.

Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида дастлаб ўтроқ аҳолида хонлик давридаги ҳукмдорларни, кўчманчи аҳолида эса султон ва уруғ бошликларини йўқ қилиш вазифаси билан турган<sup>170</sup>. Шундан келиб чиқиб дастлаб туб жой аҳолисининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида шарият қонунчилиги асосида фаолият олиб борадиган, аҳоли томонидан катта ҳурмат ва эътиборга эга қозикалон лавозими тугатилади.

Фарғона вилоятида «Туб жой аҳоли бўлган ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт тарзида кун кечирадиган халқ оммаси шарият ва одаққоидалари асосида иш кўрадиган кишиларга катта ҳурмат ва ишонч билдирган. Бу ерлик аҳолининг ўзига хос маънавий хусусияти ҳисобланган. Босиб олингандан кейин бу маънавий хусусиятга зарба берилди. Лекин рус ҳукумати қозиларнинг олий даражадаги раҳбари бўлган қозикалон лавозимини қайтариб бермайди. Чунки бу рус қонунчилигига тўғри келмайди»<sup>171</sup>.

Мустамлакачи ҳукумат томонидан босиб олинган ҳудудларда маҳаллий бошқарув соҳаси бирданига тўлиқ ўзгартирилмади. Чунки, «Империя ҳукумати ислом анъаналарига очиқдан-очиқ қарши чиқишни хоҳламаган. Лекин уни келажакда кенг ёйилишини чеклаш мўлжаллаган»<sup>172</sup>. Бирданига бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар ўлкадаги империя манфаатлари учун кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги инobatга олинади. Шунинг учун ерлик аҳолининг турмуш тарзи, маҳаллий шарт шaroитлари билан тўлиқ танишиб, ўлкани бошқариш учун етарли даражада куч-қудратга, ўзларига ишончли кишиларга эга бўлгунча ҳамда озодлик учун курашлар бартараф этилмагунча, умуман ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олинмагунча истило қилинган ҳудудларда хонлик давридаги қуйи бошқарув тизими чекловлар, каттиқ назорат остида сақлаб қолинади. Шу билан бирга подшо ҳукумати ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида «ҳали ишончли солиқ йиғувчи ва текширадиган органи бўлмаган»<sup>173</sup> лиги учун ҳам бошқарув тизимини тўлиқ ўзгартира олмаган.

Россия империяси босиб олинган ҳудудларда энг аввало мустаҳкам ўрнашиб, уни Россиянинг ажралмас бир қисмига айлантириш учун империя тартибларини жорий қилиб, ерлик аҳолини бошқариш, улар билан барча соҳалардаги муносабатларни тезроқ йўлга қўйишга ҳаракат қилган. Чунки ўлкадаги сиёсий, иқтисодий ва геополитик манфаатларни амалга ошириш учун би-

<sup>170</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония ... С. 45.

<sup>171</sup> Русский Туркестан 1899. 15 января. № 6.

<sup>172</sup> Буркетбаева А.Ж. Роль татарских мулл в Казахстане (конец XVIII - начало XX вв.) // Сборник материалов научно-практической конференции «Система мусульманского религиозного образования у татар: история, проблемы, перспективы». - Казан, 2005. С. 39.

<sup>173</sup> Отчет ... К.К. Палена. Сельское управление. Русское и туземное. С. 6.



ринчи инъбатда юкоридан куйи органларгача бошқарув тизими тарур бўлган. Шундан келиб чиқиб энг аввало мавжуд маҳаллий тартиб-қондалар, бошқарув усулларини ўз манфаатларига хизмат қилдиришга ҳаракат қилинди. Империя манфаатларидан келиб чиқиб бошқарув соҳасини ташкил қилишга эҳтиёткорлик ва узоқни кўзлаган ҳолда киришилган. Иккинчидан, қурол кучи, босқинчилик билан билан босиб олинган ҳудуд аҳолиси кўз ўнгидан уларнинг душманлик, босқинчилик билан кириб келган жараёнлар хали кўзга кўринаётган эди.

«Мустамлакага айлантирилган ҳудудларни империя тартибларига яқинлаштириш учун подшо ҳукуматига энг аввало мажистларга ўқитувчилар, судларга судьялар, аҳоли билан муносабатларда мулоқотда бўладиган маъмурият вакиллари керак бўлган. Бундан ташқари, аҳолини кўпроқ ўрганиш лозим. Шуларни инъобатга олган ҳолда иш олиб борилиши керак»<sup>174</sup> лигига амал қилинди.

Шундан мустамлака ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг аввало уездларга, уездлар волостларга, волостлар ўтрок аҳоли яшайдиган ҳудудларда кишлокларга, кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда эса овулларга бўлинди. Бошқарув тизимининг куйи босқичида волост бошлиғи, кишлок оқсоқоли, овул бошлиғи, халк судьялари ва уларнинг ёрдамчилари, ариқ оқсоқоли, мироб, ўнбоши, мажистлар каби лавозимларда ерлик аҳоли вакиллари иш олиб боришди. Баъзи бир лавозимларга жамоа томонидан сайлаш ва баъзан билан йўли билан ишга олинган. Куйи бошқарув тизими вакилларининг мажбурият ва бурчлари қабул қилинган махсус «Низом» лар қилинган, йўриқномаларда<sup>175</sup> кўрсатилган. Жумладан, 1867 йилги «Низом» лойиҳа асосида ўтрок аҳоли бир босқичли тизим шаклида оқсоқоликларга, кўчманчи аҳоли эса икки босқичли тизим шаклида волост ва овулларга бирлаштирилади. Ҳар бир оқсоқолик 100-200 хонадон, овул 100 - 200 ўтов, ҳар бир волост эса 1000-2000 ўтовдан иборат бўлиши белгиланган<sup>176</sup>. Бу йўл билан мустамлакачи ҳукумат кўчманчи аҳолининг тарихий ҳудудий бўлинишига зарба бермоқчи бўлган. Чор Россияси босқинчи қадрларидор (кўчманчи) аҳоли миқдор ёки ҳудуд жиҳатдан эмас, балки уруғчилик асосида бўлинган эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ҳукумат томонидан жорий қилинган янги тартиблар кўчманчи аҳоли катта уруғларининг маъмурий жиҳатдан турли маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга, яъни волост ва овулларга бўлиниб кетишига олиб келди. Бу билан кўчманчи аҳоли йирик, уюшган уруғ жамоаларининг марказий ҳукуматга қаршилик кўрсатиш эҳтимоли,

<sup>174</sup> Руссия Туркестан, 1899, 29 январь, № 12.

<sup>175</sup> Проектное положение об управлении Туркестанской области 11 июля 1865. СПб., 1867. Проект временного положения об управлении в Семиреченской и Сыр-Дарьинской областях. СПб., 1867. Проект временного положения об управлении Туркестанским краем. СПб., 1874. Положение об управлении Туркестанского края 11 июля 1886 г.). СПб., 1888. Положение об управлении Туркестанского края с разъяснениями Правительствующего Сената. Т., 1916. Инструкция о правах, обязанностях и круге действий сельских старостиних лиц. Т., 1908 ва бошқалар.

<sup>176</sup> Проектное положение об управлении Туркестанской области ... 11 июля 1865 СПб., 1867, С 289

хавфи йўққа чиқарилди<sup>177</sup>. «Шундай қилиб, кўчманчи қирғизларнинг уруғчилик муносабатлари қонуний жиҳатдан тугатилади»<sup>178</sup>.

Кўчманчи аҳолининг бир овулдан иккинчи овулга ёки бир волостдан бошқа волостга ўтиши жамоа қарори билан овул ёки волост бошлиғи хабардорлигида рухсат берилган. Бутун бошлиқ овулнинг бир волостдан иккинчи волост таркибига ўтиши уез бошлиғи рухсати билан амалга оширилган<sup>179</sup>. Утроқ аҳолининг қишлоқ жамоалари қишлоқ оқсоқоли, кўчманчи аҳолининг овуллари овул бошлиқлари, волост жамоалари волост бошлиқлари томонидан бошқарилган. Ушбу лавозимларнинг ҳар бириг иккитадан номзод сайланиб, иккинчиси унинг ёрдамчиси ҳисобланган.

Қишлоқ оқсоқоли - жамоани бошқариш, яъни уни маъмурий хўжалик ва ижтимоий бошқаришда масъул киши ҳисобланган. Оқсоқол ўша жамоанинг энг ишонган кишиси, ўз жамоаси номидан иш олиб борадиган вакили бўлган. Қишлоқ оқсоқоллигига ҳар томонлама билимли, тажрибали, аҳоли ўртасида обрўли кишилар ўша жойнинг шарт-шароити, жўғрофий ўрни, йўллари, ирригация тармоқларини яхши биладиган шахс сайланган. Қишлоқ оқсоқоли жуда масъулиятли вазифа ҳисобланиб, улар қишлоқ аҳолисининг ҳаётига жавобгар бўлган.

Кўкон хонлиги даврида оқсоқоллар савдо, алоқа йўллари ва ирригация тармоқлари устидан назорат ишларини олиб борган. У бекдан зарур топшириқни олган, бекнинг кўшинга алоқадор бўйруқларини бажарган, тозалик ва ободончилик ишларини кузатган солиқлар ўз вақтида тўпланишини назорат қилган.

Хонлик даврида оқсоқол ҳарбий мудофаа вазифаларини ҳам бажарган. Оқсоқолларнинг ҳарбий, хавфсизлик соҳалардаги фаолиятлари мустамлака даврида бошқача кўриниш касб этди. Яъни оқсоқоллар эндиликда туб жой аҳолисининг мустамлакачиларга қарши ҳаракатларини уюштиришда, уларга бошчилик қилишда фаол иш олиб боровчи раҳбарларга айланганлар.

Оқсоқол жамоанинг ички ишларини ҳал қилишда ҳам муҳим ўрин тутган. У тўй маросимлари, ҳар хил аҳоли ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилган. Оқсоқол ҳашар каби оммавий тадбирлар кунини белгилаб, уни уюштирган. Камбағалларга жамоа маблағи ҳисобидан қишлоққа тегишли дарахтзорлардан фойдаланиб, ҳашар йўли билан уйлар қуриб берилишини ташкил қилган. Оқсоқолсиз бирор бир тўй, маросим, тантана, тадбир ўтказилмаган. Оқсоқоллар алоҳида имтиёзлардан фойдаланмас, шахсий қўриқчиларга эга бўлмаса-да, уларнинг ҳар бир сўзи жамоа аъзолари учун бажарилиши шарт бўлган.

<sup>177</sup> Чунки қорвадор аҳоли ўз уруғ бошлиқлари атрофида уюшиб, мустамлакачиларга қарши кўзғолоқ кўтариши тарихдан маълум ходиса ҳисобланади. Қоток жузлари подшо Россияси томонидан бўйсундирилгач, Султон Кенесари Қосимов (1802 - 1847) бошчилигида 1837 - 1847 йилларда кўзғолоқ кўтарилган. Чоризи маъмурлари бундай кўзғолоқлар Фарғона водийсида ҳам кўтарилишидан қўрқинган.

<sup>178</sup> Отчет ... К.К. Палена. Сельское управление: Русское и туземное. С. 9.

<sup>179</sup> Временное положение об управлении Туркестанского области. 11 июль 1865 СПб., 1867. С. 289.

Хонлик даврида оқсоқоллар сайлов муддатини беклар шикдаги. Сайланган оқсоқолларни беклар тасдиқлаган. 1867 йилги «Низом» лойиҳасига мувофиқ эса сайланган оқсоқоллар 3 йил муддатда фаолият олиб боришлари белгилаб қўйилган.

Қишлоқ оқсоқолининг хизмат мажбуриятлари - қишлоқ йиғинини чакириш, тарқатиб юбориш, жамоага тегишли ерларни назорат қилиш, йўл, кўприк ва бошқа иншоотларнинг созлигини текшириш, жойларда тартибни сақлаш, ирригация ва божхона бошлиқларига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам бериш, йўл чеккаларига кўчат экиш ва уларга қараган<sup>180</sup>. Булардан ташқари у аҳолини турли хавфлардан ҳимоя қилиш, дайди ва қочоқлар ҳақида унга бошлиқларига хабар бериш, фавқулодда ҳолатларни (ёнгин, сув тошқини, касаллик, чорва моллари қирилиши) олдини олиш, бу тўғрисида волост бошлиғига хабар бериш каби вазифаларни бажарган.

Оқсоқоллар аҳолидан солиқларни асосан экинзорларда ҳосил олиниб-териб олингандан кейин тўплаганлар. Солиқларни тўплаганларга махсус чек (квитанция) берилган ва солиқни волост бошлиғига топширганлар. А. Писарчикнинг маълумотида оқсоқолларнинг вазифаси аҳолидан турли солиқларни йиғиш бўлган. Бунда унга 20 миршаб ёрдам берган.<sup>181</sup>

Қишлоқ оқсоқоллари меҳнат мажбуриятларидан озод этилган. 1912 йилдаги «Низом» лойиҳасида оқсоқолларга миршаблик ҳуқуқи берилади. Унда кўрсатилишича, оқсоқоллар «кичик қонун бузарлик учун 1 рублгача жарима солиш ёки айбдорни икки кунгача қамаб қўйиш» ҳуқуқига эга бўлган. Оқсоқол ўз навбатида меҳнат мажбуриятини бажарувчиларнинг рўйхатини тузган ва уларни бажариш навбатини белгилаган<sup>182</sup>.

Қишлоқ оқсоқолари тўғрисидаги йўриқнома (инструкция)да қишлоқ оқсоқоллари вилоят маъмуриятини жойлардаги ишончли нақили, подшо ҳукуматида жойлардаги аҳвол тўғрисида маълумларини етказиб берувчи кишилар бўлиши керак бўлган. Бироқ уларнинг маҳаллий бошқарув тизимида жорий қилинган тартиблар қўйилган натижани бермади ва бу соҳадаги кўзлаган мақсадлари тўлиқ рўёбга чиқмади. Ерлик аҳолининг миллий хусусиятларига асосланган бошқарув тизимини мустамлака бошқарув тизимининг бир қисмига айлантириш режаси амалга ошмади.

Бу даврда мустамлакачи ҳукуматнинг маҳаллий бошқарув соҳасидаги режалаштирилган чора-тадбирлари ерлик аҳоли тўмонидан тўлиқ қабул қилинсагина қўйилган натижаларга эришиш мумкинлигини тўлиқ тушуниб етмади ёки тушуниб етса ҳам бу тадбирларни улар мажбуран ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлишди.

Волост бошлиғи уч йил муддатга сайланиб, 1867 йилги «Низом» бўйича йилига 300 рубль миқдорда маблағ билан

<sup>180</sup> Инструкция о правах, обязанностях и круге действий сельских должностных лиц. Т., 1908. С. 17.

<sup>181</sup> История Коканда. Т.: Фан, 1984. С. 9.

<sup>182</sup> УшМДА. И-1-фонд. 27-руйхат, 1739-иш, 32-варак.

таъминланиши кўрсатилади<sup>183</sup>. Волост бошлиғи иш фаолияти давомида уез бошлиғи томонидан бериладиган бронза нишонини тақиб юрган. Уларнинг ҳар бири ўз муҳрига ҳам эга бўлиб, нишон ва муҳрнинг шакли генерал-губернатор томонидан белгиланган. Нишон ва муҳр ўлка маъмурияти маблағи ҳисобидан тайёрланган. Фаолият олиб боришни тўхтатганлар нишон ва муҳрни уез бошлиғига ўзидан кейинги киши фойдаланиши учун топширган. Волост бошлиғи ўз волостида бошқарув ва полиция ишларини олиб борган. Волостдаги аҳолини тинчлиги, солиқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини назорат қилган. У волост бўйича уезд бошлиғини барча топшириқларини бажарган. Волост бошлиғи халқ судлари томонидан чиқарилган ҳукмларни ижросини таъминлаган. 1867 йилги «Низом»да волост бошлиқлари содир этилган тартиббузарликлар бўйича ерлик аҳоли вакилларини 3 кунгача қамоқ ва 3 рублгача жарима солиши мумкин бўлган. Бу жарималам уезд бошлиғига топширилган. Волост бошлиғига волостдаги қишлоқ оқсоқоллари, овул бошлиқлари бўйсунган. Кўчманчи аҳоли ёзда кўчиб борган ҳудуддаги жорий қилинган тартибларга бўйсунган. Солиқ ва тўловлар эса ўзларининг жойлари ҳисобидан қолган.

Волост бошлиқлари ўзига тегишли волостдаги қишлоқ оқсоқоли, овул бошлиғи сайланадиган қишлоқ ва овул йиғинларидан иштирок этиши, қишлоқ жамоалари бўйича уй эгалари рўйхатига эга бўлиши, жамоага янги келган ва кетганларни аниқлаб бориши ҳар бир овулдаги ўтовлар сони кўрсатилган рўйхатга эга бўлиши керак бўлган.

Волост бошлиқлари ўз фаолиятлари давомида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга, келгуси уч йилликка ҳам сайланиш учун ўз сайловчиларига ён босишга мажбур бўлганлар. Бу тўғрисида ўлкада тафтиш ўтказган сенатор К.К. Пален шундай ёзган эди: «...сайловчилар билан қарама-қарши бўлиш, уларнинг нафақат келгуси уч йилликка сайланишларига таъсир кўрсатиши, балки уларни ўз лавозимларидан четланишлари ва судга берилишларига сабаб бўлган»<sup>184</sup>.

«Волост бошлиғини сайлаш тартиби жорий қилингандан кейин улар рус ҳукуматига эмас, балки сайлов натижаларини ҳал қиладиган сайловчилар манфаатларини ўйлайдиган бўлдилар»<sup>185</sup>. Волост бошқарувчисини ерлик аҳоли «мингбоши» деб атаган. Қуз пайтида волост бошлиғи оқсоқол ва уезд бошлиғи тайинлаган вакил билан бирга хирмон миқдорига қараб чамалаб кўриб, солиқ миқдорини белгилаган. У солиқ миқдорини белгилаш вақтида маҳаллий аҳоли вакиллари манфаатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган.

Бу даврда маҳаллий бошқарувга сайланган овул бошлиғининг вазифалари «Низом» лойиҳасига мувофиқ қуйидагича бўлган:

<sup>183</sup> Временное положение об управлении Туркестанской области. 11 июля 1865. СПб., 1867. - С. 291.

<sup>184</sup> Отчет... К.К. Палена. Сельское управление: Русское и туземное. С. 107.

<sup>185</sup> Русский Туркестан. 1898, 30 октября. № 16.

аҳоли вакиллари ўртасида ер ва сув масалалари бўйича торти-  
бувларни ҳал қилиш; аҳолининг овулдан кўчиб кетиши ва кўчи-  
б келиши жараёнини ёзиб бориш ва рўйхатини тузиш; волост  
бошлиғи томонидан белгиланган солиқ ва тўловлар рўйхатига эга  
булиш; овулдаги оилалар сони ва уларнинг машғулоти бўйича  
рўйхатга эга бўлиш<sup>186</sup>.

Овул бошликлари аҳолини кўчиш вақтида кузатиб бориши,  
овул бошлиғига қанча ўтов эгалари кўчаётганлиги, улардан қанчаси  
овулдан чиқиб кетаётганлиги тўғрисида маълумот бериши, волост  
бошлиғига барча солиқ ва мажбуриятлар рўйхатини, келгуси уч  
йилликка волост сайловчиларининг ҳар бир овуллар бўйича ўтов  
эгалари рўйхатини тайёрлаши ва уни волост съездига тақдим этиши,  
овулдан кўчиб келган ва кўчиб кетган ўтовлар сони тўғрисида  
маълумотларни тайёрлаш, халқ судьяларининг съездига айбдор ва  
гуноҳдорни иштирок этишини таъминлаш каби вазифаларни  
бошқаришлари кўрсатилган<sup>187</sup>.

Овул бошликлари аҳоли томонидан ёзилган аризаларни халқ  
судьяларига, махсус судлар чиқарган ҳукмлардан норози бўлиб  
ёзилган аризаларни эса халқ судьяларининг волост съездига  
тақдим этиш учун қабул қилганлар.

Маҳаллий бошқарув вакиллари ўртасида элликбоши алоҳида  
таъин этилган. Элликбоши - қишлоқ йиғинида сайланган,  
қишлоқ жамоасидаги 50 та хўжаликка бошчилик қилган. Бу миқдор  
дан ортиқ ёки кам ҳам бўлиши мумкин бўлган. Баъзи  
қишлоқларда фақат элликбоши бўлган. Ҳар бир маҳаллада  
элликбоши сайланган. А.Писарчикнинг маълумотига қараганда XX  
асрнинг бошида Кўкон уездида 140 та элликбоши бўлган<sup>188</sup>.

Босиб олинган ҳудуддаги шаҳарлар даҳаларга бўлиниб,  
уларнинг сони ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Ҳар  
бир даҳани аҳоли томонидан сайланган оқсоқол бошқарган. Шаҳар  
оқсоқоллари полиция ишларини волост бошликларига полиция  
ишларини олиб боришда берилган ваколатлари бўйича амалга  
оширган.

Бошқарувнинг қуйи бугини вакилидан волост бошликларига  
йилига 500 рубль, унинг ёрдамчисига йилига 200 рубл, котиб  
ишарларга йилига 30 - 40 рубль маблағ ажратилиши белгиланган.  
Оқорида кўрсатилган маблағлар керакли эҳтиёжлар учун анча  
амалик қилган<sup>189</sup>. Ўтроқ аҳоли волостларидаги котиблар йилига 50  
- 100 рубль олган, кўчманчи волостлардаги котибларга эса йилига  
200 - 240 рубль, айрим ҳолларда 300 рубль берилган, холос. Волост  
бошлиғи ўзига котиб ёллаган<sup>190</sup>.

Баъзи ҳолларда йиллик маош 300 рублгача етган, лекин улар  
овулдан отлари учун ем-хашак сотиб олишга ҳамда коғоз, қалам

<sup>186</sup> Ойеет ... К.К. Палена. Сельское управление. Русское и туземное... С. 107

<sup>187</sup> У.П. МДА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 1739-иш, 32-варақ

<sup>188</sup> История Коканда... С. 9

<sup>189</sup> Ойеет ... К.К. Палена. Сельское управление. Русское и туземное... С. 105

<sup>190</sup> У.П. МДА, И-276-фонд, 2-рўйхат, 5-иш, 4-варақ

олишга ишлатганлар. Йигитлар (жигитлар) эса йилига атиги 100-150 рубль маош олган<sup>191</sup>. Улар бу пулдан ижарада турган жой учун, оти учун ем-хашак олишга ҳам сарфлаганлар. Бунда харажатларга кетадиган пулни унинг маошидан чиқариб ташланса уларга бор-йўғи 40 - 60 рубль қолган, холос. Шунинг учун ҳам бу хизматчилар фаолиятида кўп ҳолларда пора ва совға олиш эвазига кўшимча маблағ топишга ҳаракат қилган ҳолатлар учрайди.

Қишлоқ оқсоқоллари, овул бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари йилига 40-200 рубль орасида маош олганлар. Еттисув қирғи овулларида энг кам маош белгиланиб, овул бошлигининг маоши йилига 90 рублдан ошмаган, Сирдарё вилоятидаги овул бошлиғи йилига 120 - 200 рубль олган. Қишлоқ оқсоқоли ва овул бошлиқларига котиб ёллаш ва қоғоз, қалам сотиб олиш учун ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Улар бу маблағларни ўз ёнларида сарфлаганлар.

Қишлоқ оқсоқоли солиқ тақсимлаш ва йиғиш вақтида йилига котиб учун 50-80 рубль сарфлаган. Овул бошлиғи эса котибга ҳақини доимий равишда тўлаб, ундан фойдаланган. Оқсоқолларнинг ёрдамчилари деярли бир хил маош олиб, қоғоз қалам учун пул сарфламаганлар.

Маҳаллий бошқарув вакилларининг ёши «Низом» лойиҳасида 25 ёшдан, «Дашт «Низом» лойиҳасида эса 35 ёшдан катта бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бошқарувда иштирок этаётган ерлик аҳоли вакилларининг саводи ва маълумоти тўғрисида бошқа ҳеч қандай кўрсатма берилмайди. Лекин халқ судьялари эса албатта бирорта рус ўқув муассасини тугатган бўлиши кераклиги тўғрисидаги изоҳ, аслида чеклов киритилган.

Бошқарувнинг қўйи бўғинида иштирок этаётган ерлик аҳоли вакилларининг фаолиятлари 1867 йилги «Низом» лойиҳасининг 127 бандида асосида «бошқарувдаги садоқатли ва фойдали хизматлари учун маҳаллий ва «ҳарбий-халқ» бошқарув вакиллари фахрий фукоро, медал, орден, чопон, пул мукофотлари билан ўлка ва вилоят бошлиғи кўрсатмаси билан тақдирланиб турилган»<sup>192</sup>.

Бу даврда туб ерлик аҳоли вакиллари иштирокида қуйидаги жамоат органлари фаолият олиб борган: волост йиғилиши, қишлоқ йиғини, фавкулудда йиғин, оқсоқоллар кенгаши, хусусий йиғин, алоҳида съездлар.

Маҳаллий бошқарув тизимида «Оқсоқоллар кенгаши» муҳим аҳамият касб этган. Оқсоқоллар кенгашига қишлоқ жамоасини назорат қилиш вазифаси юкланган бўлиб, уларнинг таркиби қишлоқ йиғинида сайланган. Кенгаш низоларнинг олдини олувчи, жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи бўғин ҳисобланган.

Оқсоқоллар кенгаши ҳашарларни ташкил этиш, жамоа учун керакли маблағлар йиғиш, тўй, ер-сув, ижтимоий турмуш ва бошқа масалаларда вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш билан

<sup>191</sup> Отчет... К.К. Палена. Сельское управление. Русское и туземное... С. 105.

<sup>192</sup> Временное положение об управлении Туркестанской области. 11 июля 1865. СПб., 1867. С. 293.

туғулган. Кенгаш кишлоқ турмушига оид муҳим қарорлар чиқарган. Кенгаш таркибига оқсоқол, мироб, ёши улуғ кишилар кирган. Кенгаш аъзолигига номзодлар кишлоқ йиғини томонидан муҳокама қилиниб, очиқ овоз бериш йўли билан сайланган. Кенгашнинг бирор аъзоси кексайиб ёки касал бўлиб қолганда унга муносиб номзод топилсагина, бу аъзо алмаштирилган. Кенгаш мажлиси чойхона, масжид, меҳмонхоналарда ўтказилган, ёз йилларида боғларда ва ҳовуз атрофидаги супаларда ўтказилган. Кенгаш аъзолари моддий жиҳатдан рағбатлантирилмаган. Кенгаш қарорлари жамоа учун қонун ҳисобланган, уни бажармаганларга қишлоқ йиғинида тегишли чоралар кўрилган. Кенгаш йиғилишини оқсоқол бошқарган. Кенгашда қишлоқлар ўртасидаги низолардан қайиб, жамоа ичидаги кичик масалаларгача кўриб чиқилган.

Қишлоқ жамоаси аъзолари ўртасида қишлоқ кенгашининг қирғин катта ва обрўси баланд бўлган, бунга улар кўриб чиққан масалаларнинг қишлоқ ҳаёти учун муҳим даражада эканлиги асосий сабаб бўлган. Шунинг учун кенгашда кўриладиган масалалар ўшёрлик билан қараб чиқилган.

Ерлик аҳолида қишлоқ, овул йиғинлари, волост съездлари асосий бошқарув органи ҳисобланган. Бу йиғин ва съездлар тартибига Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийси туб қишлоқлари учун кўшимча яна икки турдаги йиғилиш ўтказиш белгиланган. Булар ўтрок аҳоли учун «хусусий йиғин»лар, Кучманчи аҳоли учун «алоҳида съезд»лар бўлган.

Қишлоқ йиғини қишлоқ жамоасини бошқариш ва унга раҳбарлик вазифаларни ҳал этган. Қишлоқ йиғини томонидан жамоа ишларини бажараётган кишиларга ҳақ тўланган, улар озик-овқат билан таъминлаб турилган. Буларга оқсоқол, элликбоши, сартарош, муричи, тўқувчи, подачи, масжид, имоми ва сўфи каби шахслар кирган. Жамоага тегишли бўлган қурилишларни, иншоотларни ва шу каби жамоат ишларини бажарганларга меҳнатига қараб тегишли раҳбарларда ҳақ тўланган ва улар меҳнат қилган вақтларида керакли оқик-овқат билан таъминланган.

Қишлоқ йиғини ўғирлик ва тартиббузарлик қилган ёки бошқа қўрқоқлик ишлар билан шуғулланган кишиларни жазолаш мақсадида, уларни қишлоқдан ҳайдаб юбориш каби жазо чораларини ҳам қўллаган. Ерлик аҳолининг миллий ҳуқуқларида ўз жамоасидан чиқиш, қишлоқдан қувилиш ва бошқа айблари билан жамоа олдида айбдор бўлиш жуда катта жазо ҳисобланган. Шунинг учун ҳар бир киши ўз жамоаси олдида айбдор бўлишдан ўзини сақлаган. Кучманчи аҳоли ўртасида «юртдан чиқсанг ҳам элдан чиқма» деган нақл уларнинг ҳаёт тартибига айланган. Чунки қўлчиликнинг назаридан қолиш, жамоага қўшилмаслик катта камчилик ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бирор кишини қишлоқ ёки овул жамоасидан чиқариб юбориш қазосини қўлланилганлиги камдан-кам ҳолларда учрайди. Бу жазо чоралар учун энг катта ҳазо чораси ҳисобланган ва у ўлимдан ҳам ангра бўлган. Юқорида айтганимиздек, бундай жазога учрашдан

ҳамма ўзини сақлаган. Чунки бундай одамлар бошқа бир жамоага борса, уни бу жамоа томонидан қабул қилиниши, улар билан биргە яшаб кетиши жуда қийин кечадиган ҳолат ҳисобланган.

Қишлоқ йиғинида жамоага янги аъзоларни қабул қилиш ва ундан чиқариб юбориш масалалари ҳам кўриб чиқилган. Жамоада кетаётган киши аввал қишлоқ оқсоқолини огоҳлантириши лозим бўлган. Шундан сўнг қишлоқ йиғини солиқ тўлашдан қарзи борми йўқлигини кўриб чиқиши ва унинг кетиш сабабини аниқлаши керак бўлган. Бирор кишини жамоадан чиқариш ва қабул қилиш кўпчилик овоз бериш йўли билан ҳал қилинган. Агар қабул қилиниши керак бўлган киши ўз жамоасидан ҳайдалган бўлса, ундай кишилар иккинчи жамоа томонидан кўп ҳолларда қабул қилинмаган.

Қишлоқ йиғинида сувдан фойдаланиш, сув иншоотлари содиргани таъминлаш, жамоага қарашли ерлардан фойдаланиш тартибини сув тошқини, сой қирғоқларини сув ювиб кетишининг олдини олиш йўли, ариқ ва сой бўйларига қўчат экиш, меҳнат мажбуриятлари, сув иншоотлари, йўл, кўприк ва бошқаларни қуриш, уларни таъмирлаш уйсиз, етим, ногирон ва қарияларга ғамхўрлик қилиш каби масалалар ҳал қилинган. Буларни ҳал қилиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ йиғини қарорлари жамоа учун сўзсиз ҳал қилинадиган вазифа ҳисобланган. Унинг қарорлари билан оқсоқол ва бошқа амалдорлар ҳам ҳисоблашишга ва бу қарорга сўзсиз амал қилишга мажбур бўлган.

Утроқ аҳолининг қишлоқ йиғинида ҳар бир киши шахсан иштирок этиши ёки ишончли вакили иштирок этиши мумкин бўлган. Бунда муҳим съездга вакил сайланмайди. Солиқ тақсимоти лойиҳасини тузиш учун алоҳида кишилар сайланган. Улар муҳим ёки хусусий съездга солиқ лойиҳасини тасдиқлаш учун тайёрлаб берганлар.

Алоҳида йиғинлар қишлоқда ер солиғи тақсимотининг тузувчиларини сайлаб, ишлаб чиқилган тақсимот лойиҳасини тасдиқлаган.

Хусусий съездларда қишлоқ йиғини каби тартиб жорий этилган бўлиб, фақат унда қишлоқ жамоасига қарашли бўлган қишлоқларнинг обрўли уй эгалари қатнашганлиги билан фарқ қилган. «Дашт Низом»ида бундай хусусий йиғин бўлмаган.

Муҳим съездлар волостлар ўртасидаги ер бўйича низолар ҳал қилиниши имкони бўлмаган ҳолатларда чақирилган. Муҳим съездларда ҳарбий губернатор томонидан тайинланган вакил қатнашган.

Муҳим съездда қатнашадиганлар овул съездларида сайланган. Муҳим съездларда волостлар орасидаги ер билан боғлиқ масалалар ва тортишувлар ҳал қилинган, қишқи манзилгоҳлар тақсимланган.

Кўчманчи аҳолининг овул съездида «Дашт Низом»и бўйича жамоага қарашли ҳамма ўтов эгалари қатнашган. Туркистонни бошқарувига оид «Низом» лойиҳаси бўйича эса, унда барча ўтов эгалари иштирок этган. Йиғинда иштирок этиш имконияти



бўлмаганлар вакил қилиб жўнатган бирорта яқин кишиси орқали шундай бериши мумкин бўлган. Бундай ҳолатлар волост бошлиғи вакилларнинг қайди килинган. Овул съездида овул бошлиғи ёки волост бошлиғи қатнашган.

Волост съездларида ҳар бир овул ёки қишлоқ жамоаларининг ҳар бир 50 хонадон (хўжалик) ёки ўтов бошлиқлари орасидан сайланган вакил, яъни элликбоши қатнашган<sup>194</sup>. Жамоада 25 тадан ортиқ хонадон эгаси ўтов бўлса 1 та вакил қўшилган. Съездда иштирокчиларининг 2/3 қисми қатнашсагина, у ҳақиқий деб топишган. Лекин Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги «Низом» нинг 98, 105, 293-бандларида солиқларни тақсимлаш ҳал қилинаётган бўлса, бу съездларда иштирокчиларнинг ярмидан ортиқ қисми қатнашса ҳам уни ҳақиқий деб, ҳисоблаш кўрсатилади. Бу билан мустамлакачи ҳукумат солиқ тўплаш ишлари кечикиб кетишининг олдини олишга ҳаракат қилган.

Волост съездида волост бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли, халқ судьялари (қозилар ва бийлар)ни сайлаш, маъмуриятнинг куйи лавозимларидаги шахслар - ариқ оқсоқоллари, мироблар, миршаблар ва бошқаларга маош белгилаш, аҳолини сув билан таъминлаш ва унинг сувдан фойдаланишини тартибга солиш, йўллар, кўприклар, турли хўжалик қурилишлари каби масалалар ҳал қилинган.

Волост съездларида волост бошлиғи, халқ судьялари, муҳим съездларга вакилларнинг сайлаш (фақат Еттисувда) билан бирга волост миқёсида хўжалик ва жамоа ишлари ҳал қилинган. Волост съездида овул жамоалари бўйича қишқи манзилгохларни тақсимлаш, овуллар ўртасидаги ер тортишувларини ҳал қилиш, қишқи манзилгохлардан ташқари ерларни 30 йил муддатга ижарага бериш (Еттисув вилоятидаги рус аҳолиси учун), волост ўқув дорларини ташкил қилиш, волост бўйича вакиллар орқали келган арғи ва илтимосларни кўриб чиқиш, солиқ ва мажбуриятларни тақсимлаш ва белгилаш, овуллар бўйича ўтов солиғи ва бошқа йиғимлар тақсимланган. Шу билан бирга волост бошлиғи фаолиятини текшириш, 300 кишидан кам бўлган қишлоқ жамоаларининг маълум бир аъзосини жамоадан чиқариш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш, келгуси 3 йилликдаги ўтовлар сонини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлаш масалалари ҳал қилинган. Волост съездида уезд бошлиғи қатнашган.

Ўтроқ аҳолида кўчманчи аҳолидаги сингари волост съездларида тўлов миқдори белгиланмаган. Чунки ўтроқ аҳоли ўтов миқдори бўйича эмас, балки ер солиғи тўлаганлар. Ўтроқ аҳолида ер ва бошқа йиғимлар овуллар бўйича тақсимланмаган. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли учун жорий қилинган овул съездларида овул бошлиғи, мироб ва муҳим съездга вакилни сайлаганлар; жамоадан баъзи аъзоларни ҳайдаш, аъзоларни жамоадан чиқариш, янгиларни қабул қилиш, қишқи манзилгохларни тақсимлаш, ўтовлар ўртасидаги ер тортишувларини ҳал қилиш, жамоа учун турли тў-

<sup>194</sup> Маджидов С. Взаимоотношения казахов с другими соседними народами Центральной Азии в XVIII - начале XX вв. Алматы: Білім, 1995. С. 120.

ловлар ва йигимлар йиғишни, жамоа аъзолари томонидан ёзилган ариза ва илтимосномаларни кўриб чиқиш, турли ҳаражатлар учун йиғимларни тақсимлаш, маош оладиганларга миқдорини белгилаш каби ишлар кўриб чиқилган.

Юқорида кўрсатилганидек, подшо ҳукумати марказий органлар билан маҳаллий бошқарувни ягона тизим атрофидан бирлаштириш мақсадида улар устидан кучли назорат тизimini ўрнатди.

Утроқ аҳолида қишлоқ йиғинлари, кўчманчиларда эса овуқ сьездлари ва бошқарув органлари бўлган. Волост сьездларида аҳолининг барчаси қатнашган эмас, балки аҳолининг қишлоқ сьездига сайланган вакиллари қатнашган. Вакилларнинг сони ҳар бир 50 хонадондан бир киши қилиб белгиланган. Сьездни ўтказиш учун вакилларнинг 2/3 қисми қатнашиши зарур бўлган. Волост бошлиғи сайланадиган сьездда мустамлакачи ҳукумат вакили бўлган уез бўшлиғи қатнашган. Сьезд «Низом» лойиҳасига кўра, унинг ваколат доирасига ўтроқ аҳоли яшайдиган вилоятларда волост бошлиғи ва миробни сайлаш, муҳим сьездга вакил сайлаш жамоадан нолойиқ деб кўрсатилган кишиларни чиқариб юбориш янги аъзоларни қабул қилиш, жамоадан чиқиб кетаётган ҳар бир кишини барча солиқ ва мажбуриятларини тўлаб кетишини назорат қилиш, вояга етмаганларга васийлик қилиш, васийларни тайинлаш ва улар фаолиятини назорат қилиш каби ишлар кирган.

Дастлаб маҳаллий бошқарув вакиллари билан мустамлакачи ҳукуматнинг юқори органи вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи дастлаб жуда қийин бўлган. Чунки, ҳукуматнинг юқори органи вакиллари маҳаллий тилни ва ўз навбатида маҳаллий бошқарувга сайланган ерлик аҳоли вакиллари рус тилида иш юритишни билмаганлар. Бу нарса ҳукумат вакилларининг ўлка аҳолиси шарт-шароитларини ўрганишларига тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам дастлабки даврда ўлкада мустамлакачиликка асосланган тартиблар тўлиқ амалий тасдиғини топмаган.

XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб подшо ҳукумати вилоятда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олгандан кейин бошқарув соҳасидаги тартибларни кучайтиришдан иборат бўлган сиёсатнинг иккинчи босқичи бошланган. Утган ўн йилдан ортиқ давр мобайнида вилоят ҳаёти ўрганилиб, ерлик аҳолининг турмуш тарзи ва яшаш хусусиятлари билан танишилгач, бошқарувнинг қуйи бўғини мустамлака манфаатларига янада мослаштиришга, уни тўлиқроқ бўйиндиришга жадал киришилган.

Уша давр матбуотида эълон қилинган С. Перешиваловнинг мақоласида ерлик аҳоли вакилларида иборат бошқарув органларининг империя манфаатларига тўлиқ хизмат қилмаётганлиги, уларнинг ҳукумат органлари қаторидан ўрин олмаётганлигига асосий сабаб «рус ҳукумати маҳаллий ҳуқуқий қоидаларни тўлиқ билмаслиги, улар учун ҳалигача номаълумлигича қолинмаётганлиги, уларни ҳозирги кунгача чуқур ўрганишга ва ўзгартиришга ҳаракат қилаётганлиги, улар фаолиятини тўлиқ

назорат қилиш, бошқариш ишлари етарли даражада ба-  
жарилмаётганлигидир»<sup>194</sup>, деб кўрсатилади.

Мустамлакачи ҳукумат томонидан жорий қилинган маҳаллий бошқарув тизими фаолиятига ўлкада тафтиш олиб борган сенатор В.К. Пален баҳо бериб, «Туземларни (*ерлик аҳолини* – С.Т.) ижтимоий ўз-ўзини бошқарувига ўзгартириш киритиш самарасиз бўлди ва рус усули маҳаллий ижтимоий тизимни ўзгартира олмади. Рус ҳукумати органлари билан маҳаллий ижтимоий элементларнинг ўзаро алоқаси факат қоғозда ўрнатилган, холос. Ҳақиқатда эса ўзаро тушунмовчиликлар, баъзи ҳолларда аниқсизликни кузатиш мумкин. Туб аҳолини маъмурий бўлиниши ва ҳудуднинг майда кишлок бирлашмаларга бўлиниши охирги хусусиятга эга бўлиб, у аҳолини ҳўжалик жиҳатдан тўрқландиришига умуман тўғри келмайди»<sup>195</sup>, дейди.

Фирғона вилоятининг ижтимоий ҳаётини ўрганган баъзи тадқиқотчилар ҳам бошқарув тизимининг вилоятдаги ижтимоий тарқалишга яроқсиз эканлигини тан олганлар. Янги жорий қилинган бошқарув тизими билан маҳаллий бошқарув тартиблари ўртасидаги қарам-қаршиликлар мустамлакачи подшо ҳукуматини ижтимоий олоҳотлар ўтказишга ундаган.

Уша давр тадқиқотчиларидан бири В. Юрьев «Амалдаги ерга эгаллик қилиш муносабатларини зудлик билан бекор қилиб, унинг ўрнига замонавий анъаналарга мос муносабатларни жорий қилиш лозим»<sup>196</sup>, деган фикрни билдиради.

Янги жорий этилган бошқарув тизими амал қилинаётган анъаналарга тўғри келмагани учун қонун бузилишлари юзага келгани. Бошқарув тизимининг қуйи бўғини ва подшо ҳукумати ўртасидаги тушунмовчилик натижасида маъмурий ўзбошимчалик билан тайинланган ёки сайловларда адолатсизлик билан кўп овоз олган мансабдор шахсларнинг порахўрлиги вужудга келган ва авж олган.

«Волост бошқарувчиси ўрнини эгаллашга уриниш, - деб ёзади Ф.К. Гирс ўз ҳисоботида, - бир томондан йирик бўлган маош миқдори, иккинчи томондан эса унга бутун волостда солиқ йиғиш ҳукуки берилганлиги билан изоҳланиб, у ноқонуний йиғимларни жуда осон ва кўп миқдорда олиши, тўпланган пулларни ғазнага кеч топириши ва ҳатто уларни яшириб қолиши ҳам мумкин бўлган. Бундан ташқари, волост бошқарувчиси ўзига берилган ҳукукка кўра 3 рублгача миқдорда жарима солиши мумкин бўлган. Унинг бу борадаги фаолиятини, айниқса, кўчманчи аҳоли яшайдиган жойларда назорат қилишнинг мутлақо иложи бўлмаган»<sup>197</sup>, дейди.

Қуйи бошқарув вакиллари томонидан ўз хизмат мавқеларини сунистеъмол қилган ҳолатлар учраб турган. Улар порахўрлик, беригидан ортиқча йиғимлар олиш, аҳолидан йиғилган солиқларни

<sup>194</sup> Русский Туркестан. 1898, 11 ноября. № 21.

<sup>195</sup> Отчет... К.К. Палена... С. 143.

<sup>196</sup> Юрьев В. Кўрсатилган асар. С. 45.

<sup>197</sup> Отчет... Гирса. С. 46.

ўз фойдаларига ўзлаштиришга ҳаракат қилганлар. Тарихчилар Н.Абдурахимова ва Ф.Эргашевларнинг ёзишича, «Бўлис бошқарувчиси ва оқсокол лавозимлари кўпинча кўли эгри кишиларни ўзига тортарди. Бўлис ва кишлоқ маъмуриятига сайловлар кўпинча уларга ўз номзодларини ўтказишга уринувчи турли гуруҳлар ўртасида кескин кураш билан ўтарди»<sup>198</sup>.

Маъмурий-худудий бошқарув тизимининг мазкур куйи бўғини зиммасига волостлар ва қишлоқлардаги тартиб-интизомни назорат қилиш, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш, ер ва сувдан фойдаланиш бўйича жанжалларни ҳал этиш, маҳаллий маъмурий ва суд органларига сайловлар ўтказиш каби ишларни бажариш вазифаси юкланган.

Юқорида подшо ҳукумат томонидан жорий этилган маҳаллий бошқарув тизимини дастлабки пайтларда миллий анъаналар билан кескин қарама-қарши бўлганлиги ҳақида далиллар келтирган эдик. Бундай қарама-қаршилиқ ўлкадаги ер ва солиқ муносабатларида ҳам ўз аксини топди. «Туркестанские ведомости» газетасида бу ҳақда шундай маълумотлар келтирилади: «Бизнинг маъмурларимиз мамлакатни ҳам, одамларни ҳам, хон даврида бу ерда мавжуд бўлган тартибларни ҳам бутунлай билмаслиги учун солиқ масаласи хонлар давридаги сингари муайян даражада эмас. Бизнинг маъмуриятимиз кўлида халқдан йиғиб олинаётган солиқларнинг ҳақиқий миқдори ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Солиқ йиғиш даврида жамоалар ўртасида солиқ пуллари туфайли юзага келувчи баҳсларни ҳал этиш учун маъмурият қозилар ва шариат суди ёрдамига таяниб иш юритди. Бундай ҳолда маъмурият томонидан жорий этилган қонунларни қўллаш бир чеккада қолар эди»<sup>199</sup>.

Маҳаллий бошқарувнинг сунъий равишда жорий этилган шакллари самарасизлиги муаммоси билан дуч келган мустамлакачи маъмурият бундан сўнг анъанавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзига ҳослигини ҳисобга олишга мажбур қилган. Лекин бу борада подшо ҳукумати аниқ амалий чора кўрмайди.

«Туркестанские ведомости» газетасида эълон қилинган мақолада янги ҳокимиятнинг куйи бошқарувнинг анъанавий шаклларига аралашувининг жиддий салбий оқибатлари куйидагича тасвирлаб берилади: «Халққа йиғинлар ташкил этиш ҳукуки берилди, йиғинларга ... муттаҳамлик, ўғирлик қилганлиги учун турмаларда ўтириб чиккан кишилар кела бошладилар. Бу ҳол кўплаб тақводор мусылмонларнинг виждонига тўғри келмади, шариат хозиргача от ўғриси, фирибгар ва ўғрилар билан муомала қилишга руҳсат бермас эди. Шу тарика жамоанинг энг яхши вакиллари йиғинлардан чиқиб кета бошладилар ва жамоат ишларида иштирок этмай қўйдилар.

<sup>198</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: Академия, 2002. 64-бет.

<sup>199</sup> Туркестанские ведомости. 1888, 28 января

Шундай қилиб, йиғинда жамоанинг энг яхши вакиллари қатнашмаганликлари сабабли, у амалда қондалар тўпламини яратган киши ўйлаганидек юксак, мавқега эга бўла олмади»<sup>200</sup>.

Подшо ҳукумати маҳаллий бошқарув соҳасида амалга оширган сиёсати натижасида ўзининг бошқарув соҳасига аралашушни қабул қилинган «Низом» лойиҳалар, йўриқномалар, кўрсатмалар асосида қонуний даражага олиб чиқди. Қонунлар шундай ишлаб чиқилган эдики, бунда мустамлакачи Россия ҳукумати манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинган эди.

Жорий қилинган бошқарув тизими қонунлари ерлик аҳолининг маҳаллий анъаналари асосида ташкил қилингандек кўринса-да, ҳақиқатида унинг замирида мустамлакачилик манфаатларини ҳимоя қилиш, ерлик аҳоли вакиллари иштирок этадиган бошқаруving мустамлакачи ҳукуматга итоат этиши тамойиллари ётади. Бизга мисоллар, Ўрта Осиё халқларида азалдан ҳалол, ақлли, мард ва тўғри сўз одамлар ҳурмат қилиб келинган. Худди ана шу одамлар аҳоли томонидан асрлар давомида расмий равишда сайланмайдиган, тайинланмайдиган, маош олмайдиган жамоат бошқарувчиси (кишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари) лавозимига сайланиб, улар маҳалла, кишлоқ, овул, уруғларни бошқариб келганлар. Одамлар уларни юқорида кўрсатилган хислатлари учун ҳурмат қилганлар, уларнинг гапларига кулоқ солганлар. Мустамлакачи ҳукумат ерлик аҳолининг худди шу нуфузли вакилларини ўз таъсири доирасига тортиш мақсадида ўз назорати остидаги сайлов тизими, қуйи бошқарув тизими лавозимларини қонуний даражада жорий қилди. Чунки, шундай йўл тутмаса аҳоли ичидаги ўша шахслар ҳеч қандай амалсиз, ҳеч қандай ҳужжатсиз, ҳеч қандай расмий-қонуний жавобгарликсиз ерлик аҳолини миллий ва маънавий анъаналар асосида бошқаришни давом эттириши мумкин эди.

Қуйи бошқарув тизимини назорат қилиш уезд бошлиқлари зиммасига юклатилган. Ёттисув вилоятида эса назоратни участка бошлиғи бажарган. Бундан ташқари вилоят бошқармаси ҳам соҳалар бўйича назорат қилган. Буларга жамоа қарорларидан вилоят бошқармасига тааллуқли бўлганларини тасдиқлаш, уезд бошлиғи бекор қилган қарорларни кўриб чиқиш, эгаллаб турган шўюзимига оид жиноятлар (ўз мансабларини суиистеъмол қилиш ва ҳ.к.) содир этган бошқарув вакилларини суд қилишга руҳсат бериш каби ишлар кирган.

Ерлик аҳоли вакилларида иборат қуйи бошқарув фаолиятини мустамлакачи ҳукумат вакиллари қаттиқ назорат қилиши қонуний жиҳатдан «Низом» лойиҳаларида аниқ кўрсатилишига қарамасдан, уларнинг ерлик аҳоли вакилларида иборат қуйи бошқарув фаолиятига ноқонуний равишда аралашуви кўплаб рўй берган. Бундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлган сенатор К.К. Пален, «Баъзи жойларда қуйи бошқарув вакиллари фаолиятига участка

<sup>200</sup> Туркестанские ведомости. 1888. 28 января.

бошлиқларининг аралашуви ноқонуний бўлса-да, улар кўп ҳолларда аралашиб келмоқдалар»<sup>201</sup>, дейди.

Туркистон ўлкасида олиб борган тафтиш ишлари натижасида олинган маълумотлар асосида сенатор К.К.Пален қуйи бошқарув тизими бўйича қуйидаги фикрларни билдириб ўтади:

- ерлик аҳолини Россиядаги қишлоқ жамоаларидаги ўз-ўзини бошқариш тизимига яқинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасиз бўлиб, бу тадбирлар ерлик аҳолининг жамоа бошқаруви тартибларига айтарли даражада ўзгартириш кирита олмади;

- рус ҳукумати органлари билан ерлик аҳоли жамоа бошқаруви вакиллари ўртасидаги боғланиш фақатгина қоғозда ўрнатилиб, ҳақиқатда эса ўзаро тушунмовчиликлар ва ўзаро ишончсизликлар ҳукм сурмоқда;

- ерлик аҳолининг маъмурий-худудий жиҳатдан майда қишлоқ бирлашмаларига бўлиниши номигагина бўлиб, аҳолининг ҳўжалик жиҳатдан бирлашуви кўчманчи аҳоли яшайдиган районларда умуман мос келмайди;

- аҳолини рўйхатга олиш натижаси қониқарсиз аҳволда<sup>202</sup>.

Бундай бошқарув соҳасидаги камчилик ва салбий натижа келтириб чиқарган ҳолатлар умуман подшо ҳукуматининг маҳаллий бошқарув соҳасидаги мустамлакачиликка асосланган ислохотлари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ерлик аҳоли ҳаётининг тараққиётига тўсқинлик қилган.

Ҳукумат вакилларида бири 1892 йилдаги ерлик аҳолининг норозилик ҳаракатларига оид фикр-мулоҳазаларини билдириб, «Албатта бунга кўп жиҳатдан ўзимиз айбдормиз: биз уларнинг ҳуқуқ ва қонунларини ўрганишни истамадик ва ҳозиргача ҳам ўрганмаяпмиз, биз танлаб ўтирмай, тўғри келган кишини уларга бошлиқ қилиб қўймоқдамиз, балки танлайдиган кишининг ўзи йўқдир. Бу ерда биргина вабонинг ўзи айбдор эмас, бу .. поймонани тўлдирган сўнги томчи ... Норозилик аллақачон ортиб, тўпланиб борган эди...»<sup>203</sup>, дейди.

Туркистонга кўчириб келтирилган аҳолининг бошқаруви тизими туб аҳоли бошқарув тизимидан фарқ қилиб, улар алоҳида қишлоқ жамоаларига бирлаштирилган. Бу биринчи навбатда сиёсий эҳтиёткорлик, кўчириб келтирилган аҳолини туб жой аҳолисидан алоҳида, улардан устун қўйиш мақсадида амалга оширилган. Бунда ўлкада жорий қилинган солиқ тизими, суд ишлари, жабр-зулмлар ва қийин шароит таъсирида уларни ёмон аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш назарда тутилган.

Баъзи жойларда кўчириб келтирилган аҳолидан иборат қишлоқларга қўшни бўлган туб аҳоли қишлоқлари кўчириб келтирилган аҳоли волостларига қўшилиб кетган. Бундай

<sup>201</sup> Отчет... К.К. Палена... Сельское управление: Русское и туземное... С. 138.

<sup>202</sup> Отчет... К.К. Палена... Сельское управление: Русское и туземное... С. 142.

<sup>203</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари... 355-бет.

полюстларнинг бошлиғи албатта кўчиб келган аҳолига мансуб кишилар бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоятидаги бошқарув тизимида маҳаллий идораларнинг ўрни ва уларнинг асосий функцияси асрий анъаналарга асосланган эди. Мустамлакачи ҳукумат ўзбек халқи ва бошқа туб ерлик халқларнинг мавжуд бошқарув тартибини ўзгартириш учун қатъий ҳаракат қилса ҳам, ўз мақсадига эриша олмади.

XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий ҳаёт ва бошқарув тартибини таҳлил қилиб, қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

- Фарғона вилоятидаги туб ерлик халқларининг ижтимоий ўзини бошқарув тартиби тарихий асосда маълум жамоавий ва уруғчилик асосида бириктирилган эди;

- ўз-ўзини бошқариш механизми оқсоқолни фикрини ҳурмат қилишдан иборат бўлган. Уруғ бошлиғининг ўрни меросий бўлган. Уруғ бошлиғи олий маънавий фахр ҳисобланган. Унга уруғнинг энг обрўли ва нуфузли, ҳурматга сазовор кишиси сайланган;

- Фарғона вилоятида мустамлакачилик тартибларининг ўриштирилиши билан бирга, Россия империясининг бошқа мустамлакага айланган ҳудудларида амал қилинаётган бошқарув тартибларини вилоятга янгича ва ўзига хос кўринишда жорий қилишга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, бу уруғчилик ерлик аҳолининг тарихий, миллий ва анъанавий урф-одатларининг қаршичилигига дуч келди. Бунинг натижасида мустамлакачи ҳукумат бир қанча қонуналарга ўзгартиришлар киритиб, ерлик аҳоли турмуш тарзига мос келадиган тартибларни татбиқ этишга ҳам мажбур бўлди;

- Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатларининг ўзгариши натижасида аҳолининг ижтимоий таркиби ва ижтимоий муносабатларида ҳам ўзгаришлар рўй берди;

- вилоятда жорий қилинган мустамлака бошқарув тизими билан тарихий-миллий анъаналар асосидаги ўз-ўзини бошқариш тизими ўртасида қарама-қаршиликлар пайдо бўлди ва кучайди.

Маҳаллий бошқарув вакиллари бўлган волост бошлиқлари, кишлоқ оқсоқоллари, овул бошлиқлари ва бошқалар қўллаб муҳим масалаларни ҳал қилишда ерлик аҳолининг халқ орасида ҳурмат қозонган, обрўли кишиларига таянган ҳолда ижтимоий ҳаётни тартибга солиб турганлар.

### *Маҳаллий идораларда сайлов тартиблари ва унинг мустамлакачилик моҳияти*

Кўкон хонлиги даврида Фарғона водийси қуйи бошқарув тизимидаги оқсоқоллар, раислар, бийлар, туғачилар, мироблар, амишлар, солиқ йиғувчилар, имомлар ва шу қаби бошқа лавозимдаги кишилар белгиланган маълум бир сайлов тизими орқали сайланмаган бўлса-да, бу лавозимларга табиий равишда

аҳоли ўртасида халқ орасида ҳурматга сазовор, кенг омма орасида ишонч қозонган кишилар қўйилган. Чунки, бундай лавозимдаги кишиларнинг фаолияти уларнинг одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, жамоага муайян даражада йўлбошчилик хусусиятларига эга бўлган, кўпчилик манфаати учун тўғри иш юритадиган шахс бўлишини тақозо этган. Мустамлака давригача ерлик аҳолининг маҳаллий бошқарув соҳасидаги лавозимларни аниқлаш тартиблари асосан шариат қонунлари, миллий анъаналар ва кўп асрлар давомида шаклланган ёзилмаган қоидалар, урф одатлар асосида амалга оширилган.

Босиб олинган ҳудудларда 1867 йилги «Низом» бўйича оқсоқол, овул ва волост бошлиқлари сайланган. Ушбу лавозимларга судланмаган, тергов қилинмаётган,<sup>204</sup> 25 ёшдан катта ерлик аҳоли вакиллари сайланиши мумкин бўлган<sup>204</sup>.

Волост бошлиғи сайлови аввал ўтказилиб, кишлок оқсоқоли, овул бошлиғи ва волост бошлиқлари лавозимига сайловлар алоҳида бўлиб ўтган. Овул бошлиғи сайловида ҳар бир ўн ўтовдан бир вакил сайланиб, улар, яъни ўнбошилар овул бошлиғи ва ёрдамчисини сайлаганлар. Утроқ аҳолининг ҳар бир ўн хонадон бошлиғидан бир вакил сайланиб, улар кишлок оқсоқоли ва ёрдамчисини сайлаганлар<sup>205</sup>. Ўнбошилар сони белгиланишида хонадон ёки ўтов сони ўнликда бештадан кўп бўлса, уларнинг сонига битта қўшилган<sup>206</sup>. Кишлоқ оқсоқоли ва овул бошлиғи сайловда волост бошлиғи сайлов жараёнини назоратчи ва кузатувчи сифатида қатнашган. Ҳар бир 50 хонадон ёки ўтовдан сайланган вакиллар, яъни элликбошилар иштирокидаги волост съездида волост бошлиғи сайланган. Волостдаги элликбошилар сонини белгилашда улар 25 тадан ортик бўлса, бир вакил қўшилган<sup>207</sup>. Сайланган волост бошлиғи ва унинг ёрдамчиси ҳарбий губернатор, кишлок оқсоқоли ва овул бошлиқларини уезд бошлиғи тасдиқлаган.

Мустамлакага айлантирилган ҳудудларда бошқарувнинг қуйи бўғинида ерлик аҳоли вакилларини саклаб қолиниши энг аввало мустамлакачилар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан. Лекин шунга қарамадан, ўша даврдаги матбуотларда жорий қилинган сайлов тартиблари ҳукумат вакиллари томонидан танқид қилинади. Жумладан, 1886 йилги «Низом» лойиҳаси асосида бошқарувнинг қуйи бўғинидаги лавозимларга ўтказилаётган сайловларда чор ҳукуматига қараганда сайловчилар манфаати билан кейинги сайлов жараёнларида иштирок этиши учун ерлик аҳолини манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётганлиги кўрсатилади. «Улар (*қуйи бошқарув вакиллари* – С.Т.) сайловларда сайловчилар, айниқса сайловларга ўз таъсирини ўткази оладиган шахслар, яъни аҳоли ўртасида ҳурматга эга кишилар - мулла, эшон.

<sup>204</sup> Временное положение об управлении Туркестанского области ... С. 290.

<sup>205</sup> Ўша жойда.

<sup>206</sup> 57 та хонадон ёки ўтов бўлса, 6 та вакил, 54 та бўлса, 5 та вакил сайланган.

<sup>207</sup> 1178 та хонадон ёки ўтов бўлса, 24 та элликбоши сайланган.



мударрис, мутавалли, имом кабиларнинг манфаатини ўйлайдиган бўлиб қолдилар» деб, мақола муаллифи «аввалгидек уезд бошлиқлари ҳуқуқларини тиклаш, сайлов тизимини бекор қилиш керак»лигини таъкидлайди<sup>208</sup>.

Фарғона вилоятида ҳам босиб олинган ҳудудлар қатори сайлов тартибларида мустамлакачиликка асосланган сиёсат амалга оширилади. Бунда барча тартиблар тўлалигича империя манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Бироқ ҳуқуқат дастлаб қуйи бошқарув тизимига кескин ўзгартиришлар кирита олмаган бўлса-да, кейинчалик секин-асталик билан мустамлака бошқарув тартиблари қаторида сайлов тартиблари ҳам босқичма босқич империя учун тўлиқ хизмат қилдиришга қаратилган қоидалар жорий қилиб борилган. Бу борада жорий қилинган сайлов тартиблари, сайлов жараёни ва натижаларини мустамлакачи ҳуқуқат томонидан тасдиқланиши империя манфаатларига мос келган.

Сайлов тартиблари бўйича подшо ҳуқуқатининг муносабатини унинг расмий ҳисоботларда қуйидагича ифодаланади: «Қуйи бошқарувни олиб боришни туб жой аҳолини ўзига бериш, сайлов йўли билан бошқариш, лекин бу иш зинҳор сиёсий тусда бўлмаслиги, маҳаллий қонун - шариат ўз кучида қолиши, анъанавий тартиблар ва одатларнинг айримлари давлат манфаатларига зид келса, уларни чиқариб ташлаш керак»<sup>209</sup>, деб кўрсатилган.

Фарғона вилоятида 1879 йилдан бошлаб ўтрок ва кўчманчи аҳоли учун сайлов тартиблари жорий қилинади. Бунгача уларни уезд бошлиғи тайинлаган. Вилоятда 1879 йилдан волост бошлиғи ш унинг ёрдамчиси лавозимига сайлов ўтказиш тўғрисидаги кўрсатма келишига қарамасдан, уезд бошлиқлари ўз билганларича кишиларни тайинлашда давом этганлар. Масалан, Марғилон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи Алексеев волост бошлиқларини ўзи тайинлаган. Унинг фикрича, сайлов йўли билан сайланганлардан кўра тайинланган амалдорлар маъқул ҳисобланган<sup>210</sup>.

1880 йилда вилоят ҳарбий губернаторининг волост бошлиқларини тайинлашни таъқиқлаш тўғрисидаги кўрсатмаси ёллон қилингандан кейин, уезд бошлиқлари ўзлари тайинлаган волост бошлиқларини лавозимларида сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Улар ўз одамларининг сайланиши учун сайлов жараёнларига араллашиб, унга ўз таъсирларини ўтказиб келганлар. Буларни эътиборга олиб, ҳарбий губернатор сайловларни қонуний бўлишини таъкидлаб, қайтадан жойларга кўрсатма юборади<sup>211</sup>. Фарғона вилоятида сайловлар асосан 1881 йилда бўлиб ўтади.

<sup>208</sup> Русский Туркестан. 1898, 30 октябр. № 16

<sup>209</sup> Васфман К.П. Проект отчета. . С. 43.

<sup>210</sup> ИР МДА. И-19-фонд. 2-руйхат. 7-иш. 9-варак.

<sup>211</sup> ИР МДА. И-276-фонд. 1-руйхат. 12-иш. 4-варак.

Шунда ҳам Марғилон ва Наманган уездларида аввалги тайинланган волост бошлиқлари кейинги муддатга қолдирилган.

Вилоятдаги дастлабки йилларда ўтказилган жуда кўплай сайловлар номига ўтказилган. Сайлов натижаларини тасдиқлаш жараёнида участка пристави ва уезд бошлиқларининг маълумотлари асосида ҳарбий губернатор овул бошлиқлари, қишлоқ оксоқоллари, волост бошлиқлари, халқ судьялари ва уларнинг ёрдамчиларини «ўз талабларидан» келиб чиқиб тасдиқлаганлар.

«Дашт Низом» лойиҳасида икки босқичли сайлов тизими жорий қилинган. Сайловлар барча аҳоли вакиллари иштирокида эмас, балки аҳоли йиғинларида кўрсатилган вакиллар томонидан сайланадиган бўлади<sup>212</sup>.

Вилоят бошқарувининг қуйи босқичидаги лавозимларга сайлов тартиблари Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги «Низом» лойиҳалар ва йўриқномаларда ўз аксини топган. Зеро, «Низом» лойиҳалар ёки йўриқномаларсиз мустамлакачи маъмурият бошқарув ишларига аралаша олмас, ўзларига маълум кишиларни бошқарувга қўя олмас, ўзларига кераксиз кишиларни эса бошқарувдан четлаштира олмас эди. Бундан ташқари мустамлакачи ҳукумат ўлка бошқарувини империянинг умумий бошқарув тизимига яқинлаштириш, яъни қишлоқ жамоаларини ташкил қилиш, ўлка маъмурияти билан ерлик аҳоли ўртасида ўзларига содиқ ва муте бошқарувчиларга эга бўлишни назарда тутган.

Ҳукумат сайлов соҳасидаги сиёсати натижасида ўзининг қуйи бошқарув соҳасига аралашувини қонуний даражага олиб чиқди. Қабул қилинган қонунлар рўқач қилиниб, уларни асос қилиб сайлов соҳасига бемалол аралашиб, назоратни қўлга ола бошлаган. Қонунлар шундай ишлаб чиқилган эдики, бунда ҳар томонлама мустамлакачи ҳукумат манфаати тўла ҳимоя қилиниши кўзда тутилган эди.

Жорий қилинган сайлов қоидалари ерлик аҳолининг маҳаллий аъёнлари асосида, ерлик аҳолига ўз-ўзини бошқариш тартиблари ташкил қилингандек кўринса-да, аслида унинг негизида мустамлака манфаатини ҳимоя қилиш, ерлик аҳоли вакиллари иштирок этадиган бошқарувнинг мустамлакачи ҳукуматга итоат этиши яққол намоён бўлади.

Жорий қилинган сайлов тартибларига кўра сайловларда кўп овоз олган киши сайланган. Агар сайлов жараёнларида сайловчиларнинг белгиланган миқдори иштирок этмаса ёки белгиланган тартиблар бузилса, шикоят тушса тергов ва суриштирув ишлари ўтказилган.

Жорий қилинган сайлов тартибларига кўра, ўтроқ аҳоли учун сайлов тартиби ҳар 10 - 50 хонадон эгаларидан (улар сонини ҳарбий губернатор аниқлаган) бир сайловчи кўрсатилган. Бу сайловчилар йиғин ўтказиб, қишлоқ оксоқолини сайлаганлар. Ўтроқ аҳоли учун

<sup>212</sup> Отчет ... К.К. Палени Уездное управление... С. 7.

жорий қилинганда бу бир босқичли сайлов тартиби, сайловчиларнинг кўплиги ва сайлов вақтида сайловчиларни бошқариш қийин бўлаётганлиги сабабли ҳукумат томонидан сайлов тартиби ўзгартирилади.

Волост бошлиғи сайлови икки босқичда амалга оширилган. Аввал қишлоқ йиғинида ҳар элликта хонадондан бир вакил сайланган. Сайланган вакиллар волост съездида волост бошлиғини сайлаганлар.

Шаҳарларда аҳоли томонидан шаҳар оқсоқоллари сайланган. Сайлов икки босқичда бўлиб, биринчи босқичда маҳаллаларда вакил сайланган. Сайланган вакиллар эса йиғилиб шаҳар оқсоқолини сайлаганлар.

Россия империясида 1870 йилда шаҳар бошқаруви бўйича янги тартиблар эълон қилинади. Лекин улар Туркистонда Польша ва Финландиядаги сингари ўша вақтда жорий қилинмайди. 1888 йилга келиб фақат Тошкент шаҳрида қисман жорий қилинади.

«Низом» лойиҳасида фаол ва пассив сайлов ҳуқуқи кўрсатилган. Фаол сайлов ҳуқуқи жиноят содир этган ёки қузатувда бўлганлардан ташқари барча ерлик аҳоли учун берилган. Фаол сайлов ҳуқуқи бевосита ўша шахс томонидан ёки ишончли вакил орқали амалга оширилган. Пассив сайлов ҳуқуқидан «Низом» лойиҳасининг 83-бандига мувофиқ 25 ёшдан юқори бўлган ерлик аҳоли вакиллари фойдаланган, яъни фақат уларгина сайланиши мумкин бўлган. Маҳаллий бошқарувга волост бошлиқлари, оқсоқоллар ва уларнинг ёрдамчилари сайланган. Уларнинг ваколат муддати уч йил қилиб белгиланган<sup>13</sup>.

Сайлов жараёнлари ўлка маъмурияти ва унинг жойлардаги шкиллари томонидан қаттиқ назорат остига олинган. Уезд бошлиғи иштирокида волост бошлиғи, оқсоқол, бийлар сайланган. Овул бошлиғини ўнбошилар сайлаган. Сайловлар бошланишидан аввал волост бошлиғи, оқсоқол ва овул бошлиғи маош миқдорлари белгиланган. Сайланган номзод уезд бошлиғи томонидан губернатор тасдиғига тақдим қилинган.

Номзоднинг сайловга қўйилиши, сайлов жараёни, унинг натижаси қандай бўлиши, сайланувчининг подшо ҳукумати маъмурияти томонидан тасдикланиши, уларнинг амалдаги фаолияти назорати бевосита мустамлакачи маъмурлар қўлида бўлган. Сайланганлар нисдан четлаштирилмаслиги, навбатдаги сайловларда ҳам қатнашиши ҳамда кейинги муддатларда яна иш олиб бориши учун мустамлакачи ҳукумат вакиллари билан ҳамкорлик қилишга, уларга содиқ бўлишга, бўйсунушга мажбур бўладиган тартиблар жорий қилинган эди.

Маҳаллий бошқарув вакиллари мустамлакачи ҳукумат томонидан нафақат сайлов натижаларини тасдиқлаш вақтида, балки фаолияти давомида ҳам қаттиқ назорат остида, участка приставидан тортиб то генерал-губернатор ихтиёрида бўлганлар.

<sup>13</sup> Отчет ... К.К. Палена. Сельское управление: Русское и туземное... С. 9

Маҳаллий аҳоли учун «тортиқ қилинган» сайлов ҳуқуқи асосида ўтказиладиган сайлов жараёнларига мустамлакачи маъмурият вакилларининг аралашуви ва уларнинг таъсири кучли бўлган. Аввало, бу таъсир бўлиб ўтган сайлов натижалари губернатор томонидан тасдиқланмаслиги, сайловда ғолиб чиққан номзодни эмас, балки бошқасини тайинлаши, лавозимни эгаллаб турган мансабдорни бўшатиб, унинг ўрнига бошқасини тайинлаши каби кўринишда рўй берган. Бундан ташқари, мустамлака ҳукумат сайловсиз лавозимларга кишиларни ўз хоҳишлари асосида тайинлаш, амалда фаолият олиб бораётган лавозимдагиларнинг муддатини узайтириш, ўтказиладиган сайлов муддатини кечиктириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Бу борада ҳарбий губернатор сайланган номзодни тасдиқламасдан унинг ўрнига ёрдамчисини тайинлаш ёки янги сайлов ўтказиш тўғрисида буйруқ бериш ҳуқуқига эга бўлган.

Сайлов натижаларини тасдиқлашда ҳарбий губернаторга катта ҳуқуқлар берилган. Бунда ҳукумат вакиллари ўзларига маъқул бўйсунувчи шахсларни тасдиқлашга ҳаракат қилган. Чунки ҳукуматнинг маҳаллий бошқарув соҳасидаги асосий мақсади унда ўзига бўйсунувчи шахслардан иборат империя мақсадларини жойларда ижро этувчи маъмуриятга эга бўлиш бўлган.

Сайланган шахс қайси бир томони билан мустамлакачи ҳукуматга ёқмаса, унинг янги сайловлар ўтказиш тўғрисида кўрсатма беришига сабаб бўлган<sup>214</sup>. Шу билан бирга маҳаллий бошқарув лавозимларига мустамлакачи ҳукумат вакиллари ўз хоҳиши билан исталган кишини лавозимга сайловсиз тайинлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган<sup>215</sup>.

Ўтказилган сайлов жараёнларида кўплаб ноқонуний ишлар рўй берган. Улар тўғрисида ҳукумат расмий идораларига кўплаб шикоятлар тушиб турган. Лекин бу шикоятларнинг аксарияти етарли даражада ҳаққоний тарзда кўриб чиқилмаган. 1881 йилда ўтказилган сайловлардан фақат 2 таси ноқонуний деб топилган. Булар Саруӣ волостидаги сайлов бошқа волост худудидан ўтказилганлиги учун, Чуст уездининг Боястон волостидаги сайловда эса 2 та гуруҳ ўртасида жанжал бўлганлиги учун сайлов натижалари бекор қилиниб, волост бошлиқлари сайловсиз тайинланган.

1882 йил ноябрь ойида Туркистон генерал-губернатори ўлкадаги нотинч бўлган уездларнинг бошлиқларига волост бошлиқларини сайловсиз тайинлаш тўғрисида кўрсатма чиқарди. Бунга мувофиқ, 1882 йил охири ва 1883 йил бошларида Фарғона вилоятида 8 та волост бошлиқлари сайловсиз тайинланган<sup>216</sup>.

<sup>214</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат, 4-иш, 6-варак

<sup>215</sup> ЎзР МДА. И-1-фонд. 23-руйхат, 14-иш, 21-варак.

<sup>216</sup> ЎзР МДА. И-276-фонд, 1-руйхат, 16-иш, 7-варак.

1886 йилда қабул қилинган «Низом» лойиҳаси бўйича ўтроқ аҳолининг бир босқичли бошқаруви тизими икки босқичли бошқарув тизимига алмаштирилади. 1886 йилги «Низом» лойиҳасида 1867 йилги «Низом» лойиҳаси сайлов қоидалари асосан сақланиб қолинади, унга қишлоқ ва овул йиғинида ўша жамоага тегишли бўлган барча ўтов ва хонадон эгалари қатнашиши киритилади. Сайловларда ҳар бир сайловчи шахсан ўзи иштирок этиши ёки бирор шахс орқали овоз бериши мумкин бўлган<sup>217</sup>.

Сайлов бошланишидан аввал аҳоли томонидан вакиллар сони ва улардан қанчаси иштирок этаётганлиги аниқланган. Номзодлар учун шарлар қутичаларга ташланган. Сайловда иштирок этаётган номзод исми, шарифи, ёши, маълумоти, мулки, оиласи, қандай одам эканлиги тўғрисидаги маълумотлар варақаси бўлган. Сайловда қатнашаётган сайловчилар рўйхати тузилиб, кўп овоз олган номзод сайловда ғолиб чиққан ҳисобланган. Сайлов натижалари бўйича далолатнома тузилган. Далолатномага сайловда иштирок этадиган участка пристави ва барча элликбошиларнинг имзоси ва муҳрлари қўйилган.

Маҳаллий бошқарувга ўтказилган сайловлар ҳар доим ҳам одиллик билан ўтмаган. Чунки, бир томондан сайловларда халқ ўзининг ишонган номзодини, маҳаллий халқни ўйлайдиган ва уларни манфаатини ҳимоя қиладиган кишини сайлашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, подшо амалдорлари бунга қарама-қарши йўл тутиб империя ҳукуматига хизмат қиладиган, кишиларни ўтказишга ҳаракат қилганлар. Подшо ҳукумати босиб олинган ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув тизими тартибларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ бундай ҳолатларни назардан четда қолдирмаган. Улар сайловларни ташкил қилишдан тортиб, унинг ўтказилиши ва сайлов натижаларини тасдиқлаш жараёнигача ўта тўхтиёркорлик ва узокни кўра билиб иш олиб борган.

Маҳаллий бошқарув лавозимдагиларни ваколат муддати туғаганда, бўшатилганда, бошқа лавозимга ўтказилганда, вафот этганида янги сайловлар ўтказилган. Сайловлар ўтказилишидан аввал участка приставининг рапорти асосида уезд бошлиғи ҳарбий губернатордан рухсат сўраган. Вилоят ҳарбий губернатори сайлов ўтказиш вақти, жойи ва унда қатнашадиган ҳукумат вакилини белгилаб берган<sup>218</sup>. Сайлов жараёнида иштирок этадиган ҳукумат вакили сайлов жараёнини белгиланган талаблар даражасида ўтказишини назорат қилган. Сайлов натижалари тўлиқ расмийлаштирилиб, уезд бошлиғига берилган. Уезд бошлиғи сайлов натижаси тўғрисида вилоят ҳарбий губернаторига маълумот берган.

<sup>217</sup> Отчет ... К. К. Палена. Уездное управление... С. 7

<sup>218</sup> Ур. МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9820-иш, 180-варак.

Вилоят губернатори сайланган номзодни тасдиқлаб буйруқ чикарган<sup>219</sup>.

1913 йил 3 январда Андижон уезди, Новқат волости, Новқат қишлоғида 1913 - 1915 йиллар муддатига Новқат волости бошлиғи лавозимига ўтказилган сайловда 37 та сайланган элликбошидан барчаси қатнашган. Участка пристави бошлиғининг ёзган рапортида сайлов жараёни Туркистон ўлка бошқаруви тўғрисидаги «Низом»нинг 87-бандига мувофиқ ўтказилганлиги ва барча томонлари билан сайлов қонуний эканлиги таъкидланади<sup>220</sup>. Сайловларда сайлов варақаси (баллатировочный лист) тайёрланган. Унда сайловга номзоди қўйилганлар тўғрисида маълумотлар, сайланган элликбошиларнинг умумий сони ва сайловда иштирок этганларининг сони, номзодларнинг нечтадан овоз олганлиги кўрсатилган. Унга участка пристави, барча элликбошиларнинг имзоси ва муҳри қўйилган.

1913 - 1915 йиллар муддатига Андижон уезди Бозорқўрғон волости бошлиғи ва унинг ёрдамчиси лавозимига 1912 йил 28 сентябрда сайлов ўтказилади. Сайловда 50 та элликбоши қатнашган. Бу сайловда Тўрақул Алихожиев сайланади<sup>221</sup>. Волост бошлиғи ёрдамчиси лавозимига эса Жўрабой Алихожиев 37 та овоз олиб сайланади. Умарали Сулаймонов эса 27 та овоз олиб, сайланмай қолади<sup>222</sup>. Мазкур сайлов натижалари бўйича Андижон уезди бошлиғи вилоят ҳарбий губернаторига ёзган маълумотномасида сайловда ғолиб чиққан Тўрақул Алихожиевни ушбу лавозимга нолойиқ деб кўрсатади. Шунинг учун ҳам вилоят ҳарбий губернатори томонидан волост бошлиғи ёрдамчиси лавозимига Жўрабой Алихожиев тасдиқланмайди<sup>223</sup>. Унинг ўрнига ҳарбий губернатор сайловда кам овоз олган Умарали Сулаймоновни тайинлайди<sup>224</sup>.

Юқоридаги сайлов жараёнида ҳукумат томонидан сайловларда номзодларнинг кўп овоз олиши эмас, балки ўзларига маъқул номзод бўлишига қараб сайлов натижалари тасдиқланганлиги яққол акс этган.

Қуйи бошқарувдаги лавозимларнинг нафақат бошлиқлари, балки уларнинг ёрдамчиларига ҳам кимни сайланишига ўлка маъмурияти томонидан катта эътибор берилган. Чунки ёрдамчилар мазкур лавозимларни эгаллашга захирадаги шахс сифатида кўрилган. Архив ҳужжатларидаги маълумотларнинг кўрсатишича,

<sup>219</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9820-иш. 180-варақ.

<sup>220</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9783-иш. 7-варақ.

<sup>221</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9783-иш. 15-варақ.

<sup>222</sup> Ушбу маълумот сайловда иштирок этган участка пристави Капитан Чикондзенинг сайлов натижалари бўйича ёзган рапортида кўрсатилган. ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9783-иш. 5-7 варақлар.

<sup>223</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9783-иш. 30-варақ.

<sup>224</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 9783-иш. 35-варақ.

жуда кўп ҳолларда лавозимдагилар ишдан олинганда унинг ўрнига ёрдамчилари тайинланган.

Андижон уезди Қорасув волости бошлиғи ёрдамчиси лавозимига ўтказилган сайлов натижасида кўп овоз олиб ғолиб чиққан Аҳмадохун Эминхўжаев ўрнига сайловда кам, яъни атиги 6 та овоз олган Муллашермат Мирзаҳожиевни аввал волост бошлиғи бўлиб ишлаганлиги, гимназияда ўқиганлиги кўрсатилиб, уни ушбу лавозимга «лойик» бўлгани учун тайинлаш кераклиги тўғрисида участка пристави С. Поляков уезд бошлиғига маълумот беради<sup>225</sup>. Уезд бошлиғи эса вилоят ҳарбий губернаторига участка пристави таклифини қўллаб-қуватлашини маълум қилади<sup>226</sup>. Шу сабабли илпоят ҳарбий губернатори ҳам уезд бошлиғи ва участка пристави маълумотларида сайловда ғолиб чиққан Аҳмадохун Эминхўжаевни сайланган лавозимга тасдиқламайди<sup>227</sup>.

Ёрлик аҳоли вакилларининг лавозимга сайланиши, тасдиқланиши, фаолият олиб бориши нафақат ҳукуматнинг жойлардаги вакиллари бўлган участка приставлари, уезд бошлиқлари, ҳарбий губернаторлари, балки Туркистон генерал-губернаторининг шахсан ўзи томонидан тайинлаш, ишдан четлаштириш каби ҳолатлар бўлиб турган. Масалан, Қўқон шаҳри оксоқоли Шоиноятхожи Орифҳожиев<sup>228</sup>, Қўқон шаҳри Маргилон қисми судьяси Абдуссатор Олимбоев, Хўжанд қисми оксоқоли Мулламирза Олимбоев ва Андижон уезди Новкат волости бошлиғи Фаёз Холматов<sup>229</sup>, Қўқон уезди Ултарамин волости халқ судьяси Муллаумаркул Асрорқулов<sup>230</sup> кабиларни Туркистон генерал-губернатори томонидан зудлик билан ишдан четлаштириш тўғрисидаги юборилган кўрсатмалари асосида эгаллаб турган лавозимларидан олинади.

Сайлов натижалари бўйича номзодларнинг империя манфаатларига хизмат қиладиганларини тасдиқлашга ҳаракат қилинган. Сайлов жараёнларида қонунбузарликлар содир этилган бўлса-ю, лекин сайланган номзод ҳукуматга маъқул тушса, сайлов бекор қилинмаган. Сайлов жараёнларининг бекор қилиниши энг аввало сайланган номзодларнинг ўлка маъмуриятига маъқул бўлишига боғлиқ бўлган. Агар сайланган номзод маъқул тушмаса, турли хил баҳоналар билан сайлов натижалари бекор қилиниб, лавозимларга маъмуриятга маъқул кишилар тайинланган. Масалан, Андижон уезди Норин волости бошлиғи ёрдамчиси лавозимига бўлиб ўтган сайловда қонунбузарлик бўлганлиги тўғрисида ариза тушганлигига қарамасдан участка пристави ўз рапортида сайланган

<sup>225</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 65-варақ

<sup>226</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 103-варақ

<sup>227</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 105-варақ

<sup>228</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 387-варақ

<sup>229</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 388-варақ

<sup>230</sup> УшМДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 327-328. 332-варақлар.

Отабой Бобоевни лавозимга лойиқ деб маълумот берганлиги учун у тасдиқланади<sup>231</sup>.

Сайловларда баъзан сайлов ўтказилаётган лавозимларга фақат битта номзодлар қатнашган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, 1913 йил 11 сентябрда Қўқон уезди Қирқжийда волостида бўлиб ўтган сайловда фақат Мулламирзааҳмад Маматқулов номзоди кўйилади<sup>232</sup>.

Вилоят шаҳарларидаги шаҳар оқсоқоллари ҳарбий губернатор томонидан тайинланиб, маош билан таъминланган. Жумладан, 1916 йил Андижон шаҳар оқсоқоли лавозимига Эрматмирза Алимқулов тайинланган. Унга йилига 500 рубль маош, Фан-чизув ва бошқа харажатлар учун 400 рубль берилиши тўғрисида буйруқ чиқарилади<sup>233</sup>.

Ерлик аҳоли вакиллари иштирок этадиган сайлов жараёнларида ҳукумат органлари ва уларнинг вакиллари томонидан доимий назорат ўрнатилиши ва уни тўлиқ ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилинган. Ушбу масала бўйича жойлардаги аҳвол қандайлиги, сайлов тартибларининг амалга жорий қилинишидаги ҳолатлар ва сайлов тартибларини империя манфаатлари йўлида қандай ўзгартиришлар қилиш кераклиги тўғрисида доимий тарзда ёпишмалар олиб борилган. Жойлардаги мустамлакачи ҳукумат вакиллариининг сайлов жараёнлари тўғрисидаги таълиф ва талаблари ўрганиб борилган.

Ҳукумат томонидан вилоят миқёсида доимий тарзда сайлов тўғрисидаги маълумотларнинг ўрганиб таҳлил қилиб борилиши натижасида сайлов тизимига доимий равишда ўзгартиришлар киритиб борилган. Жумладан, оқсоқолни сайлашда 3 та номзод белгилавиши ва улардан қайси бири сайловчиларнинг 2/3 овозини олади, унга оқсоқол бўлиши тўғрисидаги тартиб 1881 йилги «Низом» лойиҳасидан ўрин олган<sup>234</sup>. Бу билан албатта ўлка маъмурияти номзодлар орасидан уларни учун керакли бўлганини танлаб олиш имкониятини кенгайтиришни назарда тутган.

1898 йилда Фарғона вилоятидаги бўлиб ўтган норозилик ҳаракатларидан сўнг иш олиб борган комиссия ҳулосаларида «Ерлик аҳолини бошқариш тартибларини тезроқ империя бошқарув тартибларига яқинлаштириш учун аҳоли ҳаёт тарзини чуқурроқ ўрганиш, аҳолини назорат қилиш билан шуғулданувчи алоҳида орган ташкил қилиш кераклиги кўрсатилади<sup>235</sup>. Бу комиссия томонидан сайловсиз «уезд бошлиқларига волост бошлиқлари, халқ судьяларини ҳарбий губернатор тасдиғи билан тайинлаш, кишлок ва онул бошлиқларини эса уезд бошлиқлари тасдиқлаши билан

<sup>231</sup> УЎР АЦДА. II-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 448-варақ.

<sup>232</sup> УЎР АЦДА. II-19-фонд, 1-руйхат, 9783-иш, 24-варақ.

<sup>233</sup> УЎР АЦДА. II-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 323-варақ.

<sup>234</sup> Варақ. 1881 йилги Низом, 124 §.

<sup>235</sup> Россияга Туркестон. 1898. 30 октябры, № 16.



участка бошлиқларига тайинлаш ҳуқуқи берилишини, уезд бошлиқларининг халқ судьялари съездига раислик қилиш тартибларини жорий қилиш, уезд бошлиқлари, улар ёрдамчиларининг моддий таъминот миқдорини кўпайтириш, уларни сафар ва қўриқчилар (жигит) ёллаши учун ҳаражатлар миқдорини кўпайтириш, участка пристави ўрнига участка бошлиқлари лавозимини жорий қилиш»<sup>236</sup> каби янги тартибларни жорий қилиш кўрсатилади.

Ҳукумат ўзига ёқмаган қуйи бошқарув вакилларини турли йўллар билан лавозимларидан четлатишга ҳаракат қилган. Маҳаллий халқ манфаатини ҳимоя қилган қуйи бошқарув вакиллари жиноий жавобгарликка тортилган, уларни арзимаган хатоликлари учун қамаганлар, турли хил асоссиз айблар билан халқ кўзига ёмон қилиб кўрсатганлар. Бошқарувдаги кишилар билан халқ ўртасига нифоқ солишга уринганлар. Бу билан бошқарув вакилларини халқ манфаатини эмас, балки ҳукумат манфаатини ҳимоя қилишга эришишга ҳаракат қилинган. Ҳукумат туб ерлик аҳолини империя ҳукуматига тобе бўлишига, олиб борадиган фаолиятини бевосита империя манфаатларига боғлаб қўйиш учун доимий тарзда янгидан-янги тартиб ва қоидалар жорий қилиб борди.

Бунда ўтган давр мобайнидаги тажриба ва жойлардаги ҳукумат вакилларининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган. Чунки ҳукумат учун ишлаб чиқилган тартибларнинг жойлардаги ижроси билан бевосита шуғулланган мутахассисларнинг фикрлари муҳим ҳисобланган. Бошқарув тартибларини империя тартибларига тезроқ яқинлаштиришга ҳаракат қилинган. Бундай фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар ўша давр матбуотида доимий тарзда эълон қилиб борилган. Жумладан, ўша давр матбуотида эълон қилинган мақолада сайлов тартиблари бўйича фикрлар баён қилиниб, унда «сайловларни аҳоли вакиллари бўлган элликбошилар иштирокида эмас, балки барча аҳоли вакиллари ўртасида ўтказиш тартибларини жорий қилиш керак»лиги таъкидланади<sup>237</sup>.

Сайловларда номзоди қўйилганлар тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Фарғона вилоят ҳарбий губернатори полковник К. Иванов вилоятнинг барча жойларига ерлик аҳоли вакиллари билан бошқарув лавозимларига номзоди қўйилган кишилар ҳақида батафсилроқ маълумотлар юборишни талаб қилади. Бунда участка приставлари ва уезд бошлиқлари номзоди қўйилган кишиларнинг лавозимга «тўғри келиши» ёки «тўғри келмаслиги» албатта кўрсатилиши кераклиги таъкидланади<sup>238</sup>. Бунга сабаб, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг кўрсатишича

<sup>236</sup> Русский Туркестан. 1898. 30 октябрь. № 16.

<sup>237</sup> Русский Туркестан. 1908. 11 ноября. № 21.

<sup>238</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-руйхат. 10014-иш. 370-варак.

«сайловларда иштирок этаётганларнинг барчаси ҳам талабларга жавоб бермаётганлиги», шунинг учун бу «муаммони ҳал қилиш»да сайлов натижалари тўғрисидаги рапортларда номзодлар ҳақида аниқ маълумот керак бўлган<sup>239</sup>.

Мустамлака даврида бошқарувнинг ерлик аҳоли вакиллари иштирок этадиган лавозимларида хонлик давридагидек отасининг ўрнига ўғли эгаллаган ҳоллар ҳам учраб турган. Айрим жойларда отаси эгаллаб турган лавозимнинг ёрдамчиси унинг ўғли бўлган<sup>240</sup>.

Бошқарув лавозимларига подшо ҳукуматининг ўлка маъмуриятидаги вакиллари ёрдами ва хоҳиши билан тайинланган кишиларнинг номаъқул иш қилганликлари учун аҳоли томонидан қалтақлаш, мол-мулкларига зарар етказиш каби ҳолатлар ҳам учраб турган. Бундай вазиятларда норозилик ҳаракатлари кескин тус олиб кетмаслиги учун ҳукумат вазиятни юмшатиш мақсадида уларни ўз лавозимларидан олишга ёки бошқа лавозимга ўтказишга мажбур бўлган. Булар албатта ҳукуматнинг ўз тинчлиги, манфаатидан келиб чиқиб амалга оширилган. Жумладан, Қўқон уезди бошлиғи прапоршик К. Шелдиков Риштон волости бошлиғи Комилжон Жалоловга нисбатан норози одамлар сонининг кўпайиб кетганлиги, агар лавозимидан олинмаса, вазият жуда кескин тус олиб кетиши мумкинлиги тўғрисида вилоят ҳарбий губернаторига рапорт берган. Шундан кейин волост бошлиғи вилоят ҳарбий губернатори томонидан эгаллаб турган лавозимидан олинади<sup>241</sup>.

Бошқарув лавозимларида фаолият олиб бораётган кишилар подшо ҳукумати талаблари ёки ўрнатилган тартибларни бузганликлари учун қаттиқ жазоланган. Уларга нисбатан ишдан четлаштириш, қамоқ, жарима, сургун қилиш жазolari қўлланилган. Масалан, 1916 йилда ҳарбий қўшин учун отлар етказиб бериш ишларида иштирок этмаганликлари учун Андижон шаҳар оксоқолларидан Абдужжаббор Назаралибоев, Абдуқодир Абдуғафоровлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилган<sup>242</sup>.

Маҳаллий бошқарув фаолиятининг ўлка маъмурияти томонидан қаттиқ назорат қилиниши, сайловларга аралашув ва таъйиқлар натижасида аҳолининг норозиликлари келиб чиққан. Масалан, 1899 йилда Туркистон ўлкасида бўлган 50 та норозилик чиқишлари (Фарғона вилоятида 16 та, Самарқанд вилоятида 9 та, Сирдарё вилоятида 6 та, Еттисув вилоятида 19 та)нинг чорак қисми сайлов натижаларидан норозилик натижасида келиб чиққан<sup>243</sup>. Ўлка маъмурияти томонидан сайловларга норозилик билдирган аҳоли жазоланган, лекин норозилик сабаблари ўрганиб чиқилмай, уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар қўрилмаган.

<sup>239</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 370-варақ

<sup>240</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 375-варақ

<sup>241</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 454-454-варақ орқаси

<sup>242</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-руйхат, 10014-иш, 508-509-варақлар

<sup>243</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония ... С. 135.

Сайловларда маҳаллий аҳоли ичидан чиққан бадавлат кишилар лавозим эгаллаш учун овозларни сотиб олиши, таниш-билишчилик, ўтовлар сонини камайтириш, сайлов учун курашда рақиб томон одамларини ўзлари томонга оғдириб олиш, уларни кўркитиш, қаматиш, одамларни сайловга келишларига тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳам учраб турган. Булардан сайловларда ғолиб чиқиш учун сайловчилар овозини сотиб олиш ҳоллари кенг тарқалган. Сайловларда ғолиб чиқиш учун баъзилар катта маблағларни сарфлаганлар. Сайловда ғолиб чиққан кишилар лавозимни эгаллагандан кейин сарфланган маблағларни 3 йиллик фаолияти давомида қайтариб олиши, бу вақтда тирикчилигини ўтказиш ва кейинги сайловларда ҳам иштирок этиш учун маблағ йиғиб олишга ҳаракат қилганлар<sup>244</sup>.

Жорий қилинган сайлов тартиблари ўша даврда яшаб ижод қилган ўзбек классик адабиётининг машҳур намоёндаси Муқимий ўзининг «Сайлов» номли шеърда қуйидагича таърифлайди:

Қачон ким бўлди ҳоким амри билан ибтидо сайлов,

Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Сочиби қарзи-кувола, пул кўтариб исталаб мансаб,

Бўлолмайд кўп кишини синдируб қилди гадо сайлов.

Олурға пора элликбошилар мингбоши қадидин<sup>245</sup>.

Ижобат бўлди-бўлди айлар эрдилар дуо сайлов<sup>245</sup>.

Шоир ушбу шеърда сайловлардаги салбий ҳолатларни ифодалаб, ундаги овозларни сотиб олишлар, рус амалдорларининг порахўрлиги, сайловларда номзоди ўтмаганларнинг сарфлаган катта маблағлари эвазига қарз бўлиб қолганликларини кўрсатиб берган.

Сайлов тартиблари негизида қуйи бошқарувнинг ҳар бир лавозимига белгиланадиган одамларни ўз қўлига олиш, ҳар бир лавозимга ўзлари учун содиқ хизмат қиладиган одамларни топиш имкониятини яратиш ётган. Хонлик давридаги бошқарув тизими империя манфаатларига тўғри келмас эди. Бундан ташқари, хонлик даврида қуйи бошқарув бўғинларида ишлаган кишиларни ўз жойларида қолдирилиши ҳам мустамлака манфаатларига мос бўлмаган.

П.Г. Галузо таъбири билан айтганда, «маҳаллий бошқарувга ўтказилган сайлов тартибларида деярли катта ўзгариш бўлмайди, лекин вақт ўтиши билан битта ўзгариш рўй берди - бу ҳам бўлса сайлов ҳаражатлари миқдорининг кўпайиб боришидир»<sup>246</sup>.

Сайловларда номзоди қўйилганлар ҳар хил йўллар билан кўпроқ овоз олишга уринганлар. Сайловларда аҳолининг обрўли, ёши катта кишилари кимнинг томонида бўлиши жуда катта

<sup>244</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония. ... С. 54.

<sup>245</sup> Муқимий, 44-бет.

<sup>246</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония. ... С. 77.

аҳамиятга эга бўлган. Чунки уларнинг ким томонида эканлиги, унинг кимга овоз бериши атрофдагиларга катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун номзодлар уларнинг ўз томонида бўлишига эришишга ҳаракат қилганлар.

Сайловларда амалдаги волост бошлиғи, оқсоқолнинг ким томонида бўлиши ҳам сайлов натижасига кўпроқ таъсир кўрсатган. Айниқса бундай ҳол кўчманчи аҳоли учун катта аҳамият касб этган. Чунки сайловчилар рўйхатини тузганда у рўйхатни ўзгартириши, янги ўтовлар сонини кўпайтириши мумкин бўлган.

Сайловларда баъзан голиб чиқиш учун курашаётган томонлар ўртасида жанжаллар келиб чиққан. Жанжаллар кўпинча мағлубиятга учраши аниқ бўлиб қолганини сезган номзодга қарашли гуруҳ томонидан бошланган, бу билан мағлубиятга учраши мумкин бўлган томон сайлов яқунланмай қолишига эришганлар. Сайлов яқунланмай қолса, бошқа сайлов ўтказилган. Бундай ҳоллар ўтроқ аҳолига нисбатан кўчманчи аҳоли орасида кўпроқ бўлган. Бунга асосий сабаб уруғларнинг худудий жиҳатдан аҳоли сонига қараб овул ва волостларга бўлиб юборилиши бўлган. Шунинг учун ҳам турли уруғ вакилларида иборат бўлиб қолган овул ва волост аъзолари фақат ўз уруғи аъзоси учун овоз берган ва ўз уруғи аъзоси голиб чиқиши учун курашган.

Подшо ҳукуматида мустамлакага айлантилган худудда ўлка маъмуриятига сўзсиз бўйсунадиган, мустамлака тартиблари асосида аҳолини бошқарадиган кишилар керак бўлган, шунинг учун ҳам мустамлакачи ҳукумат фақатгина янгича бошқарув тартиби, янгича сайлов тизими жорий қилиш билан ўз режаларини амалга оширмоқчи бўлган.

Архив ҳужжатларида бошқарув вакилларининг соғлиги туфайли ишдан бўшатирилганлиги туғрисида буйруқлар жуда кўп учрайди. Лекин уларда соғлиғи ёмонлашгани туфайли аризаси ёки мурожаати асосида деб кўрсатилмаган. Архив ҳужжатларида ўзини эгаллаб турган лавозимидан бўшатилишини сўраб ёзилган аризалар жуда кам. Шундан келиб чиқиб улар соғлиги ёмонлиги учун деган баҳона билан ишдан олинган дейишимиз мумкин. Жумладан, Қўқон уезди Бободархон волостида Эшматбой Имомбоев<sup>247</sup>, Уш уезди Олой волостида Дармон Юсупов<sup>248</sup> ва бошқалар лавозимидан турли хил сабаблар кўрсатилиб бўшатилиб, уларнинг ўрнига ўзларига «маъқул» кишилар тайинланган.

Наманган уездига 1915 йил апрель ойида чиқарилган 24 та буйруқлардан 3 таси лавозимига нолойик, 3 таси вафот этганлиги, 7 таси соғлиғи ёмонлиги, 3 таси ўз аризасига мувофиқ ишдан бўша-

<sup>247</sup> ЎзР МДА. И-19-фонд. 1-рўйхат. 9820-иш. 170-варақ.

<sup>248</sup> ЎзР МДА. И-19. 1-рўйхат. 9820-иш. 175-варақ орқаси.

тилганлиги, 8 та буйруқ эса лавозимга тасдиқланганлиги тўғрисида бўлган<sup>249</sup>.

XX аср бошларида аҳоли билан маъмурият ўртасида сайлов масаласида ўзаро зидиятли муносабатлар кўзга кўрина бошлади. Архив ҳужжатларидаги маълумотларда қишлоқ оқсоқоллари кўп ҳолларда сайловчиларнинг ишончини суиистеъмом қилганликлари ва ундан фойдаланганликлари ҳақида материаллар мавжуд. Қоида бузиш ҳоллари сайлов ўтказиш жараёнларида кўплаб учрайди.

Сайловларда адолатсизлик асосида пора бериш, овозларни сотиб олишлар келгусида уларни сарфлаган маблағларини қайтариш учун эгаллаб турган лавозимларни суиистеъмом қилишга олиб келган. Масалан, 1915 йил 7 февралда Андижон уезди Норин волости Юқори Чутжий қишлоғида яшовчи А. Каримбоев шу қишлоқда яшовчи М. Камолбоевнинг ноқонуний тарзда ундан 1000 рубль талаб қилганлиги тўғрисида ариза ёзган<sup>250</sup>. 1912 йил Андижон уезди бошлиғининг Фарғона вилоят бошқармасига юборган маълумотида қишлоқ оқсоқоллари устидан кўплаб шикоятлар тушганлиги кўрсатилади. Лекин бундай шикоятчилар суд вақтида айбланувчиларнинг тазйиқлари ва дўқ-пўписаларидан кўркиб, ўз кўрсатмаларидан воз кечиб юборганлар. Олтинқўл волости Далварзин қишлоғида яшовчи Д. Исмоиловнинг кўрсатмасида унинг гувоҳлари амалдорларга қарши бўлганлиги учун ҳақиқатни айтмаганлиги кўрсатилади<sup>251</sup>. Шикоятчиларнинг қишлоқ оқсоқоллари, маъмурият вакиллари устидан ёзган шикоятларини қайтариб олиш ҳоллари ҳам кўп учраб турган. Кўриниб турибдики, Фарғона вилоятидаги ерлик аҳоли билан маҳаллий маъмурият ўртасида ўзаро муносабатлар жуда мураккаб бўлган.

Ноқонуний ўтказилган сайловлар бўйича тушган шикоятлар сайловларда овозларни сотиб олишлар, сайловчиларнинг қалбаки рўйхати тузилганлиги, мавжуд бўлмаган ўтовлар ёзилгани кўрсатилган. Лекин бу шикоятларнинг ҳал қилиниши мустамлакачи ҳукумат вакиллари қўлида бўлиб, уларнинг хоҳиш-истакларига боғлиқ ҳолда ҳал қилинган. Туркистон мустамлака даври тарихи бўйича тадқиқот олиб борган П.Г. Галузонинг таъкидлашича, «Сайловлар бўйича тушган шикоятларнинг қандай ҳал қилиниши мустамлакачи ҳукумат вакиллари керакли маблағни совга сифатида берилишига боғлиқ бўлган. Аслини олганда сайловлардаги қонун бузилишлари шундан бошланган»<sup>252</sup>, - дейди. Сайланган кишиларнинг асосий маблағи сайловлар жараёнидаги ноқонуний ишларнинг «ҳал қилиниши»га ва «рус бошлиқлари оғзини мойлаш учун кетган»<sup>253</sup>.

<sup>249</sup> У.И. МДА. И-19-фонд. 1-руйхат, 9820-нш. 168-174-варақлар

<sup>250</sup> У.И. МДА. И-25-фонд. 1-руйхат, 45-нш. 2-варақ

<sup>251</sup> Отчет... К.К. Палена. Сельское управление. Русское и туземное. С. 84

<sup>252</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония... С. 54.

<sup>253</sup> Ушга жойда

Хуллас, сайлов натижалари, аҳоли шикоятларининг қандай ҳал бўлиши тўла маънода мустамлакачи ҳукумат вакиллари қўлида бўлган. Ўз навбатида сайланган кишиларнинг фаолияти давомида тўплаган маблағини мустамлакачи ҳукумат вакиллари билан баҳам кўриб туришига тўғри келган. Чунки сайлангандан кейин ҳам уларнинг тақдири мустамлакачи ҳукумат вакиллари қўлида бўлиб, хоҳлаган вақтда уларни турли баҳоналар билан лавозимидан четлаштириш, қамоққа олиш, жарима солиш, сургун қилиш имкониятига, керакли ҳуқуқларга эга бўлган. «Рус маъмурлари порахўр бўлиб, ерлик аҳоли билан ҳар бир муносабати учун пора олган»<sup>254</sup>.

Фарғона вилоятида мустамлакачилар мавжуд қонунлар асосида иш олиб бормасдан, балки ўзлари хоҳлаганича, қайси йўлни маъқул топсалар ўшани амалга оширганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси подшо Россияси томонидан босиб олингач, ерлик аҳоли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётини ўзида қамраб олган, кишиларни жамиятдаги ўрни белгилаб, уни маълум бир маънода тартибга солиб турган миллий ва анъанавий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган куйи бошқарув тизимида қатта ўзгаришлар рўй берди. Биринчидан, мустамлакачи ҳукумат Фарғона водийсида узоқ тарихий тараққиёт давомида шакланиб тараққий этиб келган мавжуд куйи бошқарув тартибларини босқичма-босқич тугатиб, унинг ўрнида империя манфаатларига хизмат қиладиган янги тарздаги куйи бошқарув идораларини ташкил қилган. Бунинг учун энг аввало «маҳаллий идораларга сайловлар ўтказиш» тизими жорий қилиниб, у орқали бошқарув соҳасидаги империя мақсад ва вазифалари амалга оширилган. Бу усул маҳаллий идораларга сайлов тартиблари билан белгиланиб, унга кўра қишлоқлар ва овулларни бошқариш учун маҳаллий оксоқолликлар ва овуллар, шунингдек, волост бошлиғи ва унинг ёрдамчиси, халқ судьяси ва унинг ёрдамчиси лавозимларига сайловлар ўтказилган. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги турли «Низом» лойиҳалари асосида жорий қилинган сайлов тартиблари энг аввало босиб олинган ҳудудларда империя манфаатларига садоқатли хизмат қиладиган, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ёрдам берадиган кишиларни маҳаллий бошқарув идораларига сайланишлари учун ҳаракат қилганлар. Бироқ маҳаллий идораларга нафақат мустамлакачилар манфаатларини кўзлайдиган, балки Туркистондаги туб ерлик халқлар эҳтиёжларини ҳимоя қилувчи қўллаб-қувватлаб ҳам сайланган.

<sup>254</sup> Галузо Ш.Г. Туркестан - колония ... С. 56.

## МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СУД- ХУҚУҚ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОКИ

### *Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий аҳоли вакилларининг ўрни ва фаолияти*

Фарғона водийси мустамлакага айлантрилиши даврида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиб турувчи анъанавий бошқарув тизимини ўзгартиришга уриниб кўрилган. Бирок, жойлардаги маъмурлар ерлик аҳоли ўртасидаги анъанавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни билмасликлари сабабли уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи «ислохотлар»ни ўтказишга мажбур бўлган. Бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, жумладан, йўллар, кўприклар, суғориш иншоотларини таъмирлаш, уларни қуриш ва бошқа ишлар маҳаллий бошқарув органлари ва кўйи бошқарув вакиларининг фаолиятлари, сайлов йиғилишларида ҳал қилинган. Солиқларни йиғиш, назорат қилиш, аҳоли ўртасида тақсимлаш ва йиғилган солиқларни давлат хазинасига топшириш, сувдан фойдаланиш ишлари маҳаллий бошқарув тизимига юкланган.

Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар аҳолининг умумий йиғилишлари, кўйи бошқарув вакиллари иштирокидаги йиғилишларда бошқарувнинг кўйи бўғини лавозимларига ўтказилган сайлов йиғилишларда муҳокама қилинган. Жумладан, оқсоқол сайлаш учун ташкил қилинган йиғилишларда жамоа бошқаруви таъминоти ва унинг тақсимоти кўриб чиқилган. Овул йиғинида эса овул аъзолигидан чиқариш ва янги аъзоларни қабул қилиш, солиқ ва мажбуриятларни тақсимлаш ишлари ҳал қилинган.

Аҳоли томонидан мажбуриятлар бажарилмаса, уларга нисбатан жазо чоралари қўлланилган. Масалан, Наманган уезди Ингикўрган волостида яшовчи Азимбой Эсонбоевга ариқ оқсоқоли томонидан суғориш иншоотларини таъмирлаш ишларида иштирок этимаганилиги учун 15 рубл миқдорида жарима солинган<sup>255</sup>.

Тўб жой аҳоли вакиллари томонидан сайлов жараёнида иқтисодий, ижтимоий масалаларнинг ҳал қилиниши унда иштирок қилган ҳукумат вакилининг бевосита назорати остида бўлган. Ҳар бир йиғилиш (овул йиғини, волост съезди, қишлоқ оқсоқолини сайлаш ва бошқа)лардан аввал қандай масала ҳал қилиниши ва қандай ниямаларга амал қилиниши белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳар бир йиғилишда ҳукумат ўз вакилларининг иштирок этиши бундан ташқари тарзда жорий қилинади.

Йосиб олинган ҳудудларда, жумладан, Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳалар империя маъмуриятига бўйсундирилган. Чунки, мазкур ҳудудда Россия томонидан «савдо

капитализмининг талон-торожлик иқтисодиётига мос равишда бошқарув ташкил қилинган эди»<sup>256</sup>.

Ўлкада империя ҳукмронлиги ўрнатилгач, навбатдаги тадбир босиб олинган ҳудудлардаги мулкдор, бой, юқори мавқе ва обрўга эга шахслар нуфузини туширишга қаратилган. Бу борада энг аввало уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий мавқелари бекор қилиниб, мустамлакачиликка асосланган маҳаллий бошқарув тартиблари ҳамда уларга мос сайлов тизими амалга оширилган. Кейин эса уларнинг иқтисодий мавқеига, яъни уларнинг мол-мулк, ер, сувдан фойдаланиш соҳаларини «ислоҳ қилиш»га киришилган. Уларнинг ерлари давлат мулкига айлантирилиб, мулк ерлари ва рухонийларнинг иқтисодий манбаи ҳисобланган вақф мулкларини тугатиш режалаштирилади.

Фон Кауфманнинг бу борада олиб борган тадбирлари натижасида вақф ерлари қисқартирилиб, уларнинг кўпи давлат ерларига айлантирилган<sup>257</sup>. Фарғона водийсида подшо ҳукумати ҳукмронлиги ўрнатилгач, барча ерлар давлат мулкига айлантирилиб, янги ерларни ўзлаштиришга подшо ҳукумати томонидан у ерларда пахта экиш шarti билан рухсат берилган.

Фарғона водийси кишлок ҳўжалиги устун бўлган ҳудудлиги ҳисобга олиниб, подшо ҳукумати дехқончилик, ерга эгалик қилиш, улардан солиқ ундириш соҳасига алоҳида аҳамият берган. Вилоятда пахтачиликни ривожлантириш ҳисобга олиниб сув таъминоти, сув иншоотлари, уларни бошқаришни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилинган. Бу соҳада жорий қилинган тартиблар деишми таразда ўрганиб борилиши, уни янада мустамлакачилик манфаатларига бўйсундириб борилишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унинг натижалари муҳокама қилиниб, таҳлил қилиб борилган. Ушбу соҳалар бўйича жойларда фаолият олиб бораётган ўлка маъмурият вакиллари томонидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар бериб борилган. Жумладан, «Сувдан фойдаланиш тартиблари дастлабки вақтда тайёрланган бўлиб, у вақтда бу соҳа бўйича маълумотлар кам бўлган. Шунинг учун бу тартиблар ўша давр талабига жавоб берган. Лекин бугунги кунда (XIX асрнинг охирида – С.Т.) бу соҳа бўйича етарли маълумотлар ва мутахассисларга эгамиз, шунинг учун ҳам мавжуд тартибларни қайта кўриб чиқиш керак»<sup>258</sup>, деб кўрсатилади.

Шу билан бирга ерлик аҳоли вақилларининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда аҳоли ўртасидаги мавқеидан хавотирланиб, «Ариқ оқсоқоллари сувдан фойдаланишда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, барча масалаларни ўзлари ҳал қилмоқдалар. Шу боис бу соҳа бўйича рус мутахассисларини йиғиб бу масалани ҳал қилиш ва янги сувдан фойдаланиш коидаларини жорий қилиш керак. Бу масала кишда мавсум бошлангунча ҳал қилинса, янги мавсумдан сувдан фойдаланиш устидан ўз

<sup>256</sup> Галузо П.Г. Туркестан - колония ... С. 38.

<sup>257</sup> Ўша асар. С. 48.

<sup>258</sup> Русский Туркестан. 1898. 1 ноября. № 17.



назоратимизни ўрнатиб олардик»<sup>259</sup>, деб мустамлакачи ҳукуматнинг барча соҳаларни ўз манфаати ва назорати остига олишга ҳаракат қилганлиги очикдан-очик матбуотда баён қилинган.

Фарғона вилоятининг бу даврдаги иқтисодий, ижтимоий масалалари энг аввало ҳудудда қишлоқ хўжалиги устун бўлганлиги, аҳолининг асосий маҳсулоти деҳқончилик билан боғлиқ бўлгани учун асосан ерга эгалик қилиш ва у билан боғлиқ муносабатларда намоён бўлган.

Россия империяси мустамлакасига айлантирилгунгача бўлган даврда ердан фойдаланиш, унга эгалик қилиш тартиблари мавжуд бўлган. Ер эгалигининг 3 тури бўлиб, улар амлок - давлат ерлари, мулк - хусусий ерлар ва вақф - диний ерлар. Вақф ва амлок ерларидан солиқ олинмаган.

Хусусий ерлар - аҳолининг шахсий мулклари ҳисобланган. Амлок ерлар - хонлар, амирлар, беклар, хукмдорларга тегишли ерлар ҳисобланган.

Вақф ерлари - хусусий ер эгалари томонидан мадраса, мактаб, масжид, дин ва шариат арбобларига берилган ерлар ҳисобланиб, улар вақфнома асосида расмийлаштирилган.

Жамоа мулки - бу бирор уруғ ёки қабила, қишлоқ, овул жамоасига тегишли мулк ҳисобланган. Бу ерлар жамоа томонидан одамларга тақсимланган. Ерлар оқсоқол томонидан одамларнинг ерini ҳайдаш учун омочларига қараб бўлиб берилган. Омочга қурби етмаганлар бир нечтаси бир бўлиб омоч олишган. Кимга қайси ер тушиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланган. Бу даврдаги Фарғона водийсидаги ерлик аҳоли турмуш тарзида, жумладан, ер ва сувдан умумий тарзда жамоа бўлиб фойдаланиш ва уларнинг ўзаро муносабатларида демократик тамойиллар устун турган.

Ерлик аҳоли, хусусан ўтроқ аҳолининг асосий меҳнат маҳсулоти асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлгани учун ушбу соҳа бўйича, яъни ер-сув тақсимоти, ундан фойдаланиш ва солиқ тўлаш тартиблари ўзига ҳос кўринишда мавжуд бўлган. Дастлаб ер-сув тақсимоти тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Сўннинг тақсимланиши учун мироб, ариқ оқсоқоллари шайбоблар бўлиб, улар чоризм босқинидан олдинги даврда аҳоли томонидан сайланган ва хоннинг ноиблари - беклар томонидан тасдиқланган.

Ҳукумат амалдорлари бўлган саркорлар (ишбошилар) билан аҳоли томонидан сайланган ариқ оқсоқоллари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг моҳияти қуйидагича эди: солиқлар йиғишда саркор ер эгаларга ёллаб, уларни ариқ оқсоқолларининг участкалари бўйича тақсимлар, ушбу ёрдамчиларга ҳар бир хўжалик (хонадон) бўйича тақсимлар, улардан олинадиган солиқ миқдори ҳақида саркорлар қилиш вазифалари топширилар эди.

Бундан ташқари, бу ёрдамчилар ҳар бир участкада саркорларнинг унумдорлик хусусиятини ҳисобга олиб борганлар.

Тўлов муддати келган вақтда саркор ҳар бир участкага мироб, арик оксоқоли ва мирза (котиб)дан иборат бўлган шахслар (комиссия)ни жўнатар эди. Комиссия миробнинг кўрсатмаси бўйича хирож рўйхатини тузган, яъни муайян участкада ишлаган барча деҳқонларнинг ҳар бири қанча ғалла йиғиб олганлигини рўйхатга олар эди. Мана шу тарзда тузилган рўйхатлар саркорга берилар, рўйхатда берилган маълумотларнинг тўғрилиги қўшнилاردан суриштириш орқали текширилгандан сўнг, тасдиқлаш учун беқка тақдим этилган.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги устун бўлган ҳудуд ҳисоблангани ва қишлоқ хўжалигидаги экинларни суғориш, сув билан таъминлаш, суғориш иншоотларини қуриш ва уларни назорат қилиш, сувни аҳоли ўртасида тақсимлаш ишлари ижтимоий ҳамда давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланган.

Суғориш ишлари билан шуғулланадиган кишилар юқори маънавият, халқ орасида ўз меҳнат фаолиятлари билан катта ҳурмат ва обрўга эга кишилар бўлган. Чунки, бу иш жуда масъулиятли ва мураккаб ҳисобланган. Мироб ёки арик оксоқоли сув тақсимотида йўл қўйган арзимаган хатоси туфайли аҳоли ўртасида жанжал келиб чиқиши ёки зарур вақтда экинга сув берилмаса, экинзор нобуд бўлиб, деҳқон оиласи оч қолишига олиб келган. Бу соҳа вакиллари фаолияти тўғрисида М. Терентьев «Маҳаллий аҳоли орасида сув тақсимоти ва сув иншоотлари бўйича яхши мутахассислар мавжуд ўрта Осиё мустамлакага айлантирилгандан кейин ўлкадаги суғориш ишлари билан рус мутахассислари замонавий асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари, катта маблағ сарфлаш орқали қутилган натижага эриша олмаган бир пайтда маҳаллий аҳоли ҳеч қандай асбоб-ускунасиз, чопон кийиб, ҳукумат маблағисиз, ҳашар йўли билан суғориш муаммоларини ҳал қилган»лигини таъкидлайди.<sup>260</sup> Яна у «Россия мутахассислари томонидан ўлкада бир неча йил давомида 50 минг рубль сарфланиб қурилган сув иншоотидан сув олмаган»<sup>261</sup>, - деб бу ишнинг натижасиз якунланганлигини кўрсатиб ўтади.

1877 йил К.П. Кауфман томонидан суғориш соҳасида вақтинчалик тартиб-қоидалар киритилган. Бу тартиб-қоидалар аҳоли томонидан шу вақтгача амал қилиб келаётган сувдан фойдаланиш тартибларидан катта фарқ қилган. Унинг моҳиятига умуман тўғри келмаган. К.П. Кауфман томонидан жорий қилинган қоидалар суғориш ишларини тартибга сола олмаган. Бундай бўлиши энг аввало Фарғона водийсида қадимдан деҳқончилик маданияти билан бирга ўзига мос равишда суғориш тартиб-қоидалари ҳам шаклланиб тараққий этиб келганлигидир. Суғориш бўйича маҳаллий тартиб-қоидалар узок тарихий жараёнлардан амалдо синовдан ўтиб такомиллашиб борган. Бироқ бундай манжуд тарихий маҳаллий тартиб-қоидалар мустамлакачи ҳукумат томонидан инobatга олинмайди.

<sup>260</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., 1906. Т. 2. С. 290

<sup>261</sup> Уша жойда.

Мустамлакачи ҳукумат босиб олинган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин бошқа соҳалар каби сувдан фойдаланиш тартибларини ҳам империя манфаатларига бўйсундириш, уни назорати, бошқарувини ўз қўлига олиш мақсадида суғориш ишларига оид мавжуд тартиб-қоидаларни тўплаш ва уларни русчага таржима қилишга ҳаракат қилинган<sup>263</sup>.

Бу соҳа бўйича жорий қилинган тартибларга кўра, суғориш ишшоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлари вилоят суғориш ишлари мудир томонидан зарур материал ва ишчи кучини миқдори кўрсатилган. Бу маълумот ҳарбий губернатор тасдиқлангандан кейин волост бошлиғига берилган. Волост бошлиғи, қишлоқ оқсоқоллари ва ёши катта кишилар йиғилиб ушбу ишга масъул бир нечта одамни сайлаб олганлар. Масъул кишилар керакли материал сотиб олиш ва ишчиларни ёллаш ишларини ҳал қилганлар<sup>263</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятининг кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи аҳолисининг ўтроклашуви жараёни жадал суръатларда рўй берган. Уларнинг ўтроклашувидан мустамлакачи ҳукумат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлган. Лекин кўчманчи аҳолининг ўтроклашуви жараёни чор ҳукумати иқтисодий томондан қўллаб қувватламайди. Уларга маблағ билан ёрдам берган эмас. Мустамлакачи ҳукумат ерлик аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқмаган ва бу борада амалий ишларни амалга оширмаган.

Чор Россияси Н. Остроумов таъкидлаганидек, «Туркистондаги рус идора усулининг бюрократик хусусияти ҳар қандай илғор ва қур қарашларни бўғиб турарди»<sup>264</sup>. Бу даврда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари фақат ўзлари ва жамоа томонидан ҳал қилинган. «Ҳозирги кунгача суғориш ишлари учун киргиз ерларига давлат хазинасидан ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Шунинг учун киргиз аҳолиси ўртасида деҳқончиликнинг ривожланиши фақат уларнинг ўз кучлари билан янги ариқлар қазилиб, янги ерларни ўзлаштиришига бўлган ишлар ўзларининг ташаббуслари орқали амалга оширилмоқда»<sup>265</sup> деб кўрсатилган. Уша давр матбуотида эълон қилинган ушбу маълумотда вилоятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий муаммоларни аҳоли томонидан ҳал қилиш имкониятини тўлиқ англаш мумкин.

Волост бошқарувчиси хўжалик ишларидан ташқари сиёсий маълумотга эга ишларни ҳам бажарган. У волостдаги ички маъмуриятнинг назорат қилиш, халқ судида қўриладиган қарорлар бўйича суриштирув ишларини олиб бориш, аҳоли

<sup>263</sup> Бу ишлар ирригация бошқармаси томонидан олиб борилади. Давлатнинг томонидан тўпаланган маълумотлар таржима қилиниб, нақр қилинади. Қаранг «Свод постановлений мусульманского населения в отношении землевладения и водопользования». // Вестник ирригации 1924. № 9. С. 8.

<sup>264</sup> Остроумов Н. Обзор Ферганской области за 1904 г. Новый Маргилан. 1905. С. 13.

<sup>265</sup> Матбуот 1900-1909 фонида 1-рўйхат. 59-иш, 4-варак.

<sup>266</sup> Матбуот 1899, 2-прелия. № 37.

этиборига мустамлака маъмуриятининг барча қонун ва фармойишларини етказиш каби вазифаларни олиб борган.

Ижтимоий-сиёсий ишлар бўйича волост бошқарувчиси уезд бошлиғи рухсати билан волост съездини чақириши ва тарқатиши; волост съезди ўтказилаётган вақтда тартиб-интизомни назорат қилиши, овул ва қишлоқ оқсоқолларининг фаолиятларини кузатиб борган<sup>266</sup>.

Мустамлакага айлантирилган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида жойлардаги маъмурлар орқали сиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, мавжуд шарт-шароит тўғрисида маълумотлар бериб борилиши йўлга қўйилади. Албатта бунда норозилик ҳаракатларига катта этибор берилган. Ҳар бир норозилик ҳаракатлари иштирокчилари синчиклаб текширилиб, улар жазосиз қолдирилмаган. Бундай маълумотлардан бирида 1898 йил Фарғона вилоятида бўлиб ўтган «норозилик ҳаракатларининг асосий сабаби рус ҳукуматининг таъсири пасайиб кетганлиги, бунга 1886 йилги «Низом» лойиҳаси бўйича жорий қилинган тартиблар сабаб бўлди»<sup>267</sup> деб кўрсатилади. Шу билан бирга «ерлик аҳолининг рус аҳолиси билан ҳуқуқлари тенглаштирилиб, уларга сайлов ҳуқуқининг берилганлиги, ҳамда рус амалдорлари сонининг камлиги шундай ҳолатни келтириб чиқарди»<sup>268</sup> деган фикр билдирилган.

Бу даврдаги солиқ тартиблари бўйича ерлик аҳолининг солиқ тўлаш тартиби ўтроқ аҳоли учун хирож солиғи (ҳосилнинг 1/10 қисми миқдоридан), танобона солиғи - генерал-губернатор белгиланган тартиб бўйича, закот солиғи белгиланиб, бу солиқлар жамоа хўжалик бошқармасига топширилган. Жамоа хўжалик бошқармаси, аввалги сарқор вазифасини бажариб, унга 5 киши аъзо бўлган. Улар ҳам 3 йил муддатга оқсоқоллар сайловида сайланиб, уезд бошлиғи томонидан тасдиқланган. Жамоа хўжалик бошқармалари Туркистон генерал-губернаторлигининг айрим районларида тажриба-синов учун ташкил қилиниб, кейинчалик жамоа хўжалик бошқармалари томонидан суинистеъмолчиликлар кучайиб кетганлиги сабабли тугатилган<sup>269</sup>.

Урта Осиёда анъанавий мавжуд бўлган солиқ тизими суғорини учун зарур бўлган меҳнатнинг самарадорлиги ва аҳоли турмуш шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган (дифференциаллаштирилган) эди. К.К. Паленнинг маълумотларига кўра, «Рус тобелигига ўтгунга қадар Қўқон хонлигида дехқонлар ўзлари фойдаланадиган жамоат ерларидан хон хазинасига мусулмон ҳуқуқи асосида хирож солиғини тўлаганлар. Яъни ушар натура билан ҳосилнинг ўндан бир қисмидан то саккиздан бир қис-

<sup>266</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. 63-64-бетлар.

<sup>267</sup> Русский Туркестан. 1898, 30 октября, № 16.

<sup>268</sup> Уша жойда.

<sup>269</sup> Отчет ... К.К. Палена. Уездное управление. СПб., 1910. С. 10.

мигача бўлган микдорни топширганлар, айрим ҳолатларда эса солиқ пул билан тўланган<sup>270</sup>.

Хонликлар даврида солиқ йиғувчилар аҳолининг мулкий ҳолатини, уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, мусулмон анъаналарига мос равишда амалга оширилган. Улар томонидан аҳолининг энг камбағал қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий тенгсизлик асосида юзага келувчи тўқнашувларнинг олдини олишга ҳаракат қилинган.

Туркистон ўлкасида чор ҳукумати анъанавий ҳосилнинг 1/5 қисмини тўлашни кўзда тутувчи солиқ тизимини (хирож ва танобона тўлашни) сақлаб қолди. 1876 йил октябрь ойидан бошлаб, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил қилингандан кейин орадан атиги бир неча ой ўтгач, анъанавий мавҳуд бўлган хирож ва таноб тизими аҳоли томонидан ишлов берилувчи ерлардан олинадиган ялпи даромаднинг 1/10 қисми микдордаги оброк<sup>271</sup> йиғими билан алмаштирилди. Бирок вақт ўтиши билан янги тизимнинг жиддий камчиликлари яққол намойиш бўлиб, ҳукумат унинг асосий камчилиги солиқлар меъёрини белгилашда маҳаллий шароитларнинг хилма-хиллиги, у ёки бу ерларнинг сифати ва ҳосилдорлиги, уларга қанча ишлов берилганлигининг ҳисобга олинмаганлигида эканлигини тан олди.

Солиқ тизимининг амалдаги деҳқончилик шарт-шароитлари билан мос келмаслиги аҳолининг жиддий норозилигини келтириб чиқарган. Натижада қишлоқ жамоаларига ҳамда хусусий ер эгаларига тегишли барча суғориладиган ерлардан бир хилда солиқ олишга асосланган янги тизим қарор топди. Ҳақиқатда ишловнинг ернинг майдони, унинг ўртача ҳосилдорлиги ва маҳсулотларнинг нархи билан боғлиқ ҳолда олинадиган умумий даромаднинг маълум микдорига тенг бўлган солиқ белгиланди.

Ҳукумат томонидан доимий тарзда солиқ ва тўловлар кўпайтириб борилган. Айниқса, фон Кауфман ўлкада солиқ ва тўловлар сонини кўпайтириш билан бирга, уларнинг микдорини ҳам ошириб борган. Бундан асосий мақсад, босиб олинган суғуллардан кўпроқ даромад олиш бўлган. Жумладан, 1865 - 1867 йилларда 1,5 рубл, 1868 - 1881 йилларда 2 рубл 75 тийин, 1882 йилдан 4 рубл ўтов солиғи олинган.

Кўчманчи аҳолининг солиқ тўлаш тартиби «Дашт Низом»и бўйича ҳар бир ўтовдан 3 йиллик қўйнинг баҳоси билан белгиланган, яъни, 2 рубл 25 тийин олинган. Бирок ўлканинг турли суғулларида қўйнинг нархи ҳар хил бўлган. Қўй баҳоси Сирдарё вилоятида 6 рублгача, Фарғонада 9 рублгача, Самарқандда 8 рублгача бўлган<sup>272</sup>. Уларни ўртача микдорга келтиришга интилиш солиқларнинг йил сайин ошиб боришига олиб келган. Масалан,

<sup>270</sup> Давидов Е. В. Пашаев. Управление СПб., 1910. С. 34.

<sup>271</sup> Давидов Е. В. Россия оккупированной томонидан ўрта асрларда пул ва озиқ овқат кўринишида олинадиган йиллик оброк (оброк)нинг 1883 йилда Россияда бекор қилинса ҳам, муаян вақтгача Туркистон вилоятида қўйнинг

<sup>272</sup> Давидов Е. В. История завоевания Средней Азии ... С. 296.

1869 йилга нисбатан 1910 йилда солиқлар 10 баробар ошган<sup>273</sup>. Бундан ташқари 50 тийин сув пули ҳам кўрсатилган. Жами ҳар бир ўтов эгаси йилига 2 рубл 75 тийин солиқ тўлаган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқлардан ҳар ой учун 1 % жарима (пеня) пули олинган. Солиқ тўламаганлардан эса 2 баробар миқдорида ундириб олинган. Солиқ тўлай олмаганлар учун солиқлар жамоадан олинган Солиқ тўловлари учун одамларнинг чорва моллари, мулклари олиб қўйилган. Агар мол-мулки солиқ миқдорига етмаса, бунда ҳам жамоадан олинган.

Бу даврдаги солиқлар уларнинг катта миқдори, солиқларнинг ҳалқ ҳаётида қандай қийинчиликлар келтириб чиқарганлигини Завкий ўзининг «Уй пули» номи шеърида қуйидагича баён қилади:

Анди деган шаҳарга тушди иштоб пули,  
Айлади кўп одамни хонахароб уй пули.  
Зулм қилиб ҳокими солди дўқонларга пул,  
Турмуш алар бошига қаттиқ азоб уй пули<sup>274</sup>.

Солиқ тўплаш волост бошқарувчилари ва маҳаллий солиқ йиғувчилар томонидан амалга оширилган. Подшо ҳукумати томонидан жорий этилган солиқ тизими солиқ йиғишнинг анъанавий усулларига мос эмаслиги, бу соҳада тартибсизликлар вужудга келишига сабаб бўлган.

Ҳар бир деҳқоннинг қанча экин эккани, экин майдонларининг танобларда ифодаланган миқдори ёки сепилган дон миқдори акс этган дастлабки рўйхатлар қишлоқ йиғинларида сайланган шахслар томонидан тузилган, сўнгра сайланган кишилар иштироки ва маҳаллий маъмуриятнинг қузатувида қайта кўриб чиқилган. Ҳукумат томонидан империя манфаатларига хизмат қилган, айниқса солиқларни йиғишда фаол иштирок этган бошқарув вакиллари рағбатлантириб турилган. Масалан, Қўқон уезди томонидан солиқ тўловларининг тақсимланиши, уларни тўплашда фаол иштирок этганларни мукофотлаш ва унинг миқдори аввалги йиллардан ортиқ бўлмаслиги тўғрисида участка приставларига кўрсатма юборди<sup>275</sup>.

Бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига подшо ҳокимиятининг аралашуви натижасида мавжуд маҳаллий тартиблар билан ҳукумат томонидан жорий қилинган тартиблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар подшо ҳокимияти томонидан ерлик аҳоли турмуш тарзидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзига ҳослигини ҳисобга олишига сабаб бўлди.

Анъанавий иқтисодий муносабатлар билан янги маъмурият томонидан жорий этилган тизим ўртасидаги қарама-қаршиликлар ерга бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаш соҳасида айниқса яққол намоён бўлди. Бундай муносабатларнинг замирида айрим ер

<sup>273</sup> Аминов Д.М. Кўрсатилган асар. 98-бет.

<sup>274</sup> Завкий. Ажаб замонлар. Т., Шарқ. 2003. 123-бет.

<sup>275</sup> УЗР МДА И-19-фонд. 1-рўйхат. 9820-ин. 186-вариант.

майдонларидан фойдаланишни тартибга солувчи одатдаги ер хукуки меъёрлари ётар эди.

«Туркестанские ведомости» газетасида 1909 йилда шундай покса тасвирланган: «Тамин ва Зоқут кишлоқлари худудларининг чегарасидаги келишмовчилик сабабли комиссарга арз қилинган. Томонларнинг ҳар бири ўз хукуқларини исботлашга ҳаракат қилган. Қондага кўра, комиссар участкани кўриши, сўнгра томонларга жанжални судда ҳал қилиниши лозимлигини тушунтириши керак эди. Лекин комиссар бунинг ўрнига талаш бўлаётган участкани Тамин кишлоғига тегишли, деб эълон қилиб, ер ўлчовчига унинг режасини чизишни буюрган. Таминликлар бу ерда ариқ қовлаб участкага сув қўйганлар. Зоқутликлар бундан норози бўлиб ариқни бузиб ташлайдилар, бунинг натижасида шу ернинг ўзида муштлашув юз беради. Комиссарни тошбўрон қиладилар»<sup>276</sup>. Бундай вазиятларда ҳукумат ерлик аҳолининг ишларига ўз вакилларини аралаштирмасликка ҳаракат қилган.

Бундай воқеалар XIX аср охирида Фарғона вилоятида ер муносабатларидаги асосий зиддиятлар асрлар давомида таркиб топган турмуш тарзи, ҳўжалик уклади билан маъмурият жорий этишга интилан тартибларнинг бир-бирига мос келмаслигидан келиб чиққан.

Ер муносабатларининг анъанавий тузилмасидаги мавжуд қарима-қаршиликлар, ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, турли солиқларни йиғишдаги кўп сонли суиистеъмолчиликлар, минтақадаги ер-солиқ тизимидаги ҳукумат олиб борган сиёсат кўшиб ижтимоий зиддиятларни ҳам келтириб чиқарган.

XIX аср охирига келиб капитализмнинг ривожланиш даврида ўлкада кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва уни сотиш билан шуғулланувчи турли фирмалар ўз фаолиятларини авж олдириган. Воситачилар ва олиб-сотар чайқовчилар турли савдо операциялари орқали оддий деҳқоннинг меҳнати натижасида олган фойдасига шерик бўлиб, катта маблағларни ўз фойдасига унаштириб олар эдилар. Бундай ишларда маҳаллий бошқарув вакиллари ҳам юқори мавқега эга шахслар сифатида иштирок этганлар.

Бу даврда бошқарувнинг қуйи бўғинида фаолият олиб борган ерлик ахли вакиллари иктисодий масалаларга оид ишларни ҳал қилиш жараёнида, айниқса солиқ солиш, тўплаш ва уни маъмуриятга топширишда ўз ҳисобига ўзлаштириб олиш, пора бериш солиқларни миқдорини камайтириш, йиғилган маблағларни ўз иштирокида ташкирмаслик каби ишларга йўл қўйганлар. Бошқарувда иштирок этганлар орасида мустамлака ҳукумат манфаати учун сулоҳ хизмат қилиб, унга содиқ бўлганлар ҳам бўлган. Улар орасида айниқса таржимонлар, мирзалар орасида мустамлакачи ҳукуматга сидқидилдан хизмат қилганларни Мустафо Чўқай ва Мустамлака ҳолида бўлган бир мамлакатда тилмоч маъмурлар у

мамлакатнинг миллий манфаати нуқтаи назаридан энг зарарли, энг кўркинчли маҳлуқлардир ... Орада ўз юртдошларидан ришват олмоқчи бўлиб, идора бошлиғи билан бирлашиб, ўз халқини юртдошларини қийнаб ...»<sup>277</sup> фаолият олиб борганлигини таъкидлайди.

Ҳокимият томонидан жорий этилган бошқарув тизими вакилларининг фаолиятлари вақт ўтиши билан ўзгартириб борилган. Масалан, волост бошқарувчиси бевосита съезднинг назорати остида бўлиши, ўз навбатида у овул жамоаларининг фаолиятларини назорат қилиши лозим эди.

Солиқ миқдори кўрсатилган волостлар бўйича рўйхатлар 3 йил муддатга волост бошлиғи сайланадиган волост съездларида тузилган. Солиқ рўйхатининг тўғри тузилишини таъминлаши учун дастлабки даврда волост бошлиқларига тушган солиқнинг 10 % берилган. Агар солиқ рўйхати нотўғри тузилса, маълум миқдорда жарима солинган<sup>278</sup>.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларнинг кўрсатишича, бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан келиб чиққан кўплаб норозилик ҳаракатларининг сабаби маъмурлар томонидан текширилиб, унинг айбдори қилиб асосан қуйи бошқарув вакилларининг ўзбошимчалиғи, ўз мансабини суиистеъмол қилиши, порахўрлиги деб кўрсатилади. Бу билан улар кенг халқ оммасини алдаб, асосий сабабчи ўзлари (мустамлакачилар) эканлигини усталик билан яшириб, муаян лавозимдаги ерлик аҳоли вакилини бошқаси билан алмаштириб, ўз сиёсатларини давом эттирганлар.

Фаргона вилоятида тадқиқ этилган даврда мустамлакачилик сиёсати натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар оқибатида ерлик аҳолининг сиёсий кўринишдаги ҳаракатлари (норозилик билдириш, ўрнатилган тартибларга бўйсунмаслик, буйруқ ва кўрсатмаларни бажармаслик, амалдорларни топшириқларини қилмаслик, уларни ҳайдаб юбориш, калтаклаш, мол-мулкига ўт кўйиш, ўлдириш, қуроли кўзғолон ва бошқалар) чор ҳукуматига, яъни бу сиёсатнинг ташкилотчиларига эмас, балки ерлик аҳоли вакилларида бўлган унинг жойлардаги ижрочиларига қаратилган. Бундай ҳолатнинг юзага келиши чор ҳукуматининг белгиланган режаси асосида амалга оширилган ишлари натижасида рўй берган. Бунда бу ишларнинг ташаббускорлари ва асосий ҳомийлари катта манфаат ва бойлик орттиргани ҳолда четда туриши назарда тутилган эди.

Мустамлакачилар манфаатларидан келиб чиқиб ўрта Осиёнинг мустамлакага айлантирилган ҳудудлари қатори Фарғона вилоятида ҳам бу даврда жуда кўплаб норозиликлар бўлиб ўтган. Масалан, Дарвешхон кўзғолони (1885), Дукчи Эшон кўзғолони (1898), 1916 йилдаги ва бошқа ўрта Осиёдаги оммавий кўзғолонларни кўрсатиш мумкин.

<sup>277</sup> Мутафо Чўхай ўғли. Истиқлол жалодлари. Т.: 1992. 11-17-бетлар.

<sup>278</sup> Отчет ... К.К. Палена. Уездное управление. СПб., 1910. С. 10.



Бу даврдаги аҳолининг маъмуриятга ёрдам сўраб қилган муружатлари, шикоятларни инобатга олмаганлиги каби ҳолатларни ўша даврда яшаб ижод этган ўзбек шоири Завқий ўзининг «Қаҳатлик» номли шеърида куйидагича кўрсатади:

Ялангга тўпланибди кўп халойиқ,  
Сўз айтур ҳар бири ҳолига лойиқ...  
Комитет садри, ҳоким ҳам приступ,  
Чиқиб келди аларни қуршади тўп...  
Қилиб эрдики ҳоким бир ишора,  
Ийғилди қанча миршаб бешумора<sup>279</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув тизимининг қуйи босқичида либнанавий қоидаларнинг саклаб қолинишидан асосий мақсад «Туркистонда ҳам босқичма-босқич империядаги сингари кишлок жамоа тизimini ташкил қилиш, шунингдек, жойларда аҳоли ичидан ўзлари учун «ишончли кишилар»ни танлаб олиш, аҳоли ва ҳали маҳаллий шароит билан нотаниш бўлган маъмурият вакиллари ўртасида воситачилик қила оладиган одамларга эга бўлиш, солиқ тўлаш бўйича ерлик аҳолининг аниқ рўйхатларини туза оладиган кишиларга эга бўлиш эди. Бундан ташқари подшо ҳукумати вакиллари солиқ ундирилишини, ерлик аҳолининг ички ҳаётига аралаштиш турли норозиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини инобатга олиб ҳам шундай йўл тутганлар.

Бу билан яна маъмурлар ерлик аҳолининг солиқ сиёсати ва ишанч шарт-шароитларнинг ёмонлиги натижасида кўтарилган норозилик ҳаракатлари волост бошлиқлари, кишлок оксоқоллари, ошул бошлиқлари ва бошқа шу сингари ерлик аҳоли вакиллари билан бўлган кишиларга қарши қаратилган бўлиши, аҳолининг гўёки бундай катта миқдордаги солиқлар, мажбуриятлар, қийинчилик ва бошқа жабр-зулмлар рус ҳукумати эмас, балки қуйи бошқарувдаги ерлик халқ вакилларининг «ўзбошимчалиги», «ўз мансабини сунистеъмом қилиши», «солиқ тўловлари миқдорини кўтариши» каби ишлари натижасида юзага келган деб хулосага келишларини ақдаганлар. Бу нарса амалда деярли улар ўйлагандай бўлиб чиққан.

Хуллас, Фарғона водийси Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилгандан сўнг ижтимоий, иқтисодий масалалар хал қилиниши бошқарувнинг қуйи бўғинида амалга оширилган. Бу даврдаги маҳаллий бошқарув ижтимоий-иқтисодий муаммоларни империя манфаатлари бўйича ижро органига айлантиришга ҳаракат қилинган. Қуйи бошқарув фаолияти тўлиқ ўша маъмурияти назорати ва кўрсатмалари, ишлаб чиқилган «Низом» лойиҳаларидаги тартиблари бўйича ташкил қилинган. Бошқарувнинг қуйи босқичида иштирок этган ерлик аҳоли вакиллари ўз фаолиятлари давомида туб жой халқларнинг манфаатларидан келиб чиқиб жойлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни хал қилишга интилганлар. Маҳаллий аҳоли вакиллари сиёсий масалаларни хал қилишда ўлка

маъмуриятига мурожаатлари, ўрнатилган тартибларга билдирган муносабатлари кўринишида намоён қилганлар. Бошқарувнинг қўйи босқичи вакиллари бу даврдаги мустамлакачилик сиёсат, солиқларнинг кўплиги, ноҳақлик, адолатсизликлар каби вазиятларга қаратилган норозилик ҳаракатлари, қуроли кўзғолонларда ҳам фаол иштирок этганлар. Уларнинг кўпчилиги миллий озодлик ҳаракатларининг нафақат иштирокчиси, балки уларни ташкилотчиси, қўллаб-қуватлаб турувчи куч сифатида қатнашганлар.

### *Маҳаллий суд тизими ҳамда унинг фаолияти*

Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан забт этилишидан олдин маъмурий ва суд лавозимлари асосан ислом уламолари (руҳонийлар) қўлида бўлиб, улар ҳарбий ишларда ҳам иштирок этганлар. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида қозилар суди<sup>280</sup> мавжуд бўлиб, у давлат сиёсий тизимининг асосий бўғини ҳисобланган. Шарият қонунларига асосланган қозилар суди назорат ва жазолаш вазифаларини бажарган.

Қозиларни тайинлаш, ишдан четлаштириш ва уларнинг сонини белгилаш амир, хон ёки жойларда бекларнинг ихтиёрида бўлган. Амир ёки хон барча қозиларга энг обрўли ва билимдон қозилар (уламолар)дан бирини олий судья - қозикалон (бош қози) лавозимига тайинлаган. Қози калон қозиларнинг ишига бевосита аралашмаган, қозиларнинг ҳукми қатъий бўлган. Қози фақат тортишувларга сабаб бўлган мунозарали ишларни қозикалон ихтиёрига жўнатарди, у эса бундай ишларни уламолар ҳукмига ҳавола этган.

Қозиларнинг фаолият доираси қатъий белгиланган ҳудудга эга бўлмаган. Даъвогарлар ўзлари ишонган қозиларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Суд жараёни томонларнинг оммавий ва ошқора баҳслари тарзида кечган. Суд мажлиси бошланишидан олдин қози томонларга келишишни таклиф қилган. Агар томонлар келишувга рози бўлмаса, қози уларни Қуръони карим билан қасам ичдирган. Суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари эшитилган. Қози чиқарган ҳукм маҳаллий ҳокимият томонидан ижро этилган. Қозиларга давлат томонидан маош белгиланган, уларга даъвогар томонлар маълум миқдорда тўлов ҳам тўлаганлар.

Россия империяси ҳукмрон доиралари ўртасида Ўрта Осиёдаги мустамлакага айлантирилган ҳудудларда суд тизимини жорий қилиш масаласи узок тортишувларга сабаб бўлган. Чунки, янги ҳукумат ерлик аҳолининг суд ва қонунчилик тизими тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаган. Бундан ташқари ерлик аҳолининг мавжуд суд ва қонунчилик тизимини тўлиқ жорий қилиш ҳам империянинг ўлкадаги манфаатларига тўғри келмас эди.

<sup>280</sup> Қози (арабча - тайин қилувчи, ҳукм чиқарувчи) - ҳукмдор томонидан тайинланиб, шарият жараёнида судловни бажарувчи шахс. Қозилар кўпинча фақиҳлар (ислом ҳуқуқшунослари) орасидан чиққан. Қозилар Ўрта Осиё хонликларида кўпинча отадан ўғилга ўтган. Қўллаб қозилар сулолалари бўлган.

Босиб олинган ҳудудда янги суд тизимини яратиш анча мураккаб жараён эканлиги ва норозиликларни келтириб чиқариши мумкинлиги эътиборга олинган. Шунинг учун бу соҳада ҳукумат эҳтиёткорлик билан иш юритган.

Шариат қоидаларига асосланган қозилик суд тизимининг мавжудлиги янги дунёвий суд тизими ва қонунчилик тартибларини яратишда маҳаллий шарт-шароит ва миллий хусусиятларни ҳисобга олинишини талаб қилган.

Россия империясининг Кавказ, Татаристон ва бошқа мустамлакага айлантирилган ҳудудларда олиб борган мустамлакачилик сиёсати давомида орттирган тажрибаси асосида, Туркистонда ҳам дастлабки даврда "халқ судлари" ваколатларини чекланган ҳолда сиқлаб қолиш ва аста-секинлик билан уни империя тартибларига яқинлаштириш чора-тадбирларни амалга оширилди. Ҳукумат ўз тажрибасига асосланиб ўлкадаги бошқарув тизимида кескин ўзгаришлар қилмасдан, мавжуд суд ишлари тизимини сақлаб қолиб, уни синчиклаб ўрганди. Мустамлакага айлантирилган ҳудудларни бошқариш тартиблари қаторида суд тизими ҳам ҳал қилиб борилган. Бу масалада Россия империяси ҳукмрон доираларининг, жумладан, ҳукумат, ҳарбий ва бошқа соҳа вакилларининг фикрлари турлича бўлган.

1865 йил 25 январда Александр II босиб олинган Ўрта Осиё ҳудуди доирасида Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Туркистон вилоятини ташкил қилиш тўғрисидаги Махсус қўмитанинг қарорини тасдиқлагандан сўнг Туркистон вилояти ҳарбий губернатори қилиб тайинланган М. Черняевга ҳарбий вазир Д. Милютин томонидан шариат судларининг ваколатларини чегаралаш зарурлиги, мусулмон руҳонийлари фаолияти империя манфаатларига тўғри келмаслиги тўғрисида кўрсатма беради<sup>281</sup>.

М. Черняев томонидан ишлаб чиқилган «Ўрта Осиё чегара вилояти тўғрисида низом» лойиҳаси» 1865 йил 6 августда Александр II томонидан «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисида вақтинча низом» номи билан тасдиқланади<sup>282</sup>. «Низом»га кўра Туркистон вилоятидаги суд тизими икки босқичга бўлинган. Жумладан, 1) Ҳарбий суд - ҳарбий хизматчиларга тегишли ишлар, ерлик аҳоли ва Россия империяси фуқаролари иштирокидаги сотиллик, талончилик ва босқинчилик билан боғлиқ жиноятларни кўрган; 2) Утроқ аҳоли учун - қозилар суди ва кўчманчи аҳоли учун бий судлари мустамлакачи ҳукумат томонидан тайинланган маҳаллий бошқарув органига бўйсунган. Улар томонидан маҳаллий аҳоли ўртасидаги турли, асосан ижтимоий, оилавий масалаларга оид ишлар ҳал қилинган.

1865 йил 6 августдаги «Низом»да қозикалон лавозими бекор қилинади. Барча қози ва бийларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилади. Шундан ташқари, судьяларнинг уч йил муддатга сайланиши ва уларнинг фаолиятлари маълум бир ҳудуд доирасида олиб борилиши

<sup>281</sup> УАҲМДА. И-1 фонд. 1-руйхат. 261-иш. 44-варақ.

<sup>282</sup> Шенкел. Ю.К. Пленен. Народные суды Туркестанского края. С. 6-7.

белгиланади. Уларга ўлимга ҳукм қилиш ва бошқа оғир жазоларни тайинлаш ҳуқуқлари берилмайди. Қўрилган ишлар бўйича якуний қарор қабул қилиш ҳарбий губернатор ихтиёрида бўлган. Савдо ишларидаги масалаларни ҳал этиш тижорат судлари ихтиёрига берилган<sup>283</sup>.

1866 йилда М. Черняев ўрнига тайинланган генерал-адъютант В. Романовский қозилар суди ўрнига маҳкама (коллегиал) маҳаллий суд органларини жорий қилади. Маҳкамани жорий қилинишининг сабаби ерлик аҳолининг суд тартиблари бўйича талабга жавоб берадиган тизим ҳали шаклланмаганлиги деб кўрсатилади. Маҳкамани тузиш асл сабабларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) янги идора усулига очиқдан-очиқ қарши чиққан маҳаллий аҳоли айрим қатламларининг сиёсий таъсирини сусайтириш; 2) руҳонийларининг қуйи маъмурий идораларга бўлган таъсирини чеклаш; 3) Туркистонда империя давлат идоралари тизимини шакллантириш орқали уни Россия империясининг таркибий қисмига айлантириш.

Мазкур идорага ҳукумат амалдорлари бошчилик қилган. Маҳкама йиғилишларининг доимий қатнашчиси қози бўлиб, қолган аъзолар Тошкент аҳолисининг бой-бадавлат вакилларидан сайланган. Катта маслаҳатчи рус ҳукумати томонидан тайинланиб, у ўзига иккита кичик маслаҳатчи-ёрдамчиларни танлаб олиши мумкин бўлган. Маҳкама қошида кўчманчи аҳолининг суд ишлари билан шуғулланувчи махсус бўлинмалари фақат бийлардан тузилган эди. Маҳаллий судларда христиан дини намояндалари ислом дини қоидаларига тўғри келмаслиги учун қатнашмаган.

Маҳкама аъзоларининг барчасига маош белгиланган. Катта маслаҳатчилар йилига - 2400 рубль, қозилар - 1200 рубль, кичик маслаҳатчилар - 900 рубль олган<sup>284</sup>.

Маҳкама чиқарган қарор унинг раиси бўлган рус амалдорини қаноатлантирмаса, у ишни ҳарбий губернатор ихтиёрига ҳавола этган.

Маҳкаманинг жорий қилинишидан асосий мақсад ерлик аҳоли билан келишмовчиликлар юзага келган вақтда мустамлакачи ҳукуматнинг манфатларини ҳимоя қиладиган орган сифатида фаолият олиб бориши назарда тутилган.

Маҳкама кўринишидаги бундай суд органларининг ташкил қилиши биринчи навбатда босиб олинган ҳудудлардаги халқларнинг миллий ва ислом дини асосларида шаклланган ҳаёт тарзига қарама-қарши эди. Иккинчидан, маҳаллий, миллий ва диний хусусиятларга эга бўлган қозилик суди ва шарият асосига зид келадиган, қози суд тизимининг жамиятдаги ўрнини йўққа чиқаришга қаратилган маҳкама судлари ўз навбатида ерлик аҳоли вакилларининг норозиликларини келтириб чиқарди. Бунинг натижасида маҳкама ўз фаолиятини тўлиқ олиб бора олмади ва ерлик аҳоли томонидан қабул қилинмади.

<sup>283</sup> УзР МДА. И-1-фонд. 1-руйхат. 18-иш. 24-варақ.

<sup>284</sup> УзР МДА. И-1-фонд. 1-руйхат. 46-иш. 29-варақ.

«1865 - 1867 йилларда қозиларни губернаторлар тайинлашарди, 1867 йилдан бошлаб аҳоли вакиллари томонидан сайланадиган бўлди»<sup>285</sup>.

1867 йилда Россия империяси ҳукмронлиги анча мустақкамла-ниб олгандан сўнг, ўлка Оренбург генерал-губернаторлиги тарки-бидан чиқарилиб, империя таркибига кирувчи алоҳида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Бу ўтган давр мобайнида мустамаккачи ҳукумат ўлка ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тарзини ўрганиб чиқади. Бу даврда аҳоли устидан мустамакка бошқаруви ўрнатилиб, ўлкада анча мустақкам ўрнашиб олган эдилар.

Урта Осиёда алоҳида генерал-губернаторликнинг ташкил қилиниши ва унга ҳар соҳада катта ваколатларнинг берилиши оқибатида мустамаккачи ҳукумат манфаатларига мос равишдаги суд тизимини жорий қилишга имконият туғдирилди. 1865 йилдаги «Низом»га мувофиқ жорий қилинган суд тизими янги ҳукуматнинг бу соҳадаги биринчи қадами эди.

1867 йилги «Низом» лойиҳасида ўлкада учта - ҳарбий, империя қонунлари асосидаги ва халқ судлари фаолият олиб борган. Ерлик аҳоли вакиллари ҳарбий судларда хоинлик, давлатга қарши ва унга қарши тарғибот олиб борганлар, почта ва ҳарбий транспортларга ҳужум қилганлар, христиан ва бошқа динларни қабул қилган ҳамда уни қабул қилишни хоҳлаганларни, мансабдор кишиларни ўлдирганлар иши кўрилган. Империя қонунлари бўйича қароқчилик, ўғирлик, қарвонларга ҳужум қилганлар, бировни мулкига ўт қўйганлар, ҳукуматга қаршилик кўрсатганлар, қалбаки пул тайёрлаганлар, давлат мулкани ўғирлаганлар, одам ўлдирганлар иши кўрилган.

Бу даврдаги суд тизими 1867 йилдан 1886 йилгача бўлган даврда (1867, 1871, 1873, 1881, 1883, 1884) қонунан тасдиқдан ўтмаган олтита лойиҳа асосида фаолият кўрсатган.

Фарғона вилоятида Россия ҳукмронлигини дастлабки даврида ерлик аҳоли норозиликлари кучайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қози ва бий судлари, яъни маҳаллий суд тизими айрим чеклашлар билан қолдирилган. Маҳаллий суд тартиблари уч бос-қичда иш олиб борган. Биринчи босқичда қози ва бийларнинг яқка тартибдаги судларида миқдори 100 рублдан ортиқ бўлмаган жиноий ва фуқаролик ишлари, иккинчи босқичда қози ва бийларнинг қурултойи бўлиб, даъво миқдори 1000 рублдан ошмаган ишлар, учинчи босқич фавқулодда қурултойи бўлиб, даъво миқдори 1000 рублдан ошиқ бўлган мунозарали ишлар ҳал этилган.

Бундай тадбирлар қози ва бийлар судларининг аҳолига бўлган таъсирини камайтириш ва уларни назорат қилинишини осонлашти-риш мақсадида амалга оширилган<sup>286</sup>.

<sup>285</sup> Узбекистон халқлари тарихи. 2-том Т. Фан, 1993 149-бет

<sup>286</sup> Отчет К.К. Паленя Народные суды Туркестанского края - С. 175.

Шариат бўйича суд ишларини олиб боровчи қозиларни «рус маъмурияти уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ва назорат қилиб турарди»<sup>287</sup>. Аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланадиган халқ судьялари вилоят губернатори тасдигидан ўтишлари керак бўлган. Нуфузли ва катта ҳурматга эга бўлган қози ва бийларнинг аҳоли ўртасидаги обрўсига путур етказиш, улар орасига нифоқ солиш мақсадида судьяларни сайлаш усули дастлаб бийларга нисбатан қўлланган эди. "Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳасига тушунтириш хати"да кўчманчи аҳолининг уруғ бошлиқлари муҳим мавқега эгаллиги "сиёсий жиҳатдан маълум маънода хавфли бўлиши мумкинлиги... учун ҳам уларнинг ўлкадаги таъсирини йўққа чиқариш зарурати вужудга келди",<sup>288</sup> дейилади. «Низом» лойиҳасига кўра, ҳар бир волостда сайланадиган бийлар микдорини ўтовлар сонидан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий губернаторнинг ўзи белгиларди. Кўчманчилар битта ёки бир нечта бийларга мурожаат этишлари мумкин эди. Баъзи ҳолларда томонлар бийни танлашда мурасага келишмаган ҳолда, судлов ишини жавобгар волостдан даъвогар кўрсатган бий олиб борган.

Бий 25 ёшдан ошган, судланмаган шахс бўлиши керак бўлган. Бийлар маош олишмаган. Улар одатга биноан ҳукм қилинган мулкнинг 10 фоизини ташкил қилувчи «бийлик» ҳақини олганлар. Бийларни судга фақат ҳарбий губернатор топшириши мумкин эди. Бундан кўринадики, бийлар ҳукумат вакилларига боғлиқ ва у билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Бий лавозимига тасдиқланган шахслар уезд бошлиқлари томонидан бериладиган махсус белгилар - мисдан ясалган нишон ва муҳрга эга бўлганлар.

Подшо ҳукумати жаҳон афкор оммаси олдида ўзини «адолатли» қилиб кўрсатиш мақсадида ташвиқот ишларига катта ўрин ажратган. Масалан, «Қора қирғизларда халқ бошқаруви ҳақида» деб номланган мақолада рус маъмурияти бийлар судига тўлиқ мустақиллик бермоқчи эканлиги, аммо аҳоли унга инъом этилаётган имтиёزلарни тушунмаётганлиги тўғрисида маълумот берилади<sup>289</sup>.

Аслида эса подшо маъмурияти маҳаллий судларни ислох қилишда "уларнинг ўлкадаги маънавий аҳамиятини камайтириш" бўйича чора-тадбирлар кўради<sup>290</sup>. Шу боис руҳонийларнинг таъсирини омма ўртасида пасайтириш учун ўта эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозимлиги уқтирилиб, дастлаб ўлкада бир неча асрлардан буён амал қилаётган суд муассасаларини тубдан ўзгартирмаслик йўлини тутган. Суд тизимига руҳонийларнинг таъсирини камайтириш учун қўлланиладиган энг тўғри усул, халққа судьяларни сайлаш ҳуқуқини бериш деб ҳисобланган. Бирок,

<sup>287</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. Т. Фан. 1993. - 171-бет.

<sup>288</sup> Пояснительная записка к проекту положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. - СПб., 1874. - С. 51.

<sup>289</sup> Туркестанские ведомости. 1871. 29 января. № 2.

<sup>290</sup> Пояснительная записка к проекту положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. - СПб., 1874. - С. 53.

амалда ерлик аҳоли томонидан қози ва бий лавозимларига обрўли, нуфузли мадрасаларда таҳсил олган кишиларнинг сайланиши ҳукуматни ноқулай ҳолатга тушириб қўйди. Чунки кўп жойларда Бухоро ёки Самарқанд мадрасаларида ўқиган кишилар қози лавозимига сайланиб қолиб, ерлик аҳоли учун жорий қилинган судьяларни сайлаш тартиби ҳукумат учун ўзига яраша салбий ҳолатларни келтириб чиқара бошлади.

Фарғона вилоятида худудий судлов бўлинмалари бўлмаган, даъвогар иш юзасидан ўзи ишонган қозига мурожаат қилган.

Суд ишларини ошқора тарзда ва кенг жамоатчилик олдида олиб бориш усулининг жорий қилиниши оммавий тарзда ўтказилиши суд жараёнида қозилик судларининг обрўсини тушириш ҳамда мустахлак судларининг ролини ошириш мақсадида қилинган эди. Ҳукумат амалдорларининг тахмини бўйича маҳаллий судьялар порахўрликка ружу қўйиши керак эди, ҳолбуки, Россия империясидаги судлов ишларида таъмағирлик ва порахўрлик авжида бўлган<sup>291</sup>.

Маъмурият қозоқ ва қирғизларнинг турмуш тарзида рўй берган ўзгариш, яъни кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга ўтила бошлашига қарамай, суд ишлари фақат бий судлари орқали амалга оширилган. Бийлар суди сиёсий нуқтаи назардан ҳукумат учун хавфли ҳисобланмасди, ёзма ҳуқуққа асосланган шариат эса хавфли саналиб, унинг мавжудлигига фақат «...маълум чеклашлар билан тоқат қилса бўлади»<sup>292</sup>, деб кўрсатилган.

Рус ҳуқуқшуносларидан бири М. Михайлов «Қозилар суди» деб номланган мақоласида халқ судьялари тизимининг ўрнатилиши ҳақида мулоҳаза юритиб, маҳаллий аҳолининг суд шакли баъзи ўзгаришлар билан сақлаб қолинишининг асл сабабларини қуйидагича тушунтиради:

1) ҳукумат чекка ўлкаларни «тинчлантириш» билан машғул бўлган бир пайтда туб аҳоли орасидаги суд ишларини ҳал этишдан овоз бўлди;

2) ҳукумат дастлабки вақтларда диний расм-русумларни бузишдан бироз чўчиган;

3) маҳаллий аҳолининг ички ҳаёти туғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ эди;

4) суд тизимининг қўйи поғонасида рус судларини жорий этиш молиявий жиҳатдан ўзини оқламасди<sup>293</sup>.

Маҳаллий суд тасарруфидан қотиллик ва талончиликка тегишли судлов ишлари олиб қўйилган эди. Никох ва оилавий ишлар, ер ва сувдан фойдаланиш масалалари халқ суди тасарруфида қолдирилган бўлса-да, қози ёки бийларнинг қарорларидан норози бўлган шахслар ишда мустахлакчи маъмурият узил-кесил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

<sup>291</sup> История XIX века - М., 1939. Т. 6. - С. 76.

<sup>292</sup> ЎзР МДА. И-1-фонд. 27 руйхат, 68 иш. 2-3-варақлар.

<sup>293</sup> Туркестанские ведомости. 1881, 5 мая. № 17.

Умуман олганда халқ судларининг қарорларини бекор қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилганлигига қарамай, Туркистон генерал-губернатори ва харбий губернаторлар бу қондани мунтазам равишда бузганлар.

Туркистон генерал-губернаторининг 1877 йил 17 февралдаги фармонида асосан харбий губернаторларга халқ судларининг жиноий ишлар бўйича уч ойдан ортиқ муддатга белгиланган жазо ҳукмларини ўзгартириш ҳуқуқи берилди<sup>294</sup>. Бу қози ва бийлар судини батамом бекор қилиш билан баробар эди. Бунга кўра «харбий губернатор қозилик ва бий судларининг ҳукмларини Россия харбий жиноят қонунларига мувофиқ бўлган жазолар билан алмаштириш ҳуқуқига берилади»<sup>295</sup>. Фармон эълон қилингандан кейин қисқа вақт ичида маҳаллий суд қарорларининг учдан бир қисми ўзгартирилган ёки бекор қилинган. Оқибатда қози ва бий судларининг аҳоли ўртасида камситилиб, унинг мустақил иш юритишига путур етказилган.

Фарғона вилояти губернатори уч йил давомида (1880 - 1882) 141 суд қарорининг 39 тасини, яъни 28 фоизини ўзгартирган ёки бекор қилган эди. Баъзан ашаддий жиноятчиларни озод этиш ҳоллари ҳам учраб турарди. Маҳаллий судлар томонидан Сибирга сургун қилишга маҳкум этилган 27 та жиноятчидан 24 таси губернаторнинг фармонида биноан озод қилинган<sup>296</sup>. Масалан, аёл кишининг номусига теккан бешта жиноятчини Сибирга сургун қилиш ҳақидаги Чуст шаҳри қозиларининг ҳукми губернатор томонидан 7 ой камроқ жазосига алмаштирилган. Исломи динига шак келтирилганлиги учун Марғилон қозилари томонидан Сибирга сургун қилишга ҳукм этилган жиноятчи эса рус империяси қонунларида бундай жазо кўзда тутилмаганлиги ҳисобга олиниб озод этилган<sup>297</sup>. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Маҳаллий суд ҳукмидан норози бўлган ерлик аҳоли вакиллари рус судларига муурожаат этишлари тартибининг жорий қилинишининг ўзи «халқ судининг» обрўсига путур етказган. Бундан ташқари турли миллатга мансуб кишилар ўртасида содир бўлган жиноятлар, келишмовчиликларнинг факат рус судлари кўриб чиқиши тартиби ўрнатилди.

Ерлик аҳолининг менталитетига ёт бўлган янги маъмурий ва суд соҳаларидаги тартибларнинг киритилиши улар томонидан ишончсизлик билан қабул қилинди. Масалан, туб аҳоли рус ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан бош тортган бўлса, қозок миллатига мансуб аҳолиси томонидан маъмурий-суд тизими жорий қилинишига қарши кўплаб қуролли норозилик чиқишлари бўлиб, улар подшо кўшинлари томонидан бостирилган.

Ҳукумат ерлик аҳолининг суд тизимини қайтадан ташкил қилиб, уламоларни, умуман ислом динининг аҳолига бўлган таъси-

<sup>294</sup> Отчет ... Гирса. - С. 112

<sup>295</sup> ЎзР МДА. И-336-фонд. 1-руйхат, 26-иш. 6-варақлар.

<sup>296</sup> Туркестанский сборник. 1908. Т. 481. - С. 8-10

<sup>297</sup> Отчет Гирса ... - С. 113.



рини камайтириш ниятида бўлган. Бироқ унинг маҳаллий аҳоли янги тузилган рус судларига бажонидил мурожаат этади, деган режаси амалга ошмади. Ерлик аҳоли шариат судларига мурожаат этишни афзал кўрардилар. Масалан, 1880-1882 йилларда кўриб чиқилган 4637 та ишдан бор-йўғи учтаси рус судига тегишли эди<sup>298</sup>.

Маҳаллий аҳолининг рус судларига кам мурожаат этиши, ҳатто уларга жиноятчиларни топширишдан бош тортиши сабабларини ҳукумат амалдорлари куйидагича таҳлил этишган: биринчи ва асосий сабаб деб диний қарашлардаги фарқ кўрсатилган бўлса, иккинчи сабаб сифатида ерлик аҳоли ва мустамлака маъмурларининг жиноятнинг муҳимлиги, суд жараёни ва суд органларининг тузилиши ҳамда жазо турлари ҳақида тасаввурлардаги фарқ деб кўрсатилар эди. Учинчи сабаб сифатида ерлик халқ учун рус судларининг судлов жараёни узок муддатга чўзилиши, терговнинг суддан ажратилганлиги тушунарсиз эканлиги таъкидланади. Судгача бўлган узок муддатли қамок ҳам маҳаллий аҳолига салбий таъсир кўрсатишини рад этиб бўлмасди. Баъзан йиллаб ҳукм чиқарилишини қамокда кутиш ҳар қандай жазодан оғир эди. Туб жой аҳолисининг рус судларида сохта гувоҳлик бериши ва аксинча, «халқ судларида» деярли ёлғон гапирмаслиги маъмурият учун тушунарсиз эди<sup>299</sup>.

«Оғир жиноят содир этганларни ҳам рус судлари кўпинча озод этиб юборилган, чунки ерлик аҳоли рус судларида тергов иши вақтида ёлғон гувоҳлик бериб, жазодан қутулиши мумкин бўлган. Туркистон ўлкасидаги суд жараёнлари бегона тилда юритилиб ерлик аҳоли вакиллари учун тушунарсиз бўлган. 1873 йилдаёқ матбуотда «суд ва бошқа муассасаларни ташкил қилишдан олдин туб жой аҳолисини рус тилига ўргатиш керак, акс ҳолда халқни бошқаришнинг ҳам, унга тушунарсиз бўлган қонунлар асосида суд қилишнинг ҳам иложи йўқ»,<sup>300</sup> деган фикр илгари сурилган эди. Малакали таржимонларнинг йўқлиги судлашаётган тарафларнинг даволарини нотўғри таржима ва талқин қилинишига олиб келган. Маҳаллий тилларда ҳуқуққа оид адабиётларнинг йўқлиги, айниқса рус ишбилармонлари билан савдо юритаётган ва рус қонунлари асосида шартнома тузаётган ерлик шахслар учун қийинчиликлар туғдирарди.

Шундай қилиб, ҳукуматнинг 1865 - 1886 йилларда қозилар ва бийлар судининг обрўсини тушириб, мустамлака судларининг аҳамиятини кучайтиришга қаратилган сиёсати кўзланган натижани бермади. Маҳаллий аҳоли мустамлака судларини писанд қилмаганлигини англаган маъмурият бундай ҳолатнинг асосий сабабини «қозилар суди мусулмон дини, шариат томонидан ўрнатилган суд бўлиб, «ғайридинлар суди» орқали эришиш мумкин бўлган фойда учун қозилар судидан очикдан-очик юз ўгириш

<sup>298</sup> Туркестанский сборник. 1908 Т. 481 - С. 7.

<sup>299</sup> УЗР МДА. И-717-фонд. 1-руйқат. 6а-илл. 4-варақ.

<sup>300</sup> Туркестанский сборник. 1873 Т. 73. - С. 161.

этикодли мусулмон учун бадном бўлиш билан бараварлигида», деб тушунган<sup>301</sup>.

1886 йили Фарғона вилоятидаги суд тизимида ўзгаришлар рўй берди. Янги қабул қилинган «Низом» лойиҳасига биноан шариат судларининг ваколатлари янада қискартирилди. Уларга маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасида тузиладиган турли хил расмий ҳужжатларни тасдиқлаш, жиноят содир этганларни 1,5 йил муддатгача қамоқ жазосига ҳукм этиш, жазо муддатини ўтаган шахсларни ўз турар жойларига жўнатиш ҳақида маъмуриятдан илтимос қилиш ҳуқуқи берилди. Шу билан биргаликда, қозилар қурултойи қўйи судлар чиқарган ҳукмларни қайта кўриш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар. Эндиликда қозилар «халқ судьяси» деб аталадиган бўлди. К.К. Пален ўзининг ҳисоботларида «Ушбу Низомга биноан халқ судьяси лавозимига мутлақо саводсиз киши ҳам сайланиши мумкин эди. Халқ судьясининг саводли кишилардан бўлиши тўғрисидаги талабнинг қўйилмаганлиги, судьяларнинг ақлий савиясини жуда пасайтириб юборди, судьяларнинг сайлаб қўйилиши эса улар ахлоқининг тубанлашувиغا олиб келди»<sup>302</sup>, деб кўрсатади.

«Халқ судья»ларини эндиликда аҳоли эмас, балки элликбошилар сайлар эдилар. Бу ҳол судьяларни сайлашда порахўрликнинг ва турли хил низоларнинг авж олишига катта йўл очиб берди. Бундан ташқари, 1886 йилги «Низом» лойиҳасида жиноятларнинг таснифланмаганлиги «халқ судья»ларига истаган жазони белгилашига кенг имконият яратиб берган эди. Бу ҳол уларга айбдорни ўз билганларича жазолашига, аниқ белгиланган иш ҳақининг йўқлиги эса порахўрликни авж олдирган.

Фарғона вилояти ташкил қилингандан сўнг рўй берган сиёсий-иқтисодий жараёнлар каторида рус судларида ҳал этилиши талаб этилган ишларнинг сони тобора ортиб бориши билан алоҳида ажралиб туради. Шариат судлари эса энди кўпроқ маиший-хўжалик масалаларини ҳал этиш билан машғул эди. Шу билан бирга 1886 йилги «Низом» лойиҳасининг аксарият бандлари мукаммал ишланмаган бўлиб, бири бошқасини инкор қиларди. Ушбу меъёрий ҳужжатнинг асосий моҳияти ислом ҳуқуқига биноан ҳокимият бўлинмас эканлиги инobatга олинмасдан, судни маъмурий ҳокимиятдан ажратиш эди.

1886 йилги «Низом» лойиҳасига кўра, уезд судлари тугатилиб, уларнинг ўрнига участка мировой (қелиштирув) судлари таъсис этилди. Мировой судьялар сайланмай, балки тайинланган.

Вилоят бошқарувларининг судлов бўлимлари вилоят судлари билан алмаштирилди. Уларнинг қошида суд терговчилари, вилоят прокурори лавозимлари таъсис қилинди. Вилоят судьялари мировой судьялар қурултойи функцияларини бажарар ва мировой судьялар ваколатига кирмайдиган фуқаровий ишларни, шунингдек, муқаддам вилоят бошқарувларининг судлов бўлимлари юритган ишларни кўрарди<sup>303</sup>.

<sup>301</sup> Туркестанский ведомости. 1881, 5 мая, № 7.

<sup>302</sup> Ответ К.К. Палена Народные суды Туркестанского края - С116, 1909. - С. 127.

<sup>303</sup> Абдурахимова Н. Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими... - 134-135-бетлар.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида ўтрок аҳоли ўртасида 275 халқ судлари ва 52 та халқ съездлари (кенгашлари), кучманчи аҳоли орасида эса 1860 та халқ судлари ва 281 та халқ съездлари фаолият кўрсатган. Бу миқдор Фарғона вилоятида мос равишда 101, 18, 72, 14 та - жами 197 тани ташкил қилган (Иловадаги 3-жадвалга қarang).

Туркистон ўлкаси генерал-губернаторлигининг вилоят ва уездлардаги халқ судларида 1905 ва 1907 йилларда ўтрок ва чорвадор аҳоли ўртасида бўлиб ўтган суд ишларининг таҳлили (Иловадаги 4-жадвал) шуни кўрсатадики, бу халқ судларида ўтрок ва чорвадор аҳоли билан биргаликда мазкур даврда кўрилган 7770 та жинойи ва 33264 та фуқаролик ишларининг (Фарғона вилоятида мос равишда 973 ва 6066 та иш) 761 таси бекор қилинган, мазкур ишларнинг 2241 таси устидан шикоят қилинган. (Иловадаги 4-жадвал. Утрок аҳоли учун. Туркистон ўлкасидаги вилоятлар ва уездлардаги халқ судларида кўрилган ишлар миқдори. Иловадаги 5-жадвал. Кучманчи аҳоли учун. Туркистон ўлкаси вилоятлари ва уездларидаги халқ судларида кўрилган ишлар миқдори).

Суд муассасаларига сайлов ўтказиш даврида ўлкада жинойи ишлар сони кескин кўпайиб, судьялик лавозимида даъвогарлик қилаётган у ёки бу номзод тарафдорлари ўртасидаги тўқнашувлар ижтимоий тангликни юзага келтирган.

Суд тизимидаги бундай ҳолатни расмий рус ҳукуматидаги нисбатан оддий халқ теранроқ англари. Рус амалдорлари масаланинг моҳиятини шариат судларининг «қолоқлиги» ва ислом руҳонийларининг «жаҳолатпарастлиги» билангина баҳолаши мутлақо нотўғри эди, чунки қозилар судини қайта кўриш соҳасидаги салбий тажриба мавжуд зиддиятларнинг маданий-тарихий характерга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳокимият дунёвий, европача суд тизими элементларини мустамлакаларида шариат суди фаолиятига атрофлича ўйламай, шошма-шошарлик билан киритганлигини империянинг айрим мансабдор шахслари ҳам англаб етганлар. Россия Молия вазири С.Ю. Витте Адлия вазирлиги томонидан режалаштираётган навбатдаги суд ислоҳотида муносабатини билдириб, марказий бошқарув тизими билан империянинг чекка ҳудудлари бошқарувини бирлаштиришни ўта эҳтиёткорлик билан ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Туркистонда суд ҳокимиятини маъмурий ҳокимиятдан тўлиқ ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

Россия империяси Фарғона водийсида қадимдан шаклланган давлатчилик тизимидаги суд тартибларини йўқ қилиб, уни ўз манфаатларига мос, қулай ҳолатга келтириш учун тинмай уринган. Масалан, Туркистон ўлкаси генерал-губернатори А.Б. Вревский судларни маъмуриятга бўйсундириш, жуда бўлмаганда Россиядагидек земство бошқарув усулини киритишни, қози ва бийларнинг сайланлигини бекор қилишни таклиф қилганди.

1890 йил 10 июнда ерлар олди-сотди ишлари қозилар иштирокида олиб борилиши чекланиб, 300 рублдан ортиқ миқдордаги ерлар нотариус томонидан олди-сотди қилиниши кўрсатилади.

1900 йилда қозилар иши учун судланаётганлар томонидан катъий нарх асосида тўлов белгиланди. 1908 йилда эса маҳаллий

аҳоли қозиларни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, улар рус маъмурияти томонидан тайинланадиган бўлди. «Халқ судлари устидан рус судларининг назоратини ошириш лозим. Шунда рус судлари ерлик аҳоли ҳаётига тез кириб боради. Халқ судлари фаолиятини чеклаш орқали рус судлари фаолиятини кенгайтириш мумкин. Ерлик аҳоли вакиллари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш учун иккала томоннинг розилиги эмас, балки бир томоннинг розилиги асосида ишни рус суди кўриб чиқиши тартибини жорий қилиш керак. Халқ судьялари съездини рус судьяси раислигида ўтказиш керак»<sup>304</sup> лиги каби таклифлар илгари сурилади.

Бу даврда «Бухоро ва Хивада қозиларни амир ёки хон тайинлаган»<sup>305</sup>. Биринчи жаҳон уруши арафасида шариат судларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида узоқ давом этган мунозаралардан кейин, уларни бутунлай тугатишга ҳаракат қилинади. Аммо шариат судлари Туркистонда 1917 йилгача ва ундан кейин ҳам анча муддат фаолият кўрсатган.

Табиийки, Россия империяси мустамлака халқларнинг ижтимоий тизими, суд тартиблари оз бўлса ҳам демократлаштириш фикридан анча йироқ бўлган. Аксинча, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш борасида қилинган барча ишлар руслаштириш сиёсатини кенг қўламда олиб борган ҳолда ўлкани қарам қилишга қаратилган эди. Асрлар давомида шаклланиб бўлган суд тизимининг рус босқинчилари хоши-иродасига биноан ислоҳ этилиши, ерлик халқларнинг маънавий ҳолатига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади, албатта. Аммо шунга қарамасдан халқимизнинг адолатга, ҳақиқатга бўлган ишончи сўнмади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона вилоятида жазо функцияларининг асосий қисмини ҳарбий қўшинлар бажариб келган. Ҳукумат ҳарбий маъмурлари ўлка Россиянинг бошқа мустамлакаларидан фарқ қилиши ва ерлик халқларни фақат қурол кучи билан бўйсундириб бўлмаслигини англашарди. Бу даврдаги кўтарилган ҳукуматга қарши кўзғолонлар ўзбек ва бошқа ерлик аҳолининг таслим бўлмаганлиги ҳамда босқинчиларга кўрсатиладиган қаршиликлар доимо тинимсиз юз беришидан далолат беради. Бунинг асосий сабабларидан бири маҳаллий аҳоли орасида махфий айғокчилар ҳамда жосус ва сотқинларнинг йўқлигида деб кўрсатилган<sup>306</sup>.

1901 йилда Урта Осиё, 1905 йилда темир йўл полиция жандармерияси бошқармалари, 1907 йилда махфий сиёсий полиция - Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) ташкил этилади. Туркистон ўлкасининг барча вилоят, уезд ва шаҳарларида ТРМБнинг махфий тармоқлари (жосуслик бўлимлари) тузилди. Бу бўлимларда махфий агентлар (филерлар) тармоғи ташкил қилинган. Айғокчи филерларнинг фаолияти Россия империясида 1882 йилда қабул қилинган ва 1889 йилда тўлдирилган «Махфий полиция назорати ҳақидаги низом» билан белгиланган эди<sup>307</sup>. Бу ташкилот

<sup>304</sup> Русский Туркестан. 1898. 3 октября. № 16.

<sup>305</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-том -Т.: «Фан». 1993. - 171-бет.

<sup>306</sup> ЎзР МДА. И-1-фонд. 28-руйхат. 502-иш. 1-варақининг орқаси.

<sup>307</sup> ЎзР МДА. И-1-фонд. 1-руйхат. 18-иш. 7-варақ.

томонидан қозилар фаолияти ҳам қаттиқ назорат қилинган. ТРМБ жосуслари улар ҳақида маълумотлар тўплаб боришган.

Қозиларнинг иш юритиш жараёнлари белгилаб қўйилган. Қозиликка даввогар номзодлар вилоят ҳарбий губернатори томонидан махсус урганилган. Каттарок жиноий ишларни фақат рус судлари кўриб чиққан, қози судларининг кўпинча меҳнаткаш халқ манфаати, мусулмон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мустамлакачилик манфаатларига зид келган. Шаҳарларда жиноий ишлар мировой судьялар томонидан кўриб чиқилган. Империя марказий губернияларида мировой судьялар сайланган, Фарғона вилоятида эса улар адлия вазирлиги томонидан тайинланиб, округ судига бўйсунган.

Рус судлари томонидан кўрилган жиноий ишларнинг асосий қисми мустамлакачи ҳукуматга қарши қаратилган ерлик аҳоли вакиллари устидан бўлган. Масалан, Фарғона вилоятида фақат 1904 йилда мировой судьялар томонидан бошқарув тартибларига қарши чиқишлар - 48 та, тартиб ва осойишталикни бузиш ҳоллари - 113 та, шахсни ҳақорат қилиш ҳоллари - 91 та, бировнинг мулкни талон-торож қилиш ва зарар етказиш ҳоллари - 206 та, жами - 458 та иш кўрилиб, ҳукм чиқарилган<sup>308</sup>. 1906 йили эса айнан шу вилоятда бошқарув тартибига қарши чиқишлар - 130 та, тартиб ва осойишталикни бузиш ҳоллари - 202 та, бировнинг мулкни талон-торож қилиш ва зарар етказиш ҳоллари - 251 та дея қайд этилган ва жазо чораси белгиланган<sup>309</sup>.

Хуллас, подшо Россияси судлари томонидан ҳукм этилганлар сони йилдан-йилга ортиб борган. Фарғона вилояти буйича 1905-1910 йилларга оид статистик ҳисоботларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона вилоятида 1905 йили 3447 киши, 1906 йили 2667 киши, 1907 йили 4837 киши, 1908 йили 4897 киши, 1909 йили 5341 киши, 1910 йили 6315 киши, жами 6 йил ичида 27504 киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Фарғона вилоятида судлов тизимини қайта тузишдан мақсад подшо ҳукуматининг уни Россия марказий районларидаги тизимга мослаштириш ва маъмуриятга нисбатан мустақил қилишдан иборат бўлган. Бироқ суднинг маъмуриятдан ажратилиши фақат расмий хусусиятга эга эди.

Хулоса қилиб айтганда, мустамлакачи маъмурият Фарғона вилоятида маҳаллий суд тизимини ўзгартиришга ва уни янгидан тузишга катта аҳамият берган. Чунки чоризм маъмурларига ислом аҳкомларига асосланган шариат ва одат қоидалари асосидаги қозихоналар (қозилик судлари) ёқмас эди. Улар қозилик ва бийлик судлари ўрнига халқ судлари ва мировой судлар ташкил қилиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган қозиларни қозиликдан четлаштирдилар ва империя манфаатларига мос келадиган кишиларни (уларнинг кўпчилиги саводсиз эди) судьяликка тайинлашга ҳаракат қилдилар.

<sup>308</sup> Статистический обзор Ферганский области за 1904 г. - Скобелев, 1905 - С. 22.

<sup>309</sup> Статистический обзор Ферганский области за 1906 г. - Скобелев, 1908 - С. 86-87.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон подшо Россияси мустамлакачилиги ҳукмронлиги остида бўлган даврда, албатта Туркистон ҳудудида империя маъмурий-сиёсий бошқарув тизими қарор топди ва у мустамлакачилик хусусиятларига эга бўлди. Бироқ мустамлакачилар давлат бошқарувида маҳаллий аҳолининг иштирокисиз ўлкани бошқариб бўлмаслигини англаб эдилар. Шу сабабдан улар туб жой аҳолини бошқаришда анъанавий маҳаллий бошқарув идоралари ҳамда маҳаллий аҳоли вакилларидан ҳам фойдаланишга мажбур эдилар. Бу хусусият эса давлатни маъмурий бошқаришда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштирокини таъминлади, уларнинг туб жой аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишига, маъмурий бошқарув анъаналарини сақлаб қолишига имкон яратди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида миллий анъанавий бошқарув тартиблари қишлоқ бошқарувида, суд-тартибот ишларида сақланиб қолди. Улар туб жой аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этди. Бу маҳаллий маъмурий идоралар, подшо маъмурияти конун ва талабларини бажаришга мажбур бўлишига қарамай, маҳаллий аҳолининг ўзига хос турмуш тарзи ва анъаналари сақлаб қолинишига хизмат қилди.

Туркистон генерал-губернаторлиги, жумладан империя учун муҳим ҳудуд ҳисобланган Фарғона вилояти маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимида иштирок этган маҳаллий аҳоли вакилларининг ўрни ва роли катта. Улар мустамлакачилик шароити оғир бўлишига қарамай маҳаллий аҳоли ва истилочилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий мувозанатни сақлаб турдилар, сиёсий жараёнларда иштирок этганлар, маҳаллий, умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар. Оқибатда туб жой аҳолининг миллий, диний мезонларга асосланган анъанавий бошқарув тартибларига имкон қадар бузилмаган ҳолда замонавий бошқарув тартиблари кириб борган.

Шунингдек, подшо Россияси мустамлакачилиги шароитида маҳаллий аҳоли учун анъанавий суд идораларининг амалиёти қўланилганлиги уларнинг аҳоли маънавий турмуш тарзини назорат қилиб турувчи мезонлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Ҳамда анъанавий суд тизимининг туб жойли аҳоли учун адолатли ҳакам сифатидаги роли ва обрўси мустамлакачилар томонидан тан олинганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида Туркистон ўлкасидаги мустамлакачиликка асосланган маъмурий бошқарув тизимининг шаклланиши, амалиёти ҳамда унда маҳаллий анъаналарни Фарғона вилояти мисолида илмий ҳолислик ва тарихийлик тамойиллари асосида манбаларга таянган ҳолда таҳлил этиш қуйидагича хулосаларга олиб келди:

Подшо Россияси ҳукмронлиги ва мустабид совет тузуми даврларида яратилган турли илмий адабиёт, тадқиқот ва вақтли

матбуот материалларининг аксариятида ушбу мавзу қисман ҳамда мустамлакачилар нуқтаи назаридан туриб бир томонлама ёритилган. Уларда Россияси империясининг Туркистон ўлкасини маъмурий-худудий бошқарув соҳасидаги сиёсати Урта Осиёдаги ўзаро урушлар, хонликлар ўртасидаги келишмовчиликларга барҳам берган “прогрессив факторлар” сифатида таърифланган ва ижобий баҳоланган. Уларда фақат хон ва унинг амалдорлари томонидан меҳнаткаш халққа нисбатан амалга оширилган зўравонликлар қаторига мустамлакачилик жабр-зулмлари ҳам келиб қўшилди, дея кўрсатилди. Ваҳоланки, Туркистон ўлкаси Россия империясининг узоқ йиллик режалаштирилган мақсадлари асосида Россиянинг ўлкада сиёсий, иқтисодий, геополитик манфаатларидан келиб чиқиб ҳарбий йўл билан қурол ёрдамида босиб олинган;

- Урта Осиё қадимдан қўшни давлатлар, жумладан Россия империясини сиёсий, иқтисодий ва стратегик жиҳатдан ўзига жалб қилган. Жумладан, Фарғона водийси ўзининг табиий бойликлари қўллиги, иқлими яхшилиги, айниқса пахта етиштириш учун қулай ҳудуд сифатида алоҳида ўрин тутган;

- Россия империяси томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган ҳарбий юришлар оқибатида Туркистон ўлкаси, жумладан Фарғона водийсини ўз ичига олган Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал - губернаторлиги таркибига кирувчи Фарғона вилояти ташкил қилинган ва у маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан уезд, волост, кишлоқ ва овулларга бўлиб бошқарилган. Фарғона вилоятида ўрнатилган маъмурий бошқарув империя ҳарбий зобитлари қўлида бўлган. Вилоятда метрополия манфаатларидан келиб чиқиб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий «ислохотлар» ўтказилган;

- Туркистонда, шу жумладан, Фарғона водийсида Россия империяси томонидан бошқарув соҳасида олиб борилган сиёсат, жорий этилган тартиблар, ташкил қилинган бошқарув органлари фаолияти ва лавозимлар фақат империя манфаатлари, ўлкада мустамлака ҳукмронлиги ва сиёсатини амалга оширувчи органлар бўлишини назарда тутган;

- босиб олинган ҳудудларни бошқариш «Низом» лойиҳалари тайёрланишида ўша даврдаги халқаро ва ички вазиятлар ҳам инобатга олинган;

- мустамлакага айлантирилган ҳудудлар турли хил вақтинчалик кўринишдаги «Низом» лойиҳалар асосида бошқарилган. «Низом» лойиҳаларининг аксарияти ўлка ҳарбий маъмурият вакиллари томонидан тайёрланган. Уларнинг тайёрланиши ва муҳокамасида туб ерлик аҳоли вакиллари иштирок этмаган;

- Фарғона водийсида империяча бошқарув ҳукмронлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий аҳолининг мустамлакачилик ҳукмронлиги ва сиёсатига қарши чиқишларига йўл қўймасликка қаратилган. Империя ҳукмрон доиралари бошқа мустамлакага айлантирилган ҳудудларнинг бирортасида ҳам

Туркистон, айниқса Фарғона водийсидаги сингари сиёсат олиб бормаган;

- Туркистонда ҳарбий ҳукумат маъмурий-бошқарув фаолиятини олиб борган. Ҳарбийлар қонуни ҳукм сурган. Босиб олинган ҳудудларда кучли «ҳарбий-ҳалқ» бошқаруви номида ҳарбий-полиция назорати ўрнатилган. Бошқарув тартиблари ҳарбийлар томонидан қаттиқ зўрлик кўринишида амалга оширилган;

- Фарғона водийсида тарихан миллий-анъанавий бошқарув тартиблари мавжуд бўлган, унинг асосини шариат ва одат қоидалари ташкил қилган, бошқарув тартиблари жамоавий бошқариш кўринишида бўлиб, у ўлка сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган;

- асрлар давомида шаклланиб келган туб ерлик аҳолининг миллий, маҳаллий ва диний эътиқодлари асосида шаклланган миллий давлатчилигининг бошқарув тартиблари тугатилиб, унинг ўрнига метрополиянинг иқтисодий, сиёсий, геополитик ва стратегик манфаатларига хизмат қиладиган мустамлакачилик бошқарув тизими тартиб-қоидалари жорий қилинган;

- бошқарувнинг юқори босқичига рус ҳарбий зобитлари тайинланган. Босиб олинган ҳудудларда генерал-губернатордан бошлаб, ҳарбий губернатор, уезд бошлиқлари, участка приставларигача ҳарбийлардан тайинланган. Маъмурий бошқарувда ҳарбий, фуқаролик, полиция ва суд ҳокимиятлари бир қўлда бирлаштирилган. Ерлик аҳоли вакиллари эса бошқарувнинг факат қуйи бўғинида иштирок этган;

- бошқарув соҳасидаги сиёсат ўлкадаги империя манфаатларидан келиб чиқиб ташкил қилиниб, бунда мустамлакачилик бошқарув соҳасида ўзининг бошқа мустамлакалари ва бу борада жаҳон миқёсида эришилган тажрибалардан унумли фойдаланилган, мустамлакачи империяларнинг ўз мустамлакаларида йўл қўйган камчиликлар ва хатоларини такрорламасликка ҳаракат қилинган;

- ерлик аҳоли вакиллари қуйи бошқарувга «сайлов» орқали қўйилган. Ҳукумат маҳаллий бошқарувдан жойлардаги ижрочи органи сифатида фаолият кўрсатишига эришиш учун ҳаракат қилган;

- мустамлакачи ҳукумат ерлик аҳолини энг оддий ва инсонийлик ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиб, уларни сиёсий, ижтимоий ва миллий камситиш, маънавий ҳаётига аралаш-иш бўйича кўплаб ишларни амалга оширган. Вилоят аҳолиси турли ҳудудлар бўйича бўлиб юборилган, жамоатчилик ва уруғчилик муносабатлари асосидаги тарихий бўлиниш қонуний тарзда йўқ қилинган. Мустамлакачи ҳукумат томонидан ерлик аҳолининг қаттиқ назорат қилиниши, фавқулодда қўриқлаш, ҳарбий ҳолатлар каби чоралар мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллаган;

- Туркистон ўлкасида узок тарихий ўтмишга эга, ўзининг миллий, диний ва маҳаллий анъаналари асосида шаклланган бошқарув



тизими империя манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартирилган. Россия империяси Фарғона водийсида маъмурий-худудий бошқарув соҳасида бошқа мустамлакаларга караганда «ўзига хос» кўринишда сиёсат олиб борган. Унга мувофиқ, нафақат империяга қарашли мустамлакалардаги, балки жаҳоннинг бошқа давлатлари мустамлакаларида олиб борилган сиёсатнинг «тажриба-синовидан ўтган» тартиб-қоидалар қўлланилган. «Тажриба-синовидан ўтмаган» тартиб-қоидаларни қўлламасликка ҳаракат қилинган;

- Фарғона водийсидаги Россия империясининг маъмурий-худудий бошқарув соҳасида олиб борган сиёсати нафақат босиб олинган худудларни бошқариш, балки сиёсий-иқтисодий, геополитик аҳамиятга ҳам эга бўлиб, бунда бошқарув тартиблари биринчи навбатда подшо Россияси ҳукмронлигини ўрнатгиш билан бирга мустамлакалардан иқтисодий манфаатлар йўлида фойдаланиш, мустамлакага айлантирилган худудлар навбатдаги ҳарбий истилочилик ҳаракатларига таянч бўлиши, қўшни давлатлар билан савдо-сотик иқтисодий, сиёсий ва дипломатик алоқалар олиб бориш, чегараларни мустаҳкамлаш, давлат даромадларини ўлка аҳолисидан олинадиган солиқлар эвазига кўпайтиришда асосий орган бўлиши назарда тутилган;

- бошқарув соҳасидаги сиёсат орқали буюк давлатчилик бора-сида ишлар олиб бориш ва маҳаллий аҳоли ўртасида ўз таъсирини ўрнатиш, ерлик аҳолининг сиёсий, маънавий, миллий руҳини ўзгартириш, кишилар онгига империя психологияси ва рус кишиларига хос элементларни сингдиришга ҳаракат қилинган. Бу ҳаракат энг аввало ерлик аҳолини миллий ва диний эътиқодига зарба беришга қаратилган. Ушбу мақсад йўлида мустамлакачиликнинг дастлабки кунлариданоқ шайхулислом, қозикалон, муфтий лавозимлари бекор қилинган, вақф мулклари қисқартирилиб, пировардида уларни бутунлай тугатиш режалаштирилган. Оқибатда бу соҳа вакилларининг моддий тирикчилик манбалари йўқ этилиб, мактаб, мадрасаларда таълим бераётган ва вақф мулки ҳисобидан моддий таъминланадиган бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган шахсларнинг иш жойлари қисқартирилган ёки бутунлай тугатилган;

- шу билан бирга Россия империяси томонидан шарият қондаларига асосланган қозилик судлари ва одат қоидаларига асосланган бий судлари сақлаб қолинган. Уларнинг ҳукумат вакиллари томонидан назорат қилиниши қонуний даражада жорий қилинган;

- ерлик аҳоли вакилларининг қуйи бошқарув соҳасидаги фаолияти империя учун энг аввало иқтисодий томондан манфаат келтирган, яъни улар империя томонидан маош олмасдан аҳолини бошқариб, империя хазинаси учун солиқларни йиғиб берган. Жиноят қилганларни жазолаган, баъзи жинойи ишларнинг олдини олган, аҳоли тинчлигини сақлаган. Энг муҳими мустамлакачи ҳукумат вакилларини тинч ҳукмронлик қилиши, ўлка иқтисодий, сиёсий манфаатлари йўлида иш олиб боришларига шароит яратиб берган. Чоризм ҳеч қачон ўз амалдорларини нафақат ноқонуний

фаолиятлари, балки жинояти учун ҳам жазоламаган. Улар устидан ёзилган шикоятларга эътибор берилмаган;

- ерлик аҳоли вакилларининг турмуш тарзида миллий-маънавий салоҳият, тарихий, миллий, диний анъаналарнинг ўрни катталиги, туб ерлик аҳоли менталитети юқори даражада инсонпарварлик хусусиятларига эга бўлганлиги сабабли мустамлака ҳукмронлиги, унинг жабр-зулми, тазйиклари шароитида ҳам ўзаро ижтимоий муносабатлари соҳасида ўзининг миллийлигини, ўзлигини, сақлаб қола олган. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт, шу билан бирга озодлик, истиқлол учун миллий озодлик ҳаракатлари турли хил кўринишларда давом этган. Мустамлака даврида ҳам туб аҳоли маданий-маърифий фаолиятини давом эттирган. Маҳаллий бошқарув вакиллари орасида фаолиятлари давомида миллатпарварлик, халқпарварлик хусусиятларини ўзида сақлаб қолган кишилар ҳам бўлган;

- жорий қилинган бошқарув тартиблари марказий губерниялардан кўчириб келтирилаётганлар сонини кўпайтириш, уларнинг хўжалик, фуқаролик аҳволини туб жой аҳолига нисбатан яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда муҳим ўрин тутган;

- Россия империяси томонидан Фарғона водийсида маъмурий бошқарув соҳасидаги сиёсат ўзига хос кўринишда олиб боришига сабаб бу ҳудудда турли миллат вакилларининг истиқомат қилган, аҳолисининг турмуш тарзи эса ҳар хил кўринишга эга бўлган. Туркистон ҳудудий бирликларининг ҳар бири сиёсий, иқтисодий, геополитик жиҳатдан ўзига хос ўринга эга бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашувни талаб қилинган. Шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам уларда маъмурий-ҳудудий бошқарув ҳар хил, ҳар бирида ўзига хос кўринишда бўлишини тақозо этган;

- бошқарув соҳасининг тез-тез турли қонунлар, «Низом» лойиҳалари, йуриқномалар асосида ўзгартириб борилишига сабаб, бошқарувни имкони борича тез ва босқичма-босқич империя шаклига яқинлаштириш, ерлик аҳоли вакилларида иборат аҳоли ўртасида катта обрўга эга мулкдорлар ва дин вакилларининг жамиятдаги ўрнини йўқотишга қаратилган. Мустамлакачилар вақт ўтиши билан империя манфаатлари учун хизмат қиладиган «содик кишилар»га, кўп маблағ сарфланмайдиган бошқарувга, янги ҳудудларни босиб олишга ёрдам берадиган таянч ҳудудий бирликларга эга бўлишни ўз олдидарига асосий мақсад қилиб қўйган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида Россия империясининг бошқарув соҳасида олиб борган тадбирлари Туркистон халқларининг миллатпарварлиги, халқпарварлиги, ватанпарварлиги натижасида мазкур соҳада подшо империяси режалаштирган мақсадларга тўлиқ эришишга имкон бермаган.

## МУНДАРИЖА

Суз боши .....	3
Кириш .....	4
<b>XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда мустамлакачиликка асосланган бошқарув тизимини ўрнатилиши ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона вилоятининг ташкил қилиниши .....</b>	<b>11</b>
Туркистонда мустамлака маъмурий-сиёсий бошқарув тизимининг жорий қилиниши .....	11
Фаргона вилоятининг ташкил топиши ва унинг маъмурий-худудий бошқарувидаги ўзгаришлар .....	23
<b>Фаргона вилоятида бошқарув тизими ва сайлов тартибларининг жорий қилиниши .....</b>	<b>44</b>
Маҳаллий идоралар ва уларнинг асосий вазифалари .....	44
Маҳаллий идораларда сайлов тартиблари ва унинг мустамлакачилик моҳияти .....	61
<b>Маҳаллий бошқарув органларининг Фаргона вилояти ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ масалаларининг ҳал қилишдаги иштироки .....</b>	<b>77</b>
Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий аҳоли вакилларининг ўрни ва фаолияти .....	77
Маҳаллий суд тизими ҳамда унинг фаолияти .....	88
<b>Хулоса .....</b>	<b>100</b>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти  
хузуридаги “Тарихий адабиётларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича  
Эксперт гуруҳи” томонидан нашрга тавсия этилган.

Мухаррир: М.Содиқова

Мусахҳих: И.Мусабоев.

Саҳифаловчи: Н.Тимафиева.

Нашриёт рақами: з-022. Босишга рухсат этилди: 11.03.08. Кого  
бичими 84x60  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма. Офсет коғоз. Ҳисоб нашриёт 8 б.т. Шартли  
босма 8 б.т. 18/09-А-буюртма. 250 нусхада. Келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти: 100170,  
Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЧП «Абдулҳақов А.А.» босяхонаси: Тошкент, Усмоиҳўжаев кўчаси,  
27-уй.

